Tadqiqot uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№25 (2019)

TOSHKENT-2019

DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599
ЎТМИШГА НАЗАР / ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ / LOOK TO THE PAST
№25 (2019) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали тахририй маслахат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна
Доктор исторических наук,Телавский государственный университет (Грузия)

Бурдиашвили Майя
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет (Грузия)

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети, Қозоғистон Республмикаси

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий Университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси, Қозоғистон Республикаси

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё - Технология Институтида

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темур пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Мирзаев Муродулла
ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....4

2.Arziyev Komiljon
SHIMOLIY BAQTRIYA KUSHON DAVRINING YANGI YODGORLIGI VA UNING HOLATI.....12

3.Назаров Отабек
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТУРКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ (1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида).....19

4.Оманов Шербек
"СОХТА ТРИПОЛЬЕ" СОПОЛЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР.....25

5.Сайфуллаев Бахтиёр
САМАРҚАНД ПАЛЕОЛИТИ ТОШГА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ХОМ АШЁНИНГ РОЛИ (Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ топилма жойлари материаллари асосида).....30

6.Гофуров Низомжон
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....43

7.Хусанов Хабибулло
ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ДИНИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ТИКЛАНИШИ ТАРИХИДАН.....48

8.Эшмуҳаматов Аҳрор, Мажидов Акбар
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ЧОРВАЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ХУСУСИДА.....54

9.Эшмуҳаматов Аҳрор, Мусинов Нажмиддин
XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ (йилқичилик мисолида).....59

10.Jumaniyozov Fazliddin
XORAZM VOHASIDA BIRINCHI TRANSPORT VOSITALARI, SAVDO ALOQALARI VA KARVON YO'LLARINING SHAKLLANISHI TARIXI.....64

11.Аббасов Беҳзод
XX АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЎТКАЗИЛГАН АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ (янги ташкил этилган хўжаликлар мисолида).....70

12.Ёрматов Фахриддин
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ.....78

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Мирзаев Муродулла,
Тошкент давлат педагогика университети доценти,
тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

For citation: *Muradulla Mirzaev. Development of civil society institutions in Uzbekistan. 2019, vol. 25, issue 2, pp. 4-11*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-01

АННОТАЦИЯ

Ривожланган иқтисодиётга эга бўлган давлатлар тараққиётининг асосини кучли фуқаролик жамияти ташкил этади. Ўзбекистон ҳам ана шундай жамиятни шакллантириш йўналишини танлади. Бунинг учун фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мақолада мустақилликка эришгандан кейинги йилларида бу йўналишда республикамизда амалга оширилган ишлар хусусида гап боради. Гарчи бизда бундай жамият яратиш тажрибаси етарли бўлмаса-да, жаҳон тажрибаси мисолида уни таҳлил қилиш, ҳаётга татбиқ этиш устувор йўналиш сифатида қабул қилинди.

Калит сўзлар: фуқаролик, жамият, демократия, ҳуқуқ, институт, эркинлик, шахс, парламент, партия.

Мирзаев Мурадулла,
кандидат исторических наук,
доцент Ташкентского государственного
педагогического университета

РАЗВИТИЕ ИНСТИТУТОВ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Основу прогресса государств с развитой экономикой составляет сильное гражданское общество. Узбекистан также выбрал направление формирования аналогичного общества. В этом деле особое значение имеет развитие институтов

гражданского общества. В данной статье речь идёт о проделанной работе в этом направлении в республике за годы независимости. Несмотря на отсутствие достаточного опыта в этой сфере, проведён анализ на примере мирового опыта, претворение его в жизнь.

Ключевые слова: гражданство, общество, демократия, право, институт, свобода, личность, парламент, партия.

Muradulla Mirzaev,
Candidate of Historical
Sciences, Associate Professor of Tashkent
State Pedagogical University

DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

The basis of the progress of advanced economies is a strong civil society. Uzbekistan also chose the direction of formation of a similar society. In this matter, the development of civil society institutions is of particular importance. This article is about the work done in this direction in the republic over the years of independence. Despite the lack of sufficient experience in this area, an analysis was carried out on the example of world experience, its implementation.

Key words: citizenship, society, democracy, law, institution, freedom, personality, parliament, party.

Миллий мафкуранинг мамлакат сиёсий ҳаётини эркинлаштириш жараёнига таъсирини фуқаролик жамияти институтлари ривожланиши мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг умумэътироф этилган тушунчаси қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.Каримов таъкидлаганидек: "Биз учун фукаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда конун устувор булиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик килмайди, аксинча, ёрдам беради" [1,Б.554].

Замонавий талқиндаги фуқаролик жамияти ўз аъзоларининг кенг миқёсли демократик ҳуқуқ ва эркинликлари мавжуд бўлишини тақозо этади. XX аср иккинчи ярми мутахассислари таъкидлаганларидек, фуқаролик жамияти ривожланган шаҳар ҳаёти, маданияти, абстракт фикрлаш, товар-пул муносабатлари, ҳуқуқ, чуқур ва кенг миқёсли бозор муносабатлари, шахс қадриятларини тушуниб етиш, шахсий ташаббус, хусусий мулк ва ҳоказолар негизида шаклланади. Фуқаролик жамияти аввало, умуман, жамият учун фуқаро масъулиятининг ўсиши, ихтисослашган институтлар, ташкилотлар, ассоциацияларни (масалан, парламент, партиялар, сўз эркинлиги каби) шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш қобилияти билан тавсифланади.

Буларнинг барчаси жамият мафкуравий тизими концепциясида акс этган мақсад ва тамойилларда уйғунлашган.

Маълумки, фуқаролик жамиятини шакллантириш учун маданий шарт-шароит, маълум даражада ривожланган либерал ғоялар зарур бўлади. Машҳур инглиз олими

Ж.Локк фалсафаси туфайли сиёсий тажриба инсонпарвар аргументлар ва фуқаролик жамияти негизида ҳокимиятни эгаллаш ҳамда уни ушлаб туришнинг сиёсий технологиялари асосида эмас, ўзаро манфаатли шерикчилик асосида ҳокимиятни барпо этиш аргументлари билан қуролланди. Айнан шу фалсафа сиёсий онгни муҳрлади, ҳозирги замон сиёсий ғоялари ўхшашини шакллантирди.

Классик давр либераллари учун давлат - инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш қуроли сифатида тасаввур қилинган, холос. Бинобарин, давлатнинг мақсад ва тамойиллари, механизм ва ҳуқуқий тизими айнан шу талабга жавоб бергани учун ҳам аҳамиятга эга. "Инсонларни давлат атрофида бирлаштириш ҳамда уларнинг ўзларини ҳокимиятга беришларининг асосий ва буюк вазифаси - уларнинг мулкини сақлаб қолиш ҳисобланади", - дейди Ж.Локк [2,Б.334].

Бугун либерализм давлатни фуқаролик жамиятига қарши қўймайди. Айрим илмий асарларда айтилишча, ҳуқуқий давлат - фуқаролик жамияти институтларидан бири ҳисобланади [3,Б.14].

Ўзбекистонда ҳам фуқаролик жамияти давлатга қарши қўйилмайди. Шаклланаётган демократик институтлар ва фуқаролик жамияти элементлари таъсирчанлигини ошириш учун дастлаб пухта ўйланган ва босқичма-босқич, ижтимоий манфаатларга мос равишда гармоник амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа ижтимоий алоқалар фаолиятини оптимал йўлга қўйиш мақсадида, ҳатто, давлат бош ислоҳотчилик вазифасини ўташи керак, деган тушунча ҳам мавжуд.

Республика ҳукумати фуқаролик жамияти институтларига кўмаклашиш сиёсатини республика сиёсий тизимини демократик модернизация қилишнинг таркибий қисми сифатида қарайди.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиб бориши, давлат томонидан олиб борилаётган тегишли ислоҳотлар ва улардан олинаётган натижалар битта мақсадга қаратилган: фуқаролик жамиятини реал амал қиладиган, халқаро ҳуқуқ стандартлари ва миллий жамоатчилик талаблари, унинг қадриятлари ва манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган даражага олиб келиш.

Аввало шуни таъкидлаш лозим-ки, фуқаролик жамиятини шакллантириш моҳиятан, умумий демократлаштириш жараёни, фуқаролик ташаббусини ривожлантириш учун яратиладиган шарт-шароит, фуқаролик позициясини билдириш, тегишли институтларнинг ривожланиши, сиёсий партиялар, давлат бошқарувини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳар тарафлама ҳамкорлик қиладиган ҳуқуқий давлат қуриш ўртасида узвий боғлиқлик бор.

Мазкур жараённинг ўзига хос томони - унинг босқичма-босқич ва институционал вазифаларни пухта бажаришлигида, ўз кучи ва ички потенциалига таянишида. Ҳар қандай миллатнинг кучи фуқаролик жамияти ва демократия сари ҳар қандай диктатлардан ҳоли ўзи танлаган ноёб йўлдан оғишмай, ташкилий равишда боришида. Демократик институтлар ўзбошимча қарорлар орқали ташкил этилмайди, бу демократиянинг туб моҳиятига зиддир. Ҳар бир мамлакат ўз шарт-шароити, халқ менталитети ва аҳолининг умумий ҳуқуқий ҳамда сиёсий маданиятига мос келадиган тизим ишлаб чиқиши талаб этилади. Бу ёндашув тўлиқ равишда нафақат фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласига даҳлдор, балки тоталитар давлатнинг парчаланиши шароитида шакллана бошлаган кўппартиявийликка ҳам тўлиқ ҳолича тегишлидир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг ўзига хослиги шунда-

ки, мамлакат мустақиллик арафасида авж олган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий инқироз билан боғлиқ мураккаб вазиятдан оғриқсиз чиқа олди. XX аср 80-йиллари охирида, ҳали собиқ Иттифоқ мавжуд бир шароитда совет жамиятида салбий кайфият ҳукмрон эди. Ижтимоий онгнинг "турфа ранглари"ни намойиш қилган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар кўплаб ташкил этилди. Сиёсий муносабатларнинг янги субъектлари муҳитида туғилаётган плюрализмнинг асосий тамойили ҳокимият сари келишга халақит берувчи барча нарсаларни инкор этиш эди. Ғоялар кўп ҳолатларда яратувчанлик эмас, ҳокимият учун аёвсиз ва ҳамма нарсани йўқ қилишга қаратилган вайронкор кураш мақсадида юзага кела бошлади. Мана шундай шароитда зиддиятли ҳолатлар, миллатлараро низо, сепаратчилик, диний экстремизм, давлатнинг заифлашуви, уюшган жиноят юксалди.

Ана шундай шароитда жамиятни қонунлар доирасида ушлаб туриш, дунё миқёсида эътироф этилган демократик тамойиллар ва босиқлик ҳамда донолик сингари хусусиятларни ўзида мужассам этган миллий қадриятлар, шунингдек, жамиятни ҳаракатга келтирувчи бақувват позитив куч асосига таянган сиёсий ривожланишни тараққийпарвар шаклга келтириш асосий вазифа эди. Бу имконият мустақилликни қўлга киритгандан кейингина яратилди. Тадрижийлик, ўйлаб қилинган иш дастлабки натижалар билан ўзининг тўғрилигини исботлади: Ўзбекистонда вайронкорлик ва ҳамма нарсани ёппасига инкор этишга йўл берилмади. Ислоҳотларнинг ўзига хос миллий моделига асосланган янги жамият қурила бошланди.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш бошланган янги шароитида сиёсий муносабатларнинг айрим субъект ва институтлари ўз вазифаларини чуқур англаб олишлари керак эди. Жамиятни асосий масала атрофида бирлаштиришга қодир бўлган умумиллий ғоялар яратиш зарурати туғилди. Бу масалалар қуйидагилар эди:

- миллий давлатчиликни ошкор барпо этиш заруратини тушуниб етиш;
- мустақилликни мустаҳкамлаш;
- янги тарихнинг ҳар бир инсонга ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида ўз имкониятини максимал даражада намойиш этиш, ўз ҳуқуқи, зарурати ва эҳтиёжини ҳеч қандай тўсиқсиз ва кафолатли амалга оширишини таъминловчи шарт-шароит яратилган уфқларни забт этиш.

Маълум бўлганидек, бунинг учун мустаҳкам эрк керак эди. Айнан шундай сиёсий эрк ва юқори масъулият республикада ўсиб бораётган сиёсий ва ҳуқуқий онг, амалий тажрибага таянган ҳолда ижтимоий ҳаётни тизимли, босқичма-босқич қайта қуришни бошлаш имконини берди. Фақат шу тарзда фуқаролик жамияти институтлари ролини кўтариш жараёнини мувофиқлаштиришга имкон яралди, шу жумладан, сиёсий партияларнинг давлатни бошқаришдаги кенг иштирокига ҳам.

Республикамизда фуқаролик жамиятини яратиш ва ривожлантириш жараёнининг муҳим хусусиятларидан бири шу-ки, таълим тизими, маърифий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий онгга таъсир этувчи бошқа воситалар ёрдамида фундаментализмга хос сафсата ва ижтимоий мазмундаги ёлғонга қарши қатъий иммунитетни шакллантиришга, мустақил фикрлашни ривожлантиришга эришилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий шарти нодавлат ва ижтимоий институтларнинг роли ва аҳамиятини кўтариш эканлиги ҳақида қатъий қараш мавжуд. Бу жараён республикамизда "Кучли давлатдан - кучли

жамият сари" тамойилига таянмоқда. Бу ерда гап давлат тузилмаларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги ролини секин-аста ва босқичма-босқич чеклаш ва бу функцияларни жамоат ташкилотларига бериш ҳақида бормоқда. Бугунги кун мисолида кўрадиган бўлсак, мазкур масала ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Давлатнинг иқтисодий соҳадаги ва хўжалик тузилмалари фаолиятидаги иштироки қисқармоқда, айниқса, хусусий секторда. Айни пайтда, тегишли мулоҳазалар асосида ижтимоий манфаатларнинг жамоатчилик назорати учун қулай шароит яратиш вазифалари ҳам ҳал этилмоқда.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мамлакатдаги демографик ҳолат хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 1991 йилда собиқ Иттифоқда биринчилар қатори Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилди. Кейинчалик, у 1995 йил март ойида давлат-жамоатчилик мақомига эга бўлган ягона ташкилот бўлди.

Мазкур ташкилот мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллади. Айни пайтда, давлат томонидан мунтазам қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 2-февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам бунга ҳамоҳанг.

Шунингдек, 2018 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонда қатор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Ўзбекистон хотин-қизлари қўмитаси фаолиятининг тўртта устувор йўналиши алоҳида аҳамият касб этди.

Маълум бўлганидек, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши давлат ҳокимияти томонидан алоҳида назоратга олинган ва қўллаб-қувватланмоқда. Давлат ва жамиятнинг ҳар бирига хос бўлган вазифалар ўзаро манфаатли шерикчилик асосида ҳал этилмоқда.

Ўтган йиллар давомида шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси ижодкорлари жамғармаси" (1991 й); "Наврўз" хайрия жамғармаси (1992 й.); Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти (1992 й.); "Маҳалла" Республика хайрия жамғармаси (1992 й.); "Соғлом авлод учун" Халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси (1993 й.) ва бошқалар ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида фуқаро тузилмалари фаолиятини ташкил этувчи ва уларни мувофиқлаштириб борувчи маълум ҳуқуқий база яратилди, қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида жамоат ташкилотлари тўғрисида"ги (1991 й.), "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги (1991 й.), "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги (1992 й.) қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 й.) қабул қилинди. Асосий қонуннинг 13-моддаси шу ном билан аталувчи жамоат бирлашмаларига бағишланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги (1999 й.), "Жамоат жамғармалари тўғрисида"ги (2003 й.), "Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (2004 й.) ва "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги (2007 й.) қонунлари, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг "ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш тадбирлари ҳақида"ги (2008 й.) қўшма қарори, "Экологик назорат ҳақида"ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўмаклашишнинг

қўшимча тадбирлари ҳақида"ги қарори (2013 й.), "Ижтимоий шерикчилик ҳақида"ги қонун (2014 й.), Ўзбекистон Президентининг "Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори (2017 й.) қабул қилинди.

Агар 1991 йилда Ўзбекистонда 95 та ННТ бўлган бўлса, 2016 йилга келиб Фуқаролик жамиятини шакллантириш мустақил Инситутути мониторинги бўйича уларнинг сони 8417 тага етган. Айни пайтда мамлакатимизда турли соҳаларда 9,7 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти ва 2,2 мингдан зиёд диний ташкилот, 1,5 мингдан кўпроқ оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласида, айниқса 1999 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонуни муҳим аҳамият касб этди. Унда ННТ нинг мақоми белгилаб берилди. Мазкур қонунга биноан нодавлат нотижорат ташкилоти:

- ўз аъзолари ва иштирокчилари қонуний манфаат ҳамда ҳақларини ҳимоя қилиш ва тақдим этиш;
- ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари бўйича ташаббус билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар бериш;
- қонунларда кўзда тутилган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва ўрнатилган тартибда ноширлик фаолияти олиб бориш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлди.

Шунингдек, мазкур қонунга кўра ННТ зиммасига қатор мажбуриятлар ҳам юкланди.

Мамлакатда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Президент ҳузурида тадбиркорлик субъектлари қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил - Бизнес-омбудсман ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ муваффақиятли иш олиб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистон адвокатлар Ассоциацияси, Ўзбекистон судялари Ассоциацияси, Ўзбекистон юрист-хотин-қизлар жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон юристлар Иттифоқи, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ Ассоциацияси, Инсон ҳуқуқи ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш Маркази ва бошқалар фаолият олиб бормоқда. Қайд этиш керакки, миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги мураккабликларга қарамай, мазкур ташкилотлар ҳуқуқий тарғибот, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш борасида катта ишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7-февралда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонни имзолади. Фармонда 2017-2021 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун бевосита алоқадор бўлган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб берилди [4]:

- демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
- иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш;
- ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш

ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш, бу ишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш алоҳида ўрин эгаллаган. Хусусан:

- давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

- қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини қабул қилинаётган қонунларни амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда тубдан ошириш;

- сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш назарда тутилган. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш туфайли:

- халқ билан самарали мулоқот механизмларини жорий этиш;

- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;

- фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

- маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;

- оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилишга эришиш мақсади қўйилган ва бу йўлда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий шарт-шароитлари шакллантирилди. Демократик ўзгаришлар ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги тажриба амалга оширилаётган ислоҳотлар нуқтаи назаридан катта бўлмаслиги мумкин. Аммо суръати ва мазмуни жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга ва барча ислоҳотларнинг асосини ташкил этади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш, жамиятнинг ҳокимият тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилиши учун давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини оширишга тааллуқли вазифалар ҳам бажарилмоқда.

Демократия давлатнинг гуллаб-яшнаши учун шарт-шароит вазифасини ўташи зарур. Айни пайтда, хавфсизлик ва миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини яратиш кафолати ҳам бўлиши керак. Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёни айнан шу билан характерланади. Ижтимоий манфаатлар янада самарали мазмун кашф этиши учун аксарият кўпчилик инсонлар томонидан чуқур тушунилиши талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. (Islam Karimov. Uzbekistan on the way to a great future). -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -Б.658.

2. Локк Дж. Сочинения (John Locke. Works): - Т. 3. - Москва: Мысль, 1988. -Б.668.

3. Федоренко, Д. В. Политико-правовые механизмы взаимодействия института гражданского общества и государства в современной России: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук (Political and legal mechanisms of interaction between civil society and state institutions in modern Russia. Abstract of dissertation for the degree of candidate of legal sciences). - Ростов-на-Дону, 2006. 27 б.; http://know.su/link_3918_1.html и др.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (Action strategy in five priority areas development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021)/ ЎзР Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами". 2017 йил 13 февраль, 6-сон.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Arziyev Komiljon Doniyorovich,
O`zRFA Arxeologik tadqiqotlar instituti
Taynch doktarant

SHIMOLIY BAQTRIYA KUSHON DAVRINING YANGI YODGORLIGI VA UNING HOLATI

For citation: *Kamiljan D.Arziev. Northern bacteria a new monument of the kushan period and its condition. 2019, vol. 25, issue 2, pp. 12-18*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-02

ANNOTATSIYA

Maqolada O'zbekiston-Xitoy qo'shma arxeologik ekspeditsiyasi va uning qisqacha faoliyati, mustaqillikning dastlabki davrlaridan boshlab xalqimizning qadim o`tmishi, shonli tarixi, ajdadlarimizdan qolgan nodir madaniy merosni ilmiy o`rganish, uni asrab avaylash masalasi, Chinortepa arxeologik yodgorligi haqida dastlabki qisqacha ma`lumotlar, yodgorlikning hozirgi holati haqida ilmiy xulosalar berilgan.

**Kalit so`zlar:** O'zbekiston-Xitoy qo'shma arxeologik ekspeditsiyasi, Mustaqillik, To`da, neolit davri, Rabot, Xolchayon, Kushon davri, Tanchan, Serxarakat, Qabrlar,Chinortepa, Qonun, Adirliklar, soylar, tepaliklar.

Арзиев Камилжан Даниёрович,
Базовой доктарант Института
Археологических исследований АН РУз

СЕВЕРНАЯ БАКТРИЯ НОВЫЙ ПАМЯТНИК КУШАНСКОГО ПЕРИОДА И ЕГО СОСТОЯНИЕ

АННОТАЦИЯ

В статье дается краткое описание узбекско-китайской совместной археологической экспедиции и ее деятельности, изучение древнего прошлого, славной истории нашего народа, сохранение уникального культурного наследия наших предков, археологического памятника Чинортепа, информация о современном состоянии памятника.

Ключевые слова: узбекско-китайская совместная археологическая экспедиция, Независимость, Туда, неолитический период, Работо, Холчайон, Кушанский период, Танчан, Серхаракат, Могилы, Чинортепа, Закон, Адыры, реки, холмы.

Kamiljan D.Arziev,
AS RUZ Institute of Archaeological
Doctoral student

NORTHERN BACTERIA A NEW MONUMENT OF THE KUSHAN PERIOD AND ITS CONDITION

ANNOTATION

The article provides a brief summary of the Uzbek-Chinese joint archeological expedition and its activities, the study of the ancient past, the glorious history of our people, the preservation of the unique cultural heritage of our ancestors, the Chinortepa archeological monument. information about the current state of the monument.

Key words: Uzbek-Chinese joint archaeological expedition, Independence, Tuda, Neolithic period, Rabot, Holchayon, Kushan period, Tanchan, Serharakat, Graves, Chinortepa, Law, Adyrs, rivers, hills.

Mustaqillikning dastlabki davrlaridan boshlab xalqimizning qadim o`tmishi, shonli tarixi, ajdadlarimizdan qolgan nodir madaniy merosni ilmiy o`rganish,uni asrab avaylash bo`yicha yangicha yondashuv, talab va vazifalar davlat miqyosida kun tartibiga qo`yildi [1,Б.11]. Yurtboshimiz takidlaganlaridek "□mana shu mo`tabar yurtimizdagi yer osti xazinalaridan, asrlar davomida sukutga cho`kib yotgan shahristonlardan topilgan arxeologik ashyolar, noyob tasvirlar va hali ochilmagan, o`z sirini pinxon saqlab kelayotgan cho`li biyobonlar, hech shubxasiz, bugun biz yashayotgantuproqda qadim-qadim zamonlardan boshlab buyuk madaniyat va san`at rivojlanganini tasdiqlaydi". Bunday qadim tariximizni xar tomonlama, chuqur o`rganish uchun davlatimiz va yurtboshimiz tomonidan ko`rsatilayotgan g`amxo`rlik, yaratilgan shart-sharoitlar asosiy tamal toshi bo`lganligini va anashu omilllar sababli O`zbekiston arxeologiyasi rivojlanib dunyoga tanilganligini alohida takidlash lozim.Mustaqillik yillarida nihoyatda faollashgan tadqiqotlar ko`lami va ularning ilmiy samarasi tufayli, O`zbekiston arxeologiyasi dunyo ilm-fani darajasiga ko`tarildi. Bunday natija esa, o`z navbatida, O`zbekiston arxeologiyasi uchun dunyodagi yetakchi arxeologiya markazlari bilan ilmiy hamkorlik o`rnatishga, teng asosda xalqaro shartnomalar tuzishga zamin yaratdi. Ayni paytda ,O`zbekiston hududida - Avstraliya, AQSH, Germaniya, Italiya, Ispaniya, Janubiy Koreya, Fransiya, Polsha, Qozog`iston, Rossiya, Xitoy, Turkiya, Yaponiya kabi davlatlarning arxeolog olimlari bilan hamkorlikda, xalqaro miqyosda, arxeologik tadqiqotlar olib borilmoqda [2,Б.11]. Ana shunday xalqaro arxeologik tadqiqotlardan biri,O'zbekiston-Xitoy qo'shma arxeologik ekspeditsiyasi 2014 yildan buyon yurtimizning Samarqand, Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlari hududlari bo`ylab arxeologik tadqiqot ishlarni amalga oshirmoqda. Ekspeditsiyamizning asosiy maqsadi - Buyuk Ipak yo'lidagi Tyan-Shan (Tagri tog`) tog'tizimining sharqiy va g'arbiy sohillarida istiqomat qiluvchi xalqlarning madaniy va tijorat aloqalarini o'rganish. Shu maqsadda Boysun tumani To`da qishlog'i hududida qidiruv ishlari olib borilib, qadimgi davrga oid mingga yaqin maqbaralar tuman arxeologik xaritasiga kiritilgan. 2015 yilda ushbu ishlar natijasida ular birinchi bor Boysun tumanidagi tosh asriga xos yani neolit davriga iod g`or

topilgan. 2017 yildan beri ushbu yodgorlik ustida doimiy qazish ishlari olib borilmoqda. G`ordan neolit davrining boshlariga oid tosh buyumlar, suyakdan yasalgan taqinchoq parchalari, hayvon suyaklari va ko`mir qoldiqlari topilgan. Makonning o`ziga xos xususiyati, uninug tosh industriyasida makro va mikroinventarlarning birgalikda uchrashidadir [3,Б.148]. Keyingi tadqiqotlar natijasida To`da g`oridan hatto antik davrga xos sopol buyum parchalari chiqdi. Ushbu qiyin arxeologik sharoitlar natijasida tosh davridagi uchta madaniy ufqni kuzatish mumkin. Dastlabki davrlar O'rta paleolit, keyin ilk va o'rta neolit davrlarining tosh asboblari bilan tavsiflanadi. O'rta paleolit davridagi materiallarning o'ziga xos xususiyatlaridan biri bu mikrolitlarning paydo bo'lishi, ya'ni hozirgi paytda mayda hayvonlar uchun ov va baliq tutish rivojlanganligini anglatadi. Natijada o`sha davrdan boshlab inson charmdan kiyim tikish uchun tikuvchilikni ixtiro qildi.

O'zbekiston-Xitoy qo'shma arxeologik ekspeditsiyasi 2017-2018 yillarda Boysun tumanidagi Rabot qishlog`ida joylashgan "Rabot" mozor-qo`rg`onlari hududida arxeologik tadqiqotlar ishlari olib bordi. Ikki fasl davomida 94 ta qabrlar topildi. Qabrlarning ichida faqat oltita qabr yog'och bilan qoplangan tuzilishga ega o`ra shaklidagi qabrlardir. Boshqa barcha qabrlar yo`lakli shaklda bo`lib, kirish yo`lagi sharqiy tomonda. Dafn marosimi va jasad yonidan chiqqan materiallar ikkilasi ham bir xil bo'lib, boshshimoli-sharq tomonda yotadi, qo'llar va oyoqlar cho'zilgan. Qabrlar topilmalarga juda boy. Qabrlardan chiqqan sopol buyumlar ayniqsa oyoqli qadahlar o`sha davrga xos muhim jihatdir. Bunday dafn joylari ilgari faqat Amudaryoning o'ng sohiliBishkent vodiysida ma'lum bo'lgan [4]. Rabat qabristonida ham, Farg'ona vodiysi qabristonlarida ham qabrlarning yo`lakli tuzilishi mavjudligi Yueji qabilalarining Farg`ona vodiysi orqali Shimoliy Baqtriyaga boradigan yo'llari haqida gapiradi. Qisqa davrda ikkala mintaqaga xos yana bir omil - bu O'rta yer dengizi mamlakatlaridan Xan imperiyasiga qadar ma'lum bo'lgan fayans mahsulotlaridir.

Rabat qabristoni Amudaryoning chap qirg'og'ida keng ko'lamda qazib olingan yagona yodgorlikdir. Hozirgi vaqtda bir nechta rivojlangan mamlakatlarda laboratoriyalar bir necha sohalarda tahlillarni o'tkazmoqdalar. Zamonaviy ilm-fan asosida ko'mirni nafaqat radiokarbonli tahlil qilish yaxshi natijalar bermoqda, balki suyak qoldiqlari ham mavjud. Ikkinchidan, qabilalarning kelib chiqishi irqi nafaqat antropologik ko'rsatkichlar bilan belgilanadi, ilgari bo'lgani kabi, zamonaviy fanda qon namunasi asosida qo'shimcha ma'lumotlar olinadi. Oxir-oqibat, tishlarning mikroelementlari tarkibidagi qoldiqlarga ko'ra, ular Kushan davrida nimalar iste'mol qilgani va qanday daryolardan suvishlatgani aniqlanadi.

2018 yildan beri bizning ekspeditsiyamiz Surxondaryoning chap qirg'og'idagi adirlarda qidiruv ishlarini olib bormoqda. Yangi tanchan texnikasi yordamida3 metrgacha chuqurlikdagi tuproq namunalarini olish va madaniy qatlamlarning mavjudligini aniqlashga imkon beradi. Ushbu texnikadan foydalanib, Uzun tumanidagi Serxarakat qishlog'ida yashovchilar bog'lari ostida yoki yomg'irli ekin ekish uchun Adir zonasi ostidagiyer yuzidan g'oyib bo'lgan madaniy qatlamlar kuzatildi. Bunga Serxarakat qishlog'ida yashovchi S.Shodmonov bog'i ostidan topilgan qabriston misol qilib keltirish mumkin.

20x15 m dan ortiq maydonda 38

ta yo`lakli va o`ra shaklidagi qabrlar topildi. Yo`lakli qabrlarning sharqiy tomonida xom g'ishtlar terilgan, ko'milgan odam boshi shimoli-sharqda joylashgan. Qabrlardan chiqqan materiallar juda kamtar. O`ra shakldagi qabrlarning kirish yo`laklari shimoliy-janubiy yo'nalishda cho'zilgan. Kirish janubdan yoki shimoldan ochiladi. Barcha qabrlarda ikki yoki uchta jasad kuzatiladi. Ko'p qabrlar talon-taroj qilingan, ulardan qichqan materiallar asosan sopol idishlar va ikkita xanjar.

Surxondaryo viloyati Uzun tumanida yani Surxondaryoning chap qirg'og'ida olib borilgan arxeologik tadqiqot ishlarning ushbu mavsumida bizlar Chinortepa arxeologik yodgorligining katta qismi yo'q qilinganining guvohi bo'ldik. (1-2-3rasmlar).Surxondaryo viloyati Uzun tumanida shu nomli qishloqning sharqiy qismida, tuman markazidan janubi-sharqda 7 km masofada joylashgan. Dastlabki tadqiqot natijasidayodgorlik uchta alohida tepalikdan, so`ngi tadqiqot natijalariga ko`ra to`rtta qismdan iborat (C 38°19'48,03"; B 68°03'52,67"), umumiy maydoni 17,5ga. Chinortepaning tarixiy topografiyasida u qadimgi Xalchayan shaharchasidan 11 km janubi-sharqda joylashgan [6]. Chinortepaning buzilgan joylari qal`aning turar-joy va ishlab chiqarish qismi bo`lib, yodgorlikning shimoliy qismida joylashgan o'lchami 340x130 balandlik yerning yuza sathidan 10-15 m balandlikda joylashgan. Bu tepalik hozirda ikki qismdan iborat (A) buzulgan shimoliy-g`arbiy va (B) buzulayotgan janubi-sharqiy. Shaharning janubi-g'arbida to'rtburchak shaklidauch tepalikdan iboratArk qismi qoldiqlari joylashgan bo'lib, uning o`lchami 280x250 m. (C 38°19'47,35"; B 68°03'43,26")

1-tepalik 140x120 m, 2-tepalik 150x140 m, 3- tepalik 110x80 m, Bu tepaliklarninglikning yuqorida ko'rsatilgan barcha qismlari hozirgi vaqtda mavjud qabriston ostida qoldi. Mozorni qurish paytida mahalliy aholining hikoyalariga ko'ra, turli xil topilmalar, shu jumladan tangalar, terakota, pishirilgan g'ishlar va boshqa arxeologik topilmalar topilgan. Yodgorlikning shimoliy qismi g'isht zavodi uchun tuproq qatlamiga aylantirib buzilmoqda. Vayron bo'lgan joyda biz asosan sopol buyum idishlarining parchalarini topdik. Silindrsimon konus shaklidagi qadahlar, mayda novda bilan ajratilgan. Ikkala tomonning zich qalqoni jigarrang naqsh bilan qoplangan . Shunga o'xshash shakldagi qadahlar To`pxonaning 52 qabristoni va Kushon Baqtriyasining Aruktau qabrlarida uchratish mumkin [4; 5]. Pastki qasmi disksimon yarimshar shaklidagi idishlar . Ba'zi hollarda tashqi tomondan tirnalgan bezaklari bor. Kema aylanasi bilan nok shaklidagi gumalar tashqi tomondan ikki rulon shaklidagi kesma bilan qoplangan . Kushon Baqtriyasining turli kemalaridagi to'lqinli bezaklar juda mashhur [9]. Bunday bezak Chinartepa kosalarning tashqi qismida joylashgan. Barcha

sopollar jigarrang bilan qoplangan. Sopol idishlar Kushon davriga xos xususiyatdir. Ayniqsa, bejirim oyog'idagi qizil ishlangan qadahlar va ko'zachalar. Aytishim kerakki, Chinartepaning sopol idishlari orasida chuqur ichi bo'sh oyoqlari bo'lgan qadahlar [5] topilmadi. Mahalliy aholi bizga Kushan hukmdorlarining qadimiy shaharni vayron qilish paytida topilgan mis tangalarini topshirishdi. Guvohlarning so'zlariga ko'ra, o'tgan yillarda ketma-ket joylashtirilgan beshta katta sopol idishlar yo'q qilindi. Topilgan sopol buyumlar va materiallar natijasida Chinortepaning ushbu qismi(A-B) ishlab chiqarish joyi bo'lganligini taxmin qilindi.

Qabriston va qadimiy shaharning sanoat qismi o'rtasida pasttekislik relefi bilan yo'qolgan, qadimgi yo'lning joyi hanuzgacha yaroqsiz yo'lga ega. Qabristonning janubi-sharqiy qismida, yerni shudgorlash ostida sopol topilmalar izlanadi. Qabristondan 500 metr masofada, yomg'irli dehqonchilik ostida qolgan kichik tepa relefi bo'ylab o'qiladi. Ushbu tepaliklar yuzasida sopol idishlar bo'laklari topilgan, Chinortepa qadimiy shaharchasidagi xom g'ishtli uylarning qoldiqlari qoplangan yo'llarning qismlarida izlar bor. Yo'lning yonidagi ushbu kichik aholi punktlari yaqinida katta xumlar parchalari topildi, yuqori qismida "K" harfi shaklida tirnalgan belgi qo'yilgan. Pastki qismida kulolchilik ustasining yozilgan uchlari bor, xumning balandligi - 125 sm, korolaning diametri - 52 sm, tananing kengligi - 80 sm, pastki qismining diametri - 54 sm . Bunday xum odatda ekish uchun ommaviy mahsulotlarning zaxiralarini saqlash uchun saqlash xonalariga pollarning ostiga qo'yiladi.

Buldozer g'isht quyish uchun tuproqni olib tashlagan aholi punkti uchastkasini tekshirganda, qalinligi 250 sm bo'lgan madaniy qatlamlar kuzatiladi. Vayronada yonib ketgan g'ishtlar, sopol idishlar parchalari, terakota hayvonlari va kulolchilik pechlarning yonish xonalari qismlari mavjud. Vizual ravishda o'rganilgan yerlarni va topilgan arxeologik materiallarni o'rganish natijalariga ko'ra, ushbu turar-joy mavzesida turar-joy ishlab chiqarish kvartali bo'lgan deb taxmin qilish mumkin.

Shunday qilib, so'nggi yillarda qo'shma ekspeditsiya xodimlari Boysun hududining arxeologik xaritasiga mingdan ortiq qabrlarni olib kelishdi, keyin Rabot qabristonida 94 ta qabr qazildi. O`rganilgan materiallar qabrlarnig sanasi ermizning dastlabki asrlari bilan, ya'ni Yueji qabilalarining Amudaryoning ikkala sohiliga kirib borish vaqti bilan aniqlashga imkon beradi. Hozirgi kunda yodgorlikni saqlash uchun uning hududi metall konstruktsiya bilan o'ralgan. Surxondaryo viloyati, Uzun tumani, Serxarakat qishlog'i hududida Tanchachilarning yangi uslubiga binoan, sabzavot bog'lari ostida

qabristonlar topilgan. Kushon davriga iod deyarli yo'q bo'lib ketgan qabriston qazib olinib, ilmiy amaliyotga kiritildi.

Surxondaryoning chap qirg'og'ida Xolchayon shaharchasi davrini o'rganish uchun qidiruv ishlari rejalashtirilgan edi [6]. Shu munosabat bilan biz Serxarakat qishlog'ining bog'lari ostidagi qabristonni ochishga qisman omadimiz keldi. Yana bir Chinortepa yodgorligi - Xolchayon va Dalvarzintepa kabi mashhur yodgorliklar orasidagi vodiyning eng yirik yodgorliklaridan biri [9]. Chinortepa, ehtimol Dalvarzintepa va Xalchayanning dastlabki bosqichlari bilan sinxronlashtirilishi mumkin, chunki Chinortepada tagi chuqur oyog'li qadahlar hali ham yo'q. Chinortepa shaharchasi geografik joylashish o`rniga ko`ra ham o`ziga xos xususiyatiga ega, chunki Xolchayon va Dalvarzintepa shaharlari geografik jihatdan tekislikda joylashgan bo`lib, aholisining asosiy qismi dehqonchilik bilan shug`ullangan. Surxondaryo va soylardan suv kelgan. Chinortepa shaharchasi tepaliklarda joylashgan bo`lib, adirlik va tekislik o`rtasidagi chegarada hosil bo`lgan, aholisining asosiy qismi chorvachilik bilan shug`ullangan. Adirlikdagi soylar suvidan foydalangan. Rabot va Serxarakat qabristonlaridan topilgan sopol idishlar shakli o'xshash bo'lsa-da, fayans tumorlari faqat Rabat qabristonida uchraydi. Afsuski, Chinortepa shaharchasining taqdiri hozir juda ayanchli ahvolda, uning Ark qismi hozirgi davr qabrlari ostida qolmoqda, yodgorlikning shimoliy qismida joylashgan tepalik esag'isht zavodi tomonidan yo`q qilinmoqda. Yodgorlikni saqlab qolish uchun boshqa yerdan g'isht quyish uchun mos yerlarni ajratish kerak. Umuman olganda yodgorlikning katta qismi mahalliy aholi tomonidan o`zlashtirilgan. Yodgorlikning 2005 yildagi holati ask etgan rasm va bugungi kundagi holatdagi rasmlarida juda katta farqlar bor(4-5 rasmlar). Birgina Chinortepa misolida tarixiy yodgorliklarning yo`q bo`lib ketayotganini ko`rishimiz mumkin(6-7-8 rasmlar), bunday holatlar yurtimizning boshqa hududlarida ham uchramoqda. O`tgan asrning 60-70 yillarida sovet hukumatining dalalarni keng ko`lamda o`zlashtirishi qanchadan-qancha tarixiy tepaliklarning yo`q bo`lib ketdi. Buning natijada yurtimiz tarixiga katta zarar yetkazildi. Bugunchi yo`q qilinayotgan yodgorliklar bazi bir odamlarning beparvoligimi yoki ayrim tashkilotlarning loqaydligimi, axir hukumatimiz tariximizni o`rganish va uni yanada rivojlantirishimiz uchun keng ko`lamli ishlar olib borayotgan, shuningdek bu sohada qonun va qonun osti hujjatlar qabul qilingan, ommaviy axbarot vositalari orqali targ`ibot va tashviqot ishlari olib borilayotgan bir zamonda qanday qilib bu jarayonlar sodir bo`lishi mumkin. Bugungi globallashuv zamonida har bir xalq o`z tarixini asrab avaylashi va uni yanada rivojlantirishi kerak, aks holda bu xalqning manaviyati va madaniyatiga yod g`oyalar xavf soladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. Shirinov T.Sh. O`zbekistonda arxeologiya fanini rivojlantirish konsepsiyasi // O`MMT. 32-son. -Toshkent: Fan, 2001. -B.11

2. Shirinov T.Sh., Berdimorodov A.E, Pardayev M.X. O`zbekiston arxeologiya fanining shakllanishi va rivojlanishi tarixidan // O`zbekiston arxeologiya. -Samarqand, 2010(№1) 1- son. -B.14

3. Jou Sing, Baxtiyor Sayfullayev. To`da - 1 g`ori - Boysuntog`dagi neolit davriga iod yangi makon (O`zbekiston) // O`zbekiston arxeologiya. -Samarqand, 2018(№2) 17-son. -B.148.

4. Мандельштам А.М. Памятники кочевников кушанского времени в Северной Бактрии. - Ленинград: Наука, 1975. (Mandelstam A.M. Monuments of nomads of Kushan time in Northern Bactria. - Leningrad: Science, 1975.)

5. Литвинский Б.А., Седов А.В.Культы и ритуалы кушанской Бактрии. -Москва: Наука, 1984. (Litvinsky B.A., Sedov A.V. Cults and rituals of Kushan Bactria. - M., Science, 1984).

6. Пугаченкова Г.В. Халчаян. К проблеме художественной культуры северной Бактрии. - Ташкент: Фан, 1966. (Pugachenkova G.V. Khalchayan. To the problem of the artistic culture of northern Bactria. -Tashkent: Fan, 1966.)

7. Мандельштам А.М. Памятники кочевников кушанского времени в Северной Бактрии. -Ленинград: Наука, 1975. (Mandelstam A.M. Monuments of nomads of Kushan time in Northern Bactria. -L., Science, 1975.)

8. Литвинский Б.А., Седов А.В.Культы и ритуалы кушанской Бактрии. -Москва: Наука, 1984. (Litvinsky B.A., Sedov A.V. Cults and rituals of Kushan Bactria. -M., Science, 1984.)

9. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В., и др., Дальверзинтепе - кушанский город на юге Узбекистана. Ташкент. Фан, 1978. (Pugachenkova G.A., Rtveladze E.V., et al., Dalverzintepe - Kushan city in southern Uzbekistan. -Tashkent: Fan, 1978.)

10.Литвинский Б.А., Седов А.В.Культы и ритуалы кушанской Бактрии. -Москва: Наука, 1984 . (Litvinsky B.A., Seedov A.V. Cults and rituals of Kushan Bactria. -M., Science, 1984)

11. Пугаченкова Г.В. Халчаян. К проблеме художественной культуры северной Бактрии. Ташкент, Фан, 1966. (Pugachenkova G.V. Khalchayan. To the problem of the artistic culture of northern Bactria. -Tashkent: Fan, 1966).

12. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В., и др., Дальверзинтепе - кушанский город на юге Узбекистана. -Ташкент: Фан, 1978. (Pugachenkova G.A., Rtveladze E.V., et al., Dalverzintepe - Kushan city in southern Uzbekistan. -Tashkent: Fan, 1978).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Назаров Отабек Музробович,
Термиз давлат университети
Фуқаролик жамияти кафедраси катта ўқитувчиси

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТУРКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ (1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида)

For citation: *Otabek M.Nazarov. Social and economic policy implemented in Turkestan by the soviet union and its impact of demographic processes (Based on the 1920 census data). 2019, vol. 25, issue 2, pp. 19-24*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-03

АННОТАЦИЯ

Мақолада совет ҳокимиятининг хусусий мулкчиликни йўқотишга, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий-давлат мулкчилигини авж олдиришга, халқ хўжалигига раҳбарликни ниҳоятда марказлаштиришга, шу билан бирга иқтисодий усуллар билан эмас, балки маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан иш юритишга қаратилган иқтисодий сиёсат, ижтимоий аҳволни янада оғирлаштириши ҳақида сўз боради. Совет ҳукуматининг олиб борган сиёсати аҳолининг кенг қатламига салбий таъсир кўрсатди.1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари орқали Туркистон аҳолиси сонининг вилоятлар бўйича тақсимланиши ҳолатини кўриш мумкин.

Калит сўзлар: совет ҳокимияти, демографик сиёсат, демографик жараёнлар, 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари, ижтимоий-иқтисодий сиёсат.

Назаров Отабек Музробович,
старший преподаватель кафедры Гражданское общество
Термезскkого государственного университета

ВЛИЯНИЕ СОВЕТСКОГО УПРАВЛЕНИЯ НА СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ПОЛИТИКУ И ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ, ОСУЩЕСТВЛЯЕМЫЕ В ТУРКЕСТАНЕ

(На основе данных переписи населения на 1920 год)

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается экономическая политика советского правительства, направленная на ликвидацию частной собственности, укрепление социально-государственной собственности во всех отраслях хозяйственной жизни, крайнюю централизацию руководства народного хозяйства, в том числе, делопроизводство не экономическим способом, а с помощью административно-командных способов, ещё больше ухудшила социальную обстановку. Политика, которое вело советское правительство, отрицательно повлияло на широкие слои населения. По данным переписи населения на 1920 год можно увидеть распределение численности населения Туркестана по областям.

Ключевые слова: советское правительство, демографическая политика, демографические процессы, данные переписей 1920 года, социально-экономическая политика.

Otabek M.Nazarov,
Senior Lecturer, Department of Civil Society,
Termez State University

SOCIAL AND ECONOMIC POLICY IMPLEMENTED IN TURKESTAN BY THE SOVIET UNION AND ITS IMPACT OF DEMOGRAPHIC PROCESSES(Based on the 1920 census data)

ANNOTATION

The article discusses the economic policies aimed at dealing with administrative and command methods rather than economic methods by the Soviet authorities for the loss of private ownership, promotion of social and state property in all spheres of economic life, ultra-centralized management of the national economy, at the same time, have aggravated the social situation.The Soviet government's policies had a negative impact on the general population. The 1920 census data shows the distribution of Turkestan population by region.

Key words: Soviet power, demographic policies, demographic processes, 1920 census data, socio-economic policy.

Ҳар бир тарихий даврда мамлакат аҳолиси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг марказий ўрнини эгаллаб келган. Хусусан, аҳоли сони, таркиби, доимий назорат қилинган. Демографик ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар узвий боғлиқ бўлиб, жамият ривожланишнинг асосий омилини ташкил этади. Шунга мос равишда демографик жараёнлар ўрганилиб, сиёсат олиб борилган. Биз тадқиқ қилаётган давр, совет ҳукумати ҳукмронлигининг дастлабки йиллари бўлиб, унда Россия ва Туркистон ҳудудларида сиёсий вазият (биринчи жаҳон уруши, Октябрь тўнтариши ва совет ҳокимияти томонидан юритилган "ҳарбий коммунизм", "янги иқтисодий сиёсат") ўлкада демографик вазиятнинг сезиларли ўзгаришига олиб келди.

Совет режимининг хусусий мулкчиликни йўқотишга, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий-давлат мулкчилигини авж олдиришга, халқ хўжалигига раҳбарликни ниҳоятда марказлаштиришга[1], шу билан бирга иқтисодий усуллар

билан эмас, балки маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан иш юритишга қаратилган иқтисодий сиёсат, ижтимоий аҳволни янада оғирлаштирди.

Октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда совет ҳукуматининг олиб борган сиёсати аҳолининг кенг қатламига салбий таъсир кўрсатди. 1918 йилнинг биринчи ярмида ўлка саноатининг етакчи тармоқлари-пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари, темир йўллар, банклар, кўмир ва нефт конлари умуман саноатнинг бир қисми давлат тассарруфига ўтказилди.

"Ҳарбий коммунизм" сиёсати нафақат иқтисодий, хўжалик соҳаларида ўзгаришларга сабаб бўлди[2], балки сиёсий соҳага шунингдек, ўлканинг демографик аҳволига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга 20-йилларда мамлакатда миграцион жараёнлар кучайишига сабаб бўлди. Ушбу сиёсатнинг моҳиятига кўра йирик саноат корхоналаринигина эмас, ўрта ва майда корхоналарни ҳам давлат мулкига айлантириш назарда тутилган эди. Шунга кўра, ўлкадаги завод-фабрика типидаги йирик, ўрта корхоналар, ҳунармандчилик ва ярим ҳунармандчилик типидаги майда корхоналарнинг бир қисми деярли ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан давлат ихтиёрига олинди. Молмулки, завод-фабрикалари, ер хўжаликлари миллийлаштириш (национализация) қилинган корхона эгалари, мулкдорлар улар қўл остида меҳнат қилаётган ишчилар яхши ҳаёт илинжида Туркистондан бошқа ерларга кўчиб кетишга мажбур бўлдилар. Бундай оғир ижтимоий-иқтисодий аҳвол демографик жараёнларни яна кескинлаштирди ва аҳоли ўсишига тўсиқ бўлди. 1923 йил охиригача давом этган очарчилик аҳоли миллий таркибини ўзгаришига, маҳаллий аҳолининг турар жойларини ташлаб кўчиб кетишига сабаб бўлди. Очлик, муҳтожлик шаҳар аҳолисини қишлоқ ҳудудларига кўчишига ва у ердаги аҳоли сони, таркибининг ўзгаришига таъсир қилди. Шундай оғир вазиятда, 1921 йил баҳорида Россиянинг очликдан жабр кўрган ҳудудларидан Туркистон ҳудудларига аҳолининг оммавий кўчирилиши кузатилди. Кўчирилган аҳолига маълум имтиёзлар ҳам берилди. Очарчиликдан жабр кўраётган аҳолидан озиқ-овқат диктатураси жорий қилиниши билан қўлида бўлган дон махсулотлари куч билан тортиб олина бошланди. Бу ҳақида фикр билдирган ўша давр амалдорларидан бири Г.Сафаров шундай ёзган эди,"Ҳокимиятдан четлаштирилган мусулмон аҳолиси нондан ҳам маҳрум қилинди, натижада очарчиликдан қутила олмаган мусулмон аҳолиси қирила бошлади...[3]".

Фарғона водийсида 1917-1923 йилларда очарчилик оқибатида бир миллион киши, Самарқанд вилояти Жиззах уездининг 70 фоиз аҳолиси, Самарқанд уездида эса 70 минг киши очарчиликдан вафот этди. Т.Рисқулов очарчилик республика аҳолисининг ярмини, тахминан 2,5 млн кишини ўз домига тортди деб ёзган эди[4]. Шундай оғир шароит бўлишига қарамасдан Туркистондан Россия шаҳарларига озиқ-овқат махсулотлари жўнатиб турилган.

Бу даврда мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш ресурсларидан маҳрум бўлишга, "хом-ашё базасига айлантиришга уриниш[5]" мутахассис кадрлар муаммосига сабаб бўлди. Шу боис, Россиянинг марказий шаҳарларидан турли миллат вакилларидан иборат мутахассис кадрлар кўчириб келтира бошланди. Ижтимоий-иқтисодий сиёсат оқибатида шаҳар ва қишлоқлардаги демографик аҳволни ўзгаришига сабаб бўлди.

1-жадвал.

Туркистон ўлкаси аҳолиси сони(минг киши ҳисобида)[6].

Йиллар	Аҳолининг умумий сони	Шу жумладан		Камайиши %	
		Қишлоқ	Шаҳар	қишлоқ	шаҳар
1914	7147,7	5944,6	1202,9	83,2	16,8
1915	7253,3	6021,6	1231,8	83,0	17,0
1916	6985,3	5751,1	1234,2	82,3	17,7
1917	6704,3	5588,0	1116,3	83,3	16,7
1918	5921,2	4905,8	1015,4	82,9	17,1
1919	5923,3	4773,6	1028,2	80,6	19,4
1920	5908,8	4822,5	1086,2	81,6	18,3
1921	5827,6	4756,0	1071,6	81,6	18,4
1922	6507,1	5423,9	1083,2	83,4	16,6

"Ҳарбий коммунизм" сиёсати доирасида шаҳар ва қишлоқлардаги бадавлат кишилар иқтисодий қудратини чеклаш ва мол-мулкини мусодара қилиш иқтисодиётни фалаж аҳволга олиб келди. Натижада, завод фабрикалар ишламай қолди, қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ва чорва моллари сони пасайиб Туркистон республикасида 1920 йилда 1913 йилдагига нисбатан 76,2% дан 56,3% га тушиб қолди[7]. Ўлкада очарчилик бошланди, минглаб одамлар вафот этди. Асосан маҳаллий аҳоли вакиллари катта талофат кўрди. Бундай вазият ўлканинг демографик ҳолатига таъсир қилмасдан қолмади. Биргина Фарғона вилоятида қишлоқ аҳолиси камайиши тахминан 25% хўжаликни ташкил этган[8].

Бу даврда Туркистон ўлкасидаги демографик аҳвол тўғрисида 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари орқали Туркистон аҳолиси сонининг вилоятлар бўйича тақсимланиши ҳолатини кўриш мумкин.

2-жадвал.

Вилоятлар	Шаҳар ва шаҳар типидаги посёлкала			Қишлоқ аҳолиси			Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси биргаликда		
	Эркаклар	Аёллар	Жами	эркаклар	аёллар	жами	эркаклар	аёллар	жами
Амударё вилояти	380 5	3485	7290	80815	72490	153305	84620	75975	160595

Самарқанд вилояти	8600	781525	167532	333962	291155	625117	419969	327680	792649
Сирдарё вилояти	16154	315335	314888	510856	480087	990943	672390	633441	1305831
Еттисув вилояти	4506	844714	89782	444063	425775	869838	489131	470489	959620
Туркман вилояти	2891	327144	56057	147604	130132	277736	176517	157276	333793
Фарғона вилояти	22066	618463	405301	666904	597270	1264174	887570	781905	1669475
Республика бўйича	54593	949485	104085	21842004	1996909	4181113	2730197	2491766	5221963

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республика аҳолиси вилоятлар бўйича нотекис жойлашган: Фарғона вилоятида 31,9%, Самарқанд вилоятида 15,2%, Сирдарё вилоятида 25%, Касбийорти вилоятида 6,4%, Еттисув (Семиреченск) вилоятида 18,4%, Амударё вилоятида 3,1% аҳоли жойлашган.

1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида Туркистон АССР ҳудудида 5221963 киши яшаган, шундан 2050755 киши ёки 39,3 фоизи ўзбеклар, 1091925 киши ёки 20,8 фоизи қозоқлар, 522292 ёки 10 фоизини қирғиз миллатига мансуб аҳоли, 399912 ёки 7,7 фоизи тожиклар, 266681 ёки 5,1 фоизи туркманлар, 75334 ёки 1,4 фоизи қорақалпоқлар, 536671 ёки 10,3 рус миллатига мансуб аҳоли ташкил этган[8].

Аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра Туркистон АССР аҳолиси ҳақида тўлақонли маълумотларни бермайди. Чунки, рўйхатга олиш жараёнида республиканинг айрим жойлари бу тадбирдан четда қолган. Хусусан, Фарғона вилояти ҳудудидаги истиқлолчилик ҳаракати, Амударё вилоятида чекка қишлоқ жойларда аҳолининг қаршилиги, "Орол денгизидаги ороларга ҳам бориш учун мутахасислар етишмаганлиги[9]" каби омиллар 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари Туркистон АССР аҳолиси ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини бермаган.

Демак, совет ҳокимияти ҳукмронлигининг дастлаки йилларида олиб борилган ижтимоий-иқтисодий сиёсат аҳоли миллий таркибига салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ўлкадаги демографик вазият ҳақида тўлиқ маълумот бермайди. Шу сабабли, олиб борилаётган тадқиқот натижасига кўра қўшимча манбалардан ва архив маълумотлари орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов Р.Х. Узбекистан в период восстановления народного хозайства СССР (1921-1925 гг.). -Ташкент: Узбекистан, 1974. -С.6 (Karimov R.X. Uzbekistan in

period of the restoration of national economy of the USSR (1921-1925 yy.). -Tashkent: Uzbekistan, 1974. -P.6.)

2. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости // Коллектив авт.: Р.М.Абдуллаев, С.С.Агзамходжаев, И.А.Алимов и др. -Ташкент: Шарк, 2000. -С.254. (Turkestan in the beginning of the twentieth century: On the history of the origins of of national independence//collective authors: R.M.Abdullaev, S.S.Agzamxadjaev, I.A.Alimov and others. -Tashkent: Sharq, 2000. -P.254)

3. Ражабов Қ. Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. -Тошкент: Университет, 2002. 77-бет. (Radjabov Q. Haydarov M. History of Turkestan. -Tashkent: Universitet, 2002. -P.77)

4. Каримов Р.Х. Узбекистан в период восстановления народного хозайства СССР (1921-1925 г. г.). -Ташкент: Узбекистан, 1974. -С.6. (Karimov R.X. Uzbekistan in period of the restoration of national economy of the USSR(1921-1925 yy.) - Tashkent: Uzbekistan, 1974. -P.6.)

5. Мулляджанов И.Р., Вороновсий Ю.В., Цепковская Т.С. Население Узбекской ССР Изд. Узбекистан. -Ташкент: 1973. -С.23. (Mullyadjanov I.R., Voronovsiy Y.V., Sepkovskaya T.S. The population of the Uzbek SSR. Uzbekistan. -Tashkent: 1973. -P.23.)

6. Статистический ежегодник 1917-1923.т. 2. Т. 1924 -С.64 (Statistical Yearbook. 1917-1923.v.2. -T.,1924. -P.64)

7. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональний: историко-демографический аспект. -Т., 2011. -С.91 (Ata-Mirzaev O., Gentshke V., Murtazaeva R.Kh. Uzbekistan is multinational: historical and demographic aspect. -T., 2011. -Б. 91.)

8. Отчет о деятельности совет народних комиссаров и экономического совета Туркестанской Республики на 1-е октября 1922 года. Составлен ЦСУ Турк республики под ред. Д.П.Красновского. Изд. ТСЭа. - Т., 1922. -Б.47. (Report on the activities of the Council of People's Commissars and the Economic Council of the Turkestan Republic on October 1, 1922 y. Compiled by the Central Statistical Bureau of the Turkestan Republic under the editorship of D.P. Krasnovsky. PubTSEa. -T., 1922 -P.47)

9. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. - Ташкент, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т. 2. Ўзбекистон совет мустамликачилиги даврида. - Ташкент: Шарқ, 2000. (Turkestan at the beginning of the twentieth century: to the history of the origins of national independence. V.2. The modern history of Uzbekistan. V. 2. Uzbekistan during the Soviet colonial era Tashkent, 2000.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Оманов Шербек Аҳмедович,
ЎзФА Я. Ғуломов номидаги
Археологик тадқиқотлар институти таянч докторанти

"СОХТА ТРИПОЛЬЕ" СОПОЛЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР

For citation: *Sherbek A.Omanov. About ceramics by named "Psevdo tripol culture" of Central Asia. 2019, vol. 25, issue 2, pp. 25-29*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-04

АННОТАЦИЯ

Қорахонийлар даврига келиб Ўрта Осиёда ўзига хос қўлда ясалган бўёқли сополлар пайдо бўлади. Бу сопол идишлар ясалишига кўра анча археакдир. Шунингдек уларга қизил ёки жигарранг ангоб билан хар хил нақшлар чизилган. Нақшлари асосан вертикал ёки параллел чизиқли, эгрисимон ва геометрик белгилардан иборат.

Калит сўзлар: Қорахонийлар, қўлда ясалган бўёқли сопол, Ахсикент, Афросиёб.

Оманов Шербек Аҳмедович,
Институт археологических исследований
имени Я. Гулямова АН РУз,
Базовый доктарант

К ИСТОРИИ "ПСЕВДО ТРИПОЛЬСКАЯ КЕРАМИКИ"

АННОТАЦИЯ

В эпоху Караханидов в традиции керамики появляется изготовления лепной расписной керамики. Керамические изделия по изготовлении является архаичным. Также, им нанесено красные и коричневые росписи. Мотивы росписов в основном были вертикальные и параллелные линии, кривые и геометрические фигуры.

Ключевые слова: Караханиды, лепная керамика, росписная керамика, Ахсикент, Афрасиаб.

Sherbek A. Omanov
Institute archaeological research after
named Y. Gulyamov Academy of Sciences
of Republic of Uzbekistan, Doctoral student

ABOUT CERAMICS BY NAMED "PSEVDO TRIPOL CULTURE" OF CENTRAL ASIA

ANNOTATION

The period of Karakhanids in the tradition of ceramics named by handmade painted pottery. Ceramic manufacturin is archaic. Also, they applied red and brown paintings. The motifs of the paintings were mainly vertical and parallel lines, curves and geometric shapes.

Key words: Karakhanids, hand-made pottery, painted pottery, psevdo tripol ceramics, Akhsikent, Afrasiab.

Ўрта Осиёнинг бир қанча ҳудудларида Қорахонийлар даврига келиб ўзига хос услуб ва ясалиш техникасига эга"сохта триполье" сополлари тарқалган. Бундай сополлар қўлда ясалган бўлиб, нақш билан безатилган. Улар бундай кўришиши маълум маънода Шарқий Европада мавжуд бўлган энеолит-бронза даврига оид Триполье маданияти сополларини ҳам эслатиб юборган.

Ўтган асрнинг бошларида Самарқандда археологик тадқиқодлар олиб борган В.Л. Вяткин биринчи маротаба шу хилдаги сополларга ўз эътиборини қаратиб, уларни Триполье маданиятига хос бўлса керак деган хато хулосага келади. В.Л.Вяткин"сохта триполье" сополларига монанд сополларнинг Хитойда, Туркманистондаги Ановда олиб борилган қазишмалар чоғида аниқланганлигини эътиборга олиб юқоридагича хулосага келган (3.С.38). Аммо санъат тарихи билан шуғулланувчи олим Б. П. Денике илк маротаба бундай фикр хато эканлигини таъкидлаган. Бундан кейинги кўплаб тадқиқодларда "Афросиёб Трипольеси" ёки "сохта триполье" неолит даврига хос қўлдан ясалган сополларга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ва улар X-XII асрларга оид эканлиги маълум бўлди (4.С. 39).

Ўрта асрларнинг қўлда ясалган бўёқ нақшли сополлари тадқиқотчиларда алоҳида қизиқиш уйғотган. Ю.А.Заднепровский бу типдаги сополларнинг тарқалиш ҳудудларига Жанубий ва Шимолий Тожикистон, Зарафшон водийси, Тошкент воҳаси, Шимолий Қирғизистон ва Фарғона киритади.

Қўлда ясалган "сохта триполье" сополлари паст сифатли ва мураккаб бўлмаган нақшли ривожланган ўрта асрларнинг юксак даражадаги сополларидан анча фарқ қилган. Сифати анча паст бўлган бу сополлар аксар ҳолларда қатламлардан чиқмайди ва бу унинг саналарини белгилашда қийинчиликлар туғдиради. Шу боис унинг санаси мингйиллик чегарасида ўзгариб туради. Масалан, ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида Шимолий Афғонистоннинг ривожланган ўрта асрларга тегишли ёдгорликдан топилган бўёқ нақшли идишлар хусусида тадқиқотчилар: "Бу ўрта асрларга оид сопол бўлиши мумкин... аммо эҳтимол у Ўрта Осиёнинг мил. авв. I минг йиллик ўрталарига оид сополларига хос бўлиши мумкин". Бу сополлар "сирли археологик мажмуага" таълуқлидир(5.С.98).

Б.А.Литвинский, Ю.А.Заднепровский ва Б.Я.Ставскийлар XI-XII аср қўлда ясалган бўёқли сополларини тадқиқ қилишга ўз эътиборларини қаратишган ва бу

масала улар ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўлган. Б.А. Литвинский бу типдаги сополларни шаҳарларга ўзларининг севимли сопол шакллари ва куллолчилик усулларини олиб олган келгинди деҳқонлар келтиришган деб ҳисоблайди. Юқори Зарафшондаги манзилгоҳлардан топилган бундай сополларни қадимги тожик маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган деб таъкидлайди. (6, С. 156.)

"Сохта триполье "сополлари асосан X-XII асрларга таълуқли бўлиб, Суғд ва унга ёндош ҳудудлар, Қашқадарёнинг турли нуқталари, Ахсикентдан кўплаб топилган. Мазкур типга оид сополлар тарқалиш ареали Тожикистоннинг жанубий ва шимолий қисмлари, шимолий Қирғизистон, Тошкент воҳаси, Фарғона, жанубий Қозоғистон ва шимолий Афғонистонгача етиб борган (7, С. 94).

Тадқиқодчилардан В. Л. Вяткин ва Л.Ф Соколовскаялар Афросиёбдан топилган "сохта триполье" сополларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшганлар. В. Л. Вяткин биринчилардан бўлиб Афросиёбдан аниқланган шу типдаги сополларнинг ясалиш техникаси, бўялиши ва орнаментини бошқа типдаги сополлар мажмуасидан сезиларли тарзда фарқ қилганлигини қайд этиб ўтган. Бу сополларнинг аксарият қисми қўлда ясалган бўлиб, юқори қисми анча нотекис бўлган. Идишларни ясашдахом-ашё сифатида кизғиш лойдан бўлган қум аралашган дағал чўкмали тоғ жинслари хизмат килган. Бу типдаги идишларнинг етарли даражада пиширилганлари ҳам анча оғир. Уларнинг юқори қисмига панжа билан бўёқ суркалган ёки бўёққа ботирилган нам латта билан сайқалланган. Айрим ҳолларда идишларнинг юқори қисмининг ички томони ҳам сайқалланган. Афросиёбдан топилган "сохта триполье" типидаги кўзалар қалин деворли бўлиб, анча кенг ва юқори бўйлаб ингичкалашиб борган, узун бўғизли ва узун дастали, таг қисмига эса кенг бўлган. Барча идишларнинг туби текис. Бўғзи узун кўзалар билан бирга кам сонли бўлсада ноксимон кўзалар ҳам учраб туради. Бундай идишларнинг бўғзи ва қорин қисми бир-биридан мустақил тарзда тайёрлаб олинган ва ҳали пиширмасдан туриб бирлаштирилган. Ҳар иккала қисм бирлаштирилган жойда чок излари сақланиб қолади. Идишларнинг кенг бўғизи ва қорин қисмининг ички томонида бармоқлар билан қилинган чуқурчалар кўриниб турган (3, С.39).

Афросиёбнинг "сохта триполье" сополларини тадқиқодчи Л.Ф. Соколовская ҳам ўрганган. Бу тип сополларининг асосий қисми озиқ-овқат маҳсулотларига мўлжалланган идишлар ташкил этади. Ўрганилган 30 та идишдан 18 тасини кўзалар ташкил этади. Мазкур идишларнинг ўлчамлари диапазони анча кенг бўлиб, баландлиги 64 смдан 19 смгача бўлсада ягона андоза бўйича тайёрланган. Кўзалар узун бўғизли бўлиб ост қисми томон бирдан юмалоқ шаклга келтириб ишланган. Уларнинг бўғзи бироз қийшиқроқ бўлиб, тўғри ёки бироз ўткирланган гардиш ҳосил қилган. Одатда бундай кўзаларнинг таги ботиқ бўлган. Идишларнинг бурамасимон дасталари идишнинг бўғзига ёки қорнига мустаҳкамланган.

"Сохта триполье"сополларига тушириладиган анъанавий сюжетли-рамзий нақшлар қизил ангобдан тайёрланган (7, С.94).

Мазкур типдаги сополлар Ўрта Осиёда айнан Қорахонийлар даврида пайдо бўлган. Улардаги нақшлар қизил ёки қизил-жигарранг ангоб билан ишланган. "Сохта триполье" сополлари қўлда, анча археак усулларда тайёрланган. Йирик идишлар ерда пиширилган, кичикроқлари эса қўлда ясалган. Уларда ишлатилган тупроқ таркиби кулолчилик чархида тайёрланадиган сополлар таркибидан анча фарқ қилган. Унинг таркибида шамот-оқ лой ва сомон ҳам учрайди. Бундай идишлар паст оловда нотекис пиширилган.

Мазкур типдаги сопол намуналари Афросиёбдан ташқари бошқа юртимизнинг бошқа қадимий вилоятлари ва шаҳарларидан ҳам топилган. Фарғона водийсининг энг йирик ва қадимий шаҳарларидан Ахсикентдан ҳам аниқланган. Ахсикентдан топилган бу типдаги сополлар доирасимон чизиқ, учбурчак ва томчисимон кўринишдаги нақшлар билан безатилган(1, С.35).

Фарғонадан бу типдаги сополлар Ахсикентдан ташқари яна бир нечта жойлардан аниқланган. Улар орасида Фарғонанинг шарқий қисмида жойлашган Ўзганд воҳаси материаллари диққатга сазавор. Воҳада 1945 йилда А.Н.Бернштам, 1953 йилда Н.Н.Забелина ва 1954 йилда Ю.А. Заднепровскийлар олиб борган қазишмалар чоғида XI- XII асрларга оид қатламлардан "сохта триполье" сополлари аниқланган (4, С.39).

Ўзганддан топилган бу хилдаги сополлар мажмуаси хилма-бўлиб, уларнинг барчаси қўлда ясалган. Идишлар сирти тўқ сариқ ёки кул ранг ангоб қопланган ва монохром нақш билан пардозланган. Турли-туман идишлар, хусусан кўзачалар, қўшқулоқ хумча, илмоқсимон дастали кружкалар, вазасимон идишлар ва ҳаказолар рангли нақшлар билан безатилган. Улардаги безаклар тўқ жигарранг ва қорамтир ранглар билан берилган.

Ўзганддан аниқланган бу типдаги сополларни ўрганган тадқиқодчи Ю. А. Заднепровский ҳудудда шундай сополлар ишлаб чиқарадиган учта марказ бўлганлигини қайд этиб ўтади. Минтақадаги сополлар ҳам шаҳарда, ҳам қишлоқларда ишлатилган (4,С.41).

Агар бу типдаги сополларнинг тарқалиш ҳудудига (Тожикистоннинг жанубий, шимолий ва марказий қисмлари, Зарафшон воҳаси, Тошкент воҳаси, Сирдарёнинг ўрта оқими, шимолий Қирғизистон, Хоразм ва Жанубий Туркманистон) назар ташлайдиган бўлсак, бу минтақаларXI-XII асрларда мавжуд бўлган Қорахонийлар ҳудудларига мос келади(4,С.44).

Қўлда ясалган нақшли сополларнинг келиб чиқиш масаласи анча мураккаб бўлиб, масаланинг ечими ҳам битта эмас. Сополлардаги ўсимликсимон нақшлар Қорахонийлардан олдинги даврга оид Турк хоқонлигига бориб тақалади. Ўсимликсимон нақшлар Еттисувдаги қорлуқ қабилалари сополларида кўп учрайди (2,С.89-94). Ушбу фактлар "сохта триполье" сополлари Шарқий Туркистон тарафдан Мовароуннаҳрга кериб келган туркий халқлар билан боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Айнан Қорахонийлар даврига келиб Ўрта Осиёда ўзига хос услубга эга ва археологияда "сохта триполье" номини олган сополлар пайдо бўлди. Мазкур типдаги сополлар қўлда ясалган бўлиб, жигарранг, кулранг ва қизил ангоб билан безатилган. "Сохта триполье" сополлари Мовароуннаҳрга шарқдан, Фарғона водийси орқали кириб келган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Анарбоев А. Ахсикет - столица древней Ферганы. -Ташкент, 2013 (AnarboyevA. Axsiket - stolisa drevney Fergani. -Tashkent, 2013).

2. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. // МИА, № 26, 1952 (Bernshtam A.N. Istoriko-arxeologicheskiye ocherki sentralnogo Tyan-Shanya i Pamiro-Alaya. // MIA, № 26, 1952)

3. Вяткин В. Л. Афрасиаб- городище былого Самарканда. Ташкент, 1928VyatkinV. L. Afrasiab- gorodishyebilogoSamarkanda. Tashkent, 1928

4. Заднепровский Ю. А. Средневековая расписная керамика Ферганы. // КСИИМК, вып. 120, 1969 (Zadneprovskiy Yu. A. Srednevekovaya raspisnaya keramika Fergani.//KSIIMK, vip.120, 1969).

5. Лунина С.Б. Расписная керамика X-XII вв. и ее назначение (по материалам Кашкадарьинского оазиса) // Советская археология, №3. - М., 1987 (Lunina S.B. Raspisnaya keramika X-XII vv. i yeye naznacheniye (po materialam Kashkadarinskogo oazisa) // Sovetskaya arxeologiya, №3. -M., 1987).

6. Распопова В. И. Ремесло и домашние промыслы раннесредневекового Согда // Советская археология, №.4. -М., 1972 (Raspopova V. I. Remeslo i domashniye promisli rannesrednevekovogo Sogda // Sovetskaya arxeologiya, №.4. -M., 1972).

7. Соколовская Л.Ф. Неглазурованная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII - начала XIII в.). // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том I. -Самарканд: МИЦАИ, 2015. (Sokolovskaya L.F.Neglazurovannaya keramika srednevekovogo Samarkanda kak faktor ekonomiki gorodskogo remesla (po materialam gorodisha Afrasiab konsa VII - nachala XIII v.). //ArxeologiyaSentralnoyAzii: arxivniyemateriali. Tom I. - Samarkand: MISAI, 2015)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Сайфуллаев Бахтиёр Қурбонович,
ЎзР ФА Археология институти
катта илмий ходими, PhD

САМАРҚАНД ПАЛЕОЛИТИ ТОШГА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ХОМ АШЁНИНГ РОЛИ (Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ топилма жойлари материаллари асосида)

For citation: *Bakhtiyor K.Sajfullaev. Raw materials role in development of technics of processing of a stone in a paleolith of Samarkand (on materials of sites of Kutirbulak and Zirabulak) . 2019, vol. 25, issue 2, pp. 30-42*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-05

АННОТАЦИЯ

Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган палеолит даврига оид Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ топилма жойлари индустриялари таркибида тош буюмларга ишлов бериш учун 8 хил тош жинсларидан фойдаланилган. Маълумки, буюмлар ясаш учун энг қулай хомашй кремнийлашган тош жинслари ҳисобланади. Аммо улар ушбу ёдгорликлар атрофида кичик ҳажмли галкалар шаклида кам учрайди. Шунинг учун ҳам ушбу индустрияларда ушбу нисбатан сифатли тош жинсларининг танқислиги кузатилади. Мақолада қўлланилган ҳар бир тош жинсининг ишланиш даражаси тадқиқ қилинади ва кремнийлашган жинслар ўта иқтисод қилиб ишлатилганлиги далиллар асосида исботланади.

Калит сўзлар: хомашё, кремний, қайроқтош, кварц, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, сланец, хомашё таркибив, нуклеус, тош қуроллар, пластина, леваллуа.

Сайфуллаев Бахтияр Курбанович,
Старший научный сотрудник, PhD
Института археологии АН РУз

РОЛЬ СЫРЬЯ В РАЗВИТИИ ТЕХНИКИ ОБРАБОТКИ КАМНЯ В ПАЛЕОЛИТЕ САМАРКАНДА (по материалам местонахождений Кутирбулак и Зирабулак)

АННОТАЦИЯ

В наборах индустрий палеолитических местонахождений Кутирбулак и Зирабулак на территории Самаркандской области для обработки каменных изделий использовались 8 разнообразных пород. Как известно, самой удобной породой для обработки изделий являются кремнистые породы . Но они в малом количестве встречаются в окрестностях этих памятников и виде маленьких галек. Поэтому в данных индустриях прослеживается дефицит этих более качественных пород камня. В статье исследуются степень сработанности каждой породы и доказывается тот факт, что кремнистые породы использовались предельно экономно.

Ключевые слова: сыре, кремень, песчаник, кварц, Кутирбулак, Зирабулак, сланец, сырьевой состав, нуклеус, каменные орудия, пластина, леваллуа.

Bakhtiyor K.Sajfullaev,
The senior scientific employee, PhD
Institute of archeology of Academy of science
Republic of Uzbekistan

RAW MATERIALS ROLE IN DEVELOPMENT OF TECHNICS OF PROCESSING OF A STONE IN A PALEOLITH OF SAMARKAND (on materials of sites of Kuturbulak and Zirabulak)

ANNOTATION

In sets of the industries of Paleolithic sites of Kuturbulak and Zirabulak in territory of the Samarkand area for processing of stone products 8 various breeds were used. As it is known, the most convenient breed for processing of products are siliceous breeds. But they in small quantity meet in vicinities of these monuments and a kind small галек. Therefore in the given industries deficiency of these better breeds of a stone is traced. In article are investigated degree eleborations each breed and that fact is proved that siliceous breeds were used extremely economically.

Key words: Raw materials, flint, sandstone, quartz, Kuturbulak, Zirabulak, slate, raw structure, core, stone tools, blade, levallua.

Для расщепления древние мастера на Кутирбулаке использовали (табл. №1) песчаники (41%), кварц (31,6 %), кремень (12,2 %), кремнистый известняк (9 %) и сланец (6 %):

Таблица № 1. Сырьевой состав артефактов Кутирбулака.



На первом месте стоят песчаники, на втором кварц и за ними следуют другие породы камня. Вместе с тем, нуклеусы, оформленные из кремнистых пород, сильно сработаны и имеют сравнительно малые размеры, в то время как нуклеусы из кварца всегда имеют большие габариты. Отсюда следует вывод о том, что Кутирбулакцы высоко ценили более качественные породы сырья и срабатывали их до предела. Кварц и песчаники встречались в окрестностях стоянки в изобилии, и использовались менее экономично, тем более, что они имели низкие "потребительские" свойства.

Теперь проследим, как характер сырья мог влиять на технику расщепления на стоянке: 36,8 % всех радиальных нуклеусов сделаны из кварца, еще 37 % из песчаника, из кремня - 14,5 %, кремнистого известняка - 9,7 % и сланца - 2 % (см. табл. № 2).

Таблица № 2. Сырьевой состав радиальных нуклеусов Кутирбулака.



Если посчитать эту долю внутри каждой породы, то получатся следующие цифры: кварц - 46 %, кремнистый известняк - 42 %, кремень - 37%, песчаник - 35,6 % и сланец - 35 % (табл. №3):

Таблица № 3. Соотношение сырьевого состава радиальных нуклеусов внутри каждой породы.



Отсюда видно, что кварц в технике радиального расщепления применялся более массово.

Среди ядрищ параллельного принципа расщепления (табл. № 4) почти половину (49 %) составляют песчаники, за ними следуют кварц (25,2 %), кремнистый

известняк (10%), кремень (8,5%) и сланец (6,8 %):

Таблица № 4. Соотношение сырьевого состава параллельных нуклеусов Кутирбулака.



Теперь проследим эти показатели внутри каждой породы (табл. №5): песчаники -48,4 %, сланец - 45,8 %, кремнистый известняк - 45 %, кварц - 32 % и кремень - 28 %:

Таблица № 5. Соотношение сырья параллельных нуклеусов Кутирбулака внутри каждой породы.



Видно, что кварцевое сырье активно использовалось и при изготовлении параллельных нуклеусов. При анализе кварцевых нуклеусов с параллельным принципом скалывания видно, что они "неудачные", сколы ломались, не доходя до основания. Большое количество таких ядрищ, видимо, объясняется стремлением древних Кутирбулакцев получить пластинчатые сколы даже при использовании сырья плохого качества.

Среди материала, использованного для изготовления леваллуазских нуклеусов (табл. №6), первое место занимают песчаники (47 %), за ними следуют кремень (29,4 %), кварц (10 %), кремнистый известняк (7,3 %) и сланец (5,9 %):

Таблица № 6. Сырьевой состав леваллуазских нуклеусов Кутирбулака.



Если рассматривать представленности этой категории ядрищ непосредственно по группам сырья (табл. № 7), то среди кварцевых нуклеусов их доля составляет 2,7 %, среди песчаников - 9,5 %, кремня - 20 %, кремнистых известняков - 6,7 % и сланцев - 5,9 %:

Таблица № 7. Соотношение сырьевого состава леваллуазских ядрищ внутри каждой породы.



Таким образом, при использовании леваллуазской техники чаще всего расщеплению подвергались кремни, за ними следуют песчаники, сланцы, кремнистый известняк, а самый редкий материал - кварц.

В наборе сырья для многоплощадочных нуклеусов (табл. № 8) на первом месте выступает кварц (60 %), за ним следуют песчаники (30 %), кремень (6,6%), кремнистый известняк (3,3 %) и сланец (3,3 %):

Таблица № 8. Соотношение сырьевого состава многоплощадочных нуклеусов Кутирбулака.



Проследим теперь процентное соотношение внутри каждой породы (табл. № 9): кварц - 7 %, песчаники - 2,6 %, сланцы - 2,6 %, кремень - 2 % и кремнистый известняк - 1,3 %:

Таблица № 9. Соотношение многоплощадочных нуклеусов Кутирбулака внутри каждой породы.



Как видно, при использовании этой техники расщепления наиболее часто использовался кварц. Большинство из многоплощадочных ядрищ является шарообразными нуклеусами, где плоскость негатива одного скола служила ударной площадкой для снятия другого, т.е. они представлены одной из самых распространенных и примитивных техник расщепления, которая, возможно, является и самой удобной для утилизации кварца и подобных ему пород.

Проанализируем категорию аморфных нуклеусов. Эти ядрища, расщепленные без какой-либо системы, часто истощенные. Среди сырья из них первое место занимает кварц - 56,3 %, за ним следуют кремень - 18,2 %, песчаники - 16,3 %, сланец - 5,4 % и кремнистый известняк - 3,6% (табл. № 10):

Таблица № 10. Сырьевой состав аморфных нуклеусов Кутирбулака.



Теперь проследим процентное соотношение внутри каждой породы: кварц - 7 %, песчаники - 2,6 %, кремень - 10 %, сланцы - 6,2 % и кремнистый известняк - 2,7 % (табл. № 11):

Таблица № 11. Соотношение сырья аморфных нуклеусов Кутирбулака внутри каждой породы.



Как видно, наиболее массовым материалом является кремень. Это может объясняться тем, что кремень расходовали очень экономно, и даже когда ядрища срабатывались до предела, то в целях получения с них как можно большего количества заготовок расщепление продолжалось, но уже без какой-либо системы.

В целом, анализируя технику первичного расщепления индустрии Кутирбулака, можно сделать вывод о существовавшем большом дефиците высококачественного каменного сырья, что заставляло Кутирбулакцев очень экономно расходовать высокосортный материал и широко использовать сырье с низкими "потребительскими" свойствами. Такая "сырьевая политика", в свою очередь, достаточно сильно повлияла как на особенности первичного расщепления, так и на облик индустрии в целом.

Сколы в коллекции Кутирбулака представлены 4281 экз. Из них пластин - 19,1 %, леваллуазских сколов - 1,9 % и отщепов - 79 %. Несмотря на доминирующее положение ядрищ параллельного принципа снятия и заготовок с параллельной огранкой дорсала, пластины составляют сравнительно малый процент. Это также может объясняться экономией сырья, т.к. в процессе интенсивной утилизации габариты ядрищ сильно уменьшались, в результате чего получались укороченные сколы.

Больше всего пластин изготовлялось из песчаников - 85,8 %, за ними следуют кремнистый известняк - 5,9 %, кремень - 4,6 %, кварц - 2,6 % и сланцы - 1,1 % (табл. № 12):

Таблица № 12. Сырьевой состав пластин Кутирбулака.



Отдельно, внутри каждой породы пластины составляют: кварц-4,2%, песчаники-30,3 %, кремнистый известняк-15 %, кремень-11,1 % и сланцы- 6,2% (табл. №13):

Таблица № 13. Распределение пластин Кутирбулака внутри каждой породы сырья.



Как видно, доля кварца очень незначительна, т.к. с кварцевых нуклеусов параллельного принципа снятия получались, в основном, "неудачно" сколотые пластины. Ранее в литературе отмечалось, что на Кутирбулаке вообще отсутствуют пластины из кварца [1,С.13]. Наши исследования показали, что они имеются, но в малом количестве.

Леваллуазские заготовки составляют около 2 % всех сколов. Кутирбулакцы прекрасно владели этой техникой расщепления, о чем свидетельствуют отдельные экземпляры леваллуазских нуклеусов и сколов из низкокачественных пород (кварц), которые ничем не отличаются от классических образцов. Но все же для использования и развития леваллуазской техники требуются высококачественные породы камня. Как показали экспериментальные данные Г.Келли [2,С.149-169], чтобы получить один желаемый леваллуазский отщеп, приходится выбрасывать в отходы в среднем 60 сколов. При дефиците качественного материала Кутирбулакцы не могли позволять себя такую "роскошь". Больше всего леваллуазских сколов на Кутирбулаке изготавливалось (табл. № 14) из песчаника (60 %), затем следует кремень (15,3 %), сланцы (9,4 %) и кварц (2,3 %):

Таблица № 14. Сырьевой состав леваллуазских сколов Кутирбулака.



Внутри каждой породы леваллуазские сколы получались: из кварца - 0,4 %, песчаника - 1,7 %, кремнистого известняка - 3,4 %, сланца - 5,5 % и кремня - 3,8% (табл. № 15):

Таблица № 15. Распределение леваллуазских сколов Кутирбулака внутри каждой породы сырья.



Следовательно, несмотря на то, что более половины леваллуазских сколов изготовлено из песчаника, при сравнении распределения их по отдельным категориям сырья, наибольшей процент леваллуазских изделий падает на долю кремнистых пород.

Отщепы в большинстве случаев изготовлялись (табл. № 16) из песчаников (65,7%), за ними следуют кварц (14,2%), кремень (8,6%), кремнистый известняк

(7,7%) и сланцы (3,8%):

Таблица № 16. Сырьевой состав отщепов Кутирбулака.



Теперь проследим эти показатели по каждой породе сырья: кварц - 95,4%, песчаник - 77,4%, кремень - 85,1%, кремнистый известняк - 85,5% и сланцы - 82,2% (табл. № 17):

Таблица № 17. Распределение отщепов Кутирбулака внутри каждой породы.



Видно, что очень высока доля кварца. Вместе с тем, при подсчете мелких отщепов на первое место выступает кремень, а кварц в этой категории практически не представлен. Видимо это связано с меньшей интенсивностью его утилизации и, как следствие, более крупными размерами кварцевых ядрищ.

Орудийный набор Кутирбулака представлен 420 экз. Среди сырья, использованного в производстве орудий на первом месте оказались, песчаники - 68,6%, за ними следуют кремень - 23%, кремнистый известняк - 19,5%, сланцы - 10% и кварц - 3,3% (табл. № 18):

Таблица № 18. Распределение орудий Кутирбулака внутри каждой породы.



Теперь обратим внимание на сырьевой состав индустрии Зирабулака. Так как стоянки Зирабулак и Кутирбулак находятся на растоянии 1 км друг от друга, набор каменного сырья, использовавшегося, древним населением был, один и тот же. Никакого экспорта сырья на стоянках не было. На Зирабулаке, как и на Кутирбулаке, пользовались теми же 5 основными видами сырья. Различия наблюдаются лишь в их количественном соотношении, которое зависело от выбора

обитателей этих стоянок.

Проанализировав нуклеусы Зирабулака (171 экз.), можно сделать следующие выводы: для их изготовления выбирался, в первую очередь, кремень - 52%, за ним следуют сланец - 22,8%, кварц - 15,2%, кремнистый известняк - 5% и песчаник - 5% (табл. 19):

Таблица № 19. Сырьевой состав нуклеусов Зирабулака.



Нуклеусов представляющих радиальный способ расщепления в коллекции всего 23 экз. (одно-двусторонние дисковидные), что составляет 13% среди всех ядрищ. Из них 56,6% изготовлены из кремня, за ними следуют нуклеусы, выполненные из кварца - 17,4%, песчаника - 13%, и сланца - 13%. Кремнистый известняк не использовался (см. табл. № 20).

Таблица № 20. Сырьевой состав радиальных нуклеусов Зирабулака.



Если проанализировать эти показатели внутри каждой породы, то получим следующие показатели: кремень - 14,6%, сланцы - 7,7%, песчаник - 37,5% и кварц - 15,4% (табл. 21):

Таблица № 21. Распределение радиальных нуклеусов внутри каждой породы.



Отсюда видно, что первое место занимает песчаник, за ним следуют кварц, кремень и сланцы. Как видно, из приведенных выше процентных соотношений, больше половины радиальных нуклеусов было изготовлено из кремня. Вместе с

тем, ядрища из кремня предельно сработаны и имеют сравнительно небольшие размеры.

Леваллуазских ядрищ всего 2 экз. и поэтому они нами в общем анализе не рассматриваются.

Самый большой процент ядрищ в коллекции составляют нуклеусы параллельного принципа скалывания (62%). Они изготовлялись из кремня - 44,3%, сланца - 28,3%, кварца - 17%, кремнистого известняка - 5,6%, песчаника - 2,8% и кварцита - 1% (табл. № 22):

Таблица № 22. Сырьевой состав параллельных нуклеусов Зирабулака.



Проследим эти показатели внутри каждой породы: кремень - 52,8%, сланец - 69,2%, кварц - 69,2%, кремнистый известняк - 75% и песчаник - 37,5% (табл. 23):

Таблица № 23. Распределение параллельных нуклеусов Зирабулака внутри каждой породы.



Интересно, что здесь достаточно велика доля кварца. Помимо количества, кварцевые ядрища параллельного принципа снятия на Зирабулаке отличаются от подобных нуклеусов Кутирбулака своей яркой выраженностью и "удачной" сработанностью.

Многоплощадочные нуклеусы составляют 4,7 % среди всех ядрищ коллекции. Они, в основном, сильно сработанны и изготовлялись из кремня и кремнистых пород. Кварцевые ядрища, которые бы относились к данной системе расщепления, отсутствуют.

В коллекции Зирабулака хорошо представлена серия нуклеусов для микропластин (12,8%). 19 экз. из них изготовлены из кремня (86,4%), 1 экз. из сланца (4,5%) и 2 экз. из кварца (9,1%) (табл. 24):

Таблица № 24. Сырьевой состав микропластин Зирабулака.



Интересно присутствие в этой категории кварцевых изделий, притом "удачно" сработанных.

Таким образом, можно проследить, что, привело к улучшению качества орудий. Но, несмотря на дефицит хорошего сырья на Зирабулаке доминирующее положение все же занимают кремнистые породы. Это свидетельствует о высоком уровне развития навыков выбора и дальнейшей утилизации сырья у первобытного населения Зирабулака. Снижение роли песчаника по сравнению с индустрией Кутирбулака, связано, видимо, с его недостаточно высоким качеством, уже не удовлетворявшим древних мастеров. При утилизации кварца обычно использовались примитивные приемы расщепления, широко распространенные в раннем палеолите, о чем свидетельствуют бессистемные и шарообразные ядрища, серийно представленные в коллекции Кутирбулака. Также на Кутирбулаке имеются и так называемые "неудавшиеся" подпризматические нуклеусы из кварца. Что касается коллекции нуклеусов Зирабулака, то она свидетельствуют о более высоком уровне развития обработки кварца, о чем говорит и присутствие выполненной из этой породы яркой серией параллельных ядрищ, в том числе и для производства микрозаготовок.

В наборе сырья, использованного для изготовления орудий (201 экз.) в индустрии Зирабулака происходят заметные сдвиги в выборе сырья. Кремнистые породы, несмотря на их дефицит, выходят на первый план. Орудия, характерные для позднего палеолита, изготовлялись исключительно из кремнистых пород, что свою очередь, привело к улучшению качества орудий. Но, несмотря на наличие классических вариантов нуклеусов для ножевидных пластин, в коллекции почти отсутствуют соответствующие им сколы. Это может объясняться тем, что нужные и ценные вещи всегда уносились собой и не выбрасывались. Проведенный анализ показал, что сколы коллекции Зирабулака слабо соответствуют имеющимся там нуклеусам и больше напоминают сколы-отбросы.

В Кутирбулаке и Зирабулаке жили первобытные люди - прекрасные знатоки свойств камня и техники его обработки. Как известно, одной из наиболее сложных техник расщепления была леваллуазская. Кутирбулакцы изирабулакцы ею хорошо владели, о чем свидетельствует присутствие в коллекциях ядрищ и сколов леваллуа. Однако особенности сырьевой базы, определявшиеся низким качеством массового материала, а также дефицитом и малыми размерами имеющихся желваков пород с высокими "потребительскими" свойствами (в первую очередь кремня), препятствовали широкому применению и развитию этой техники. По всем

признакам индустрия. В технике расщепления, судя по характеру дорсальной огранки сколов, господствовал параллельный способ скалывания (около 80 %). Вместе с тем, интенсивная сработанность ядрищ, связанная, видимо, с экономией сырья, и, как следствие, уменьшение их габаритов, приводили к доминированию при расщеплении непластинчатых сколов.

Использованная литература

1. Гречкина Т.Ю., Ташкенбаев Н.Х. К вопросу о кварцевых изделиях Кутирбулака (3 слой) // ИМКУ, вып. 23. -Ташкент, 1990. -С.13. (Grechkina T.Yu., Tashkentenbaev N.Kh. To the question of the quartz products of Kuturbulak (3 layer) // IMKU, vol. 23. - Tashkent, 1990. -P.13.)

2. Kelly (H). Contribution a l'etude de la technique de la taille levalloisienne, 1954. B.S.P.F., t. 51. -P. 149-169, 13 fig.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Гофуров Низомжон Октябрович,
Наманган давлат университети
Ўзбекистонда демократик жамият
қуриш назарияси ва амалиётик кафедраси мудири,
тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: *Nizomjon O.Gofurov. Some remarks on the study of Uzbekistan's cooperation with the international community. 2019, vol. 25, issue 2, pp. 43-47*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-06

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги масаласини Ўзбекистонлик ҳамда хорижлик олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши юзасидан айрим мулоҳазалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: жаҳон ҳамжамияти, ташқи сиёсат, ҳамкорлик, инвестицион битимлар, инвестиция.

Гафуров Низамжон Октябрович,
заведующий кафедрой Теория и практика построения
демократического общество в Узбекистане
Наманганского государственного университета,
кандидат исторических наук

НЕКОТОРЫЕ МНЕНИЯ ОБ ИЗУЧЕНИИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА УЗБЕКИСТАНА С МИРОВЫМ СООБЩЕСТВОМ

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещаются некоторые вопросы изучении сотрудничество

Республики Узбекистан с мировым сообществом узбекскими и зарубежными ученными и исследователями.

Ключевые слова: мировое сообщество, внешняя политика, сотрудничество, инвестиционные договора, инвестиции.

Nizomjon O.Gofurov,
Head of the department of theory and practice
of building a democratic society in Uzbekistan
of Namangan state university

SOME REMARKS ON THE STUDY OF UZBEKISTAN'S COOPERATION WITH THE INTERNATIONAL COMMUNITY

ANNOTATION

This article highlights some comments on the study of the cooperation of the Republic of Uzbekistan with the international community by Uzbek and foreign scientists and researchers.

Key words: international community, foreign policy, cooperation, investment agreements, investment.

Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлардаги иштироки масаласи юртимиз тарихини ўрганишдаги янги йўналишлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, мустақил ташқи сиёсат тамойилларини яратилиши, жаҳондаги сиёсий жараёнлардаги иштирокини тадқиқ этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Бир қатор тадқиқотларда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, мустақил ташқи сиёсат асосларининг шаклланиши мустақиллик нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. А. Қосимов ва И. Васькин ҳаммуаллифлигидаги тадқиқотда мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг шаклланиши, унинг асосий тамойиллари, ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий асослари ва асосий йўналишлари каби масалалар ўз аксини топган[1].

Хитой Халқ Республикасининг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, ҳамкорликни самарали ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар, Марказий Осиё масаласидаги Россия-Хитой ва Хитой-АҚШ муносабатлари муаммолари Р.М. Алимов тадқиқотида ўз аксини топган[2].

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, мустақил ташқи сиёсат асосларининг, мустақил ташқи сиёсат институтларининг шаклланиши каби масалаларни ўрганишда Э.З.Нуриддиновнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади[3]. Айниқса, "Ўзбекистон Республикасининг Европа мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги" номли монографиясида республикамизнинг Европа мамлакатлари билан кўп томонлама ҳамкорлигини кенг кўламли равишда ёритилиши билан бирга Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг тарихий илдизлари, совет давридаги халқаро алоқалар масаласига эътибор қаратиб уларнинг чекланганлигини, Ўзбекистоннинг туб манфаатлари ҳисобга олинмаганлигини кўрсатиб берган. Шунингдек, муаллиф истиқлол даврида ташқи сиёсат ҳуқуқий асосларининг шаклланиши, мустақил ташқи сиёсатни амалга оширувчи

муассасаларнинг шаклланиши жараёнини батафсил ёритиб берган.

А.К.Қирғизбоевнинг "Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги" масаласига бағишланган монографиясида Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлини тиклаш борасида Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги, замонавий интеграцион жараёнларнинг асосий хусусиятлари, Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистоннинг Осиёдаги халқаро ташкилотлар, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари, Осиёдаги етакчи давлатлар билан алоқалари таҳлил қилиб берилган[4].

Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари тарихи, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, мустақил ташқи сиёсатининг шаклланиши муаммолари, Ўзбекистоннинг жаҳон хамжамияти билан алоқаларининг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий ва географик хусусиятлари каби масалалар тадқиқотчилар томонидан бир қатор диссертацияларда ёритиб берилган.

Р.Б.Асадованинг тадқиқотида Ўзбекистон - Ҳиндистон ҳамкорлигининг тарихий илдизлари, иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорлигининг асосий жиҳатлари атрофлича ёритиб берилган[5]. Шунингдек, Ў.Якубовнинг илмий ишида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг назарий жиҳатлари, тармоқ ва ҳудудий хусусиятлари, экспорт имкониятларини кенгайтиришда географик жиҳатларнинг аҳамияти, мамлакат ҳудудларининг экспорт салоҳиятини иқтисодий-географик жиҳатдан асослаш ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан боғлиқ таянч тармоқларни саралаш, ташқи иқтисодий алоқалар стратегиясини ўрганиш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиққан[6]. И.Бекмуротов тадқиқотида Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик ташкилотидаги иштирокининг аҳамиятини, республикамизнинг ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро алоқаларини ривожланиш истиқболларига таъсири каби масалаларни ёритиб берган[7]. Ф.Усаровнинг диссертациясида Малайзия давлати мисолида Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари билан иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги масаласини ёритиб берилган[8]. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Жанубий-Шарқий Осиё минтақасининг тутган ўрни, Ўзбекистон-Малайзия муносабатларининг шаклланиши ва иқтисодий соҳадаги ҳамкорлиги, давлатлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари ўрганилган ва чуқур таҳлил этилган.

Бир қатор хорижий муаллифлар, жумладан Н.Кох, С.Хоффман, Р.Кеохейн, Дж.Най, Ф.Фукуяма, С.Хантингтон, Р.Руммель [9] асарларида ташқи сиёсат назариясини ёритиб берилган, шу билан бирга халқаро муносабатлар фалсафасини англашга ва айни пайтда собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатларда қарор топаётган сиёсий-иқтисодий муносабатлар мазмун-моҳиятини очиб беришга асосий эътибор қаратилган.

Бир қатор хорижлик муаллифлар асарларида мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўзига хос ўрни ва салоҳиятини ўрганишга эътибор қаратилган. Хусусан, М.Кейзер, С.Мехрота, Н.Любин, П.Гоубл, Д.Дикер, Э. Эпостулу, Б.Роберсон[10] тадқиқотлари шу жиҳатдан муҳим илмий аҳамият касб этади. Мазкур асарларда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, унинг жаҳон ҳамжамияти сафига кириб бориши, жаҳон давлатлари билан ҳамкорлиги масалалари ёритилган. М.Б.Олкотт[11], Дж.Бейтс, П.Данэй[12], С.Бланк[13], Н.Суонстром[14] асарларида Марказий Осиё республикаларининг Европа Иттифоқи билан муносабатлари, минтақадаги интеграцион жараёнларнинг истиқболари ҳақида сўз юритилган. Ш.Акинер, А.Дани, Г.Глисон, Р.Аллисон ва

Л. Йонсон, Б.Коппитерс, Ф.Роедер[15] каби тадқиқотчилар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимини шаклланиш жараёнини ўрганганлар.

Хорижий муаллифлар Ўзбекистон Республикасини Марказий Осиёда муҳим геосиёсий ўрин тутишини, айниқса, унинг хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари минтақа тараққиётида катта аҳамиятга эга эканлигини, яратилган қонунчилик базасининг ҳамкорлик алоқаларини ривожланишига ва Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатаётганлигини алоҳида таъкидлаганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. - Ташкент: Узбекистан, 1994. - 112 с. (Qosimov A. Vaksin I. The main directions of foreign policy of The Republic Uzbekistan, - Tashkent; Uzbekistan,1994-page 112)

2. Алимов Р. М. Центральная Азия: общность интересов. - Ташкент: Шарқ, 2005. - 464 с. (Alimov R.M. central asia; Community of interests.-Tashkent: Sharq,2005 page. 464).

3. Нуриддинов Э. З. Становления нового типа экономических отношений Узбекистана с ведущими государствами Западной Европы.//Общественные науки в Узбекистане. 1998. №1. - С. 3-11.; Унинг ўзи: Нуриддинов Э.З. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти: асослари ва устувор йўналишлари. // Ўзбекистон тарихи. 2000, №4. 27-37 бет.; Унинг ўзи: Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. - Ташкент: Чулпан, 2002. - 216 с. (Nuriddinov E.Z. reorganization of a new type of economic relations of Uzbekistan with leading states. Western Europe.// Social science in Uzbekistan 1998 N-1- C.3-11..; It itself; Nuriddinov E,Z foreign economic activity of The Republic of Uzbekistan: basics and priorities.// Uzbekistan history.2000,N- 4 page 27-37. It itself : international cooperation of The Republic of Uzbekistan with European countries. Tashkent: Chulpan, 2002- page 216).

4.Қирғизбоев А.К. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. - Тошкент: Фан, 2004. - 280 б.(Qirg'izboev A.K. international cooperation of The Republic of Uzbekistan with he Asian countries. Tashkent: FAN 2004. Page 208).

5. Асадова Р.Б. Ўзбекистон - Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик: тарихий асоси ва замонавий ҳолати (1991-2001 йй.). - Тарих фан. номз. ... дис.- Тошкент: ЎзР ФА Тарих институти, 2007. - 162 б. (Asadova R.B. cooperation between Uzbekistan and India in economic and cultural spheres: the historical basis and the modern state (1991-2001). A candidate of historical Institute of history of sciences The Academy of sciences of the Republic of Uzbekistan. 2007. Page 162).

6. Якубов Ў. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари. (географик жиҳатлари).- Геогр. фан. номз... дисс.- Тошкент: ЎзМУ, 2005. - 141 б. (Yakubov.O'. Foreign economic relations of The Republic of Uzbekistan (Geographical features), - Candidates of Geographical sciences. Tashkent: Uzbekistan National University 2005. -P. 141).

7. Бекмуротов И. Деятельность Шанхайской организации сотрудничества и процесс ее институционализации. Автореф. дисс. ... канд. полит. наук. - Ташкент:

АГОС, 2006. - 23 с. (Bekmuratov I. the activities of the Shanghai cooperation organization and the process of its institutionalization. Abstract. Diss. Cand. Polit. Sciences. Tashkent: АГОС.2006. -P. 23).

8. Усаров Ф. Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик (Малайзия давлати мисолида: 1991-2005 йиллар). Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. - Тошкент: ЎзМУ, 2010. - 32 б. (O'sarov F. economic and cultural cooperation between The Republic of Uzbekistan and the countries of south-east Asia (take the example of Malasia) (1991-2005) candidate of historical sciences. Abstruct. - Tashkent: Uzbekistan National university, 2010. -P.32.)

9. N.Kohh. The age of Nationalism. - N.Y., 1962; Hoffman S. Contempotrary Theory in International Relations - Prentce - Hall, 1964; Keohane R., Nye J. Transnational relations and World Politics. - Oxford,1997; Rummel R. Power Kills: Democracy as a Method of Nonviolence. - L., 1997.; Нушелер Ф. Новая мировая политика (многополярность вместо мира по- американски) //Internationale Politik. - 1998. - № 11; Fukuyama F. The End of History and the Last Man. - N.Y. - 1992; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций //Полис. - 1994. - № 1.

10. Kaser M., Mehrota S. The Central Economies after Independence. Royal Institute of International Affairs. - L., 1992; Lubin N. Central Asia: Issues and challenges for United States politicy. Tne new geopolitics of Central Asia and its borderlands Ed. By Ali Banuazizi and Myran Weincr. J. B. Touris and Co. Ltd. -L. -N.Y., 1994; Goble P. A the 50 million muslim misunderstanding: The West and Central Asia: Players in the new great game. Ed. By A. Ehtcshami, University of Exeter Press, 1994; Dykcr D.A. InvcslnwHUiirecliou in prospects of Uzbekistan. //Central Asia Newslife.// Chapter 4, №8, August-September 1996; Apostolu, Andrew M. The problems of creating Economies in Central Asia. From the gulf to Central Asia. Players in the new dreat dame. Ed by A. Ehtashami, Universiteti of Exeter Press, 1996; Roberson B. A. The Midle East and Europe. The Power deficur. Roytledge. - London, 1998.

11. Olcott M. Carnegie Endowment for International Peace at Commission on Security and Cooperation Conference in Helsinki, in Maher, Central Asia: US Helsinki Commission concerned about SCO's influence, EURASIA Insight (10/01/06). http://www.eurasianet.org/departments/insight/articles/pp100106.shtml

12. Bailes A. Dunay P., The Shanghai Cooperation Organization as a regional security institution// The Shanghai Cooperation Organisation, Stockholm International Peace Research Institute, Policy Paper No. 17, (May 2007) http://www.sipri.org/contents/publications/Policypaper17.html#download

13. Blank S. The Shanghai Cooperative Organisation: Post-Mortem or Prophecy/ / CEF Quarterly, The Journal of the China-Eurasia Forum (Summer 2005), \\http://www.chinaeurasia.org/iiles/CEF_Quarterly_August_2005.pdf

14. Swanstrom N. The prospects for multilateral conflict prevention and regional cooperation in Central Asia// Central Asian survey.-Oxford, 2004, Vol. 23, №1, -P. 41-53; Swanstrom N. China and Central Asia: A new Great Game ot traditional vassal relations?// Journal of contemporary China, Abingdon, 2005, Vol. 14, № 45, -P. 569-584.

15.Akiner Sh. Central Asia: New Arc of Crisis? - London: Institute for Defence Studies, 1993; Gleason G. Federalism and Nationalism: The Struggle for Republican Rights in the USSR. - Boulder: Westview Press, 1990; Dani A. New Light on Central Asia. - Delhi, Renaissance Publications House, 1993.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Хусанов Хабибулло Хакимович,
Андижон давлат университети
"Фуқаролик жамияти назарияси"
кафедраси катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ДИНИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ТИКЛАНИШИ ТАРИХИДАН

For citation: *Khabibullo Kh.Khusanov. From the history restoration of islamic traditions in Uzbekistan. 2019, vol. 25, issue 2, pp. 48-53*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-07

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда ислом дини анъаналари ва диний бағрикенгликнинг тикланиш жараёнлари, тарихи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий адабиётлар ёрдамида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси, ислом дини, диний бағрикенглик, маънавий қадриятлар, конфессия, диний ташкилот, Конституция, виждон эркинлиги.

Хусанов Хабибулло Хакимович,
Старший преподаватель кафедры
"Теория гражданского общества"
Андижанского государственного университета

ИЗ ИСТОРИИ ВОССТАНОВЛЕНИЕ ИСЛАМСКИХ ТРАДИЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются история исламской религии и процесс возрождения религиозной толерантности в Узбекистане с помощью правовых документов и научной литературы.

Ключевые слова: Республика Узбекистан, исламская религия, религиозная толерантность, духовные ценности, конфессия, религиозная организация,

конституция, свобода совести.

Khabibullo Kh. Khusanov,
Senior teacher of the chair of "Theory of civil society"
of Andizhan State University

FROM THE HISTORY RESTORATION OF ISLAMIC TRADITIONS IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article analyzes the history of the Islamic religion and the process of the revival of religious tolerance in Uzbekistan using legal documents and scientific literature.

Key words: Republic of Uzbekistan, Islamic religion, religious tolerance, spiritual values, denomination, religious organization, constitution, freedom of conscience.

Истиқлол йиллари Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий соҳаларида тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Бу трансформацион жараёнлар ҳозирда ҳам давом этиб келмоқда. Маълумки, халқимиз 130 йилдан ортиқроқ давр мобайнида совет мустамлакачилик даврини бошидан кечирди. Ана шу машъум даврда ўзбек халқининг кўплаб қадриятлари, урф-одатлари топталди ва уларга совет ҳукумати томонидан зарба берилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзбек халқи маънавий қадриятлари, урф-одатларига қуйидагича баҳо берди: "Ўзбек халқи совет мустамлакачилик даврининг ҳар қандай зулм ва истибдодига қарамай тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди. Ноҳақлик ва зўравонлик ҳукмрон бўлган шундай замонларда ҳам юртимиздан миллат ва халқ қайғуси билан яшаган ҳақиқий ватанпарвар инсонлар етишиб чиқди [2, Б.26]".

Мустақил Ўзбекистонда давлат органлари ва диний ташкилотлар раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва хайрихоҳлик муносабатлари қарор топди. 1991 йил 14 июлда Ўзбекистан ҳуқуқий тажрибасида биринчи бор "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингач виждон эркинлиги, давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар конституцион тамойиллар асосида тартибга солинда. 1998 йил 1 майда "Виждон эр-кинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

1992 йил 27 март Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайитининг биринчи кунларини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги Фармони имзоланди. Ўзбекистон Президентининг 1990 йил 2 июндаги "Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига Ҳаж қилиш тўғрисида"ги фармонига биноан Ўзбекистон халқи тарихида биринчи марта бевосита ҳукумат ҳомийлигида ҳар йили Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятларига эга бўлди. Мустақиллик йилларида 32 мингдан ортиқ ўзбекистонликлар Макка ва Мадинада Ҳаж сафарига беришди. Юзлаб масжидлар мусулмонларга қайтарилди, янгилари барпо этилди. "Ислом нури" газетаси чиқмоқда. Бу тадбирлар фақат диндорлар учун қилинган марҳаматгина эмас, улар аслида халқимизнинг қадимий расм - русум ва удумларининг, қадриятларининг тикланиши, аждодлар руҳининг қайта уйғонишидир.

Мустақилликнинг қисқа лекин шарафли йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Албатта, ҳар бир амалда мавжуд бўлган қонунлар, биринчи навбатда, шахс эркинлиги ва фуқароларнинг барча ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган. Истиқлол йилларида республикамизда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг виждон эркинлигини кафолатлайдиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Асосий қомусимизда таъкидланганидек, "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди"[1,Б.8]. Шунингдек, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунда Ўзбекистон фуқаролари динга муносабатидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар" - деб ёзилган"[3,Б.225]. Ушбу қонунлар замон талабларига мос бўлиб, фуқароларнинг динга монеликсиз эътиқод қилишига ва диний урф-одатларнинг ижро этиш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Маълумки, ер юзида 287 та давлат, 150 дан ортиқ миллат ва элатлар мавжуд бўлиб, уларнинг ўз қонунлари, анъана-удумлари ва албатта дунёқарашлари ҳам турличадир. Ҳар бир давлат ўз халқи ўтмиши, орзу-истакларидан келиб чиқиб, ўзининг асосий қонуни - Конституциясига эгадир. Жаҳонда асосан конституцияларнинг ёзилган ва ёзилмаган турлари мавжуддир [4,Б.12].Ана шу конституциягина халқнинг ўтмишини, бугуни ва келажаги билан боғлаб берадиган қадриятлар, дунёқараш, анъана, қадриятларинигина бугунги замон билан ҳамоҳанглигини таъминлаб беради.

Кўпгина давлатлар ўз давлат конституциясида асосий урғуни давлатнинг асосий принципларига қаратсалар, баъзи давлатлар эса шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига қаратадилар. Албатта, бу уларнинг ўз дунёқараши асосида вужудга келадиган жараёндир. Бошқа давлатларнинг конституциялари асосан тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмаса-да, мазмунан фарқ қилади. Ҳар бир давлатнинг конституциясида иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий жиҳатларга алоҳида эътибор берилиши, давлат тузилиши ва ташкил этилиши шартларининг халқаро меъёрларга тўғри келиши назарда тутилади. Дунё мамлакатлари конституцияларининг ижтимоий жиҳатларига эътибор қаратганимизда, диний бағрикенглик ва толерантлик масалаларига алоҳида эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз. Дарҳақиқат, шундай, аммо шу давлатлар ўз конституцияларида назарда тутиб, инсонларнинг асосий ҳуқуқ-эркинликларидан бири бўлмиш дин эркинлигига амалда қай даражада қараётганлиги бугунги кун инсонларини қизиқтираётган масалалардан бири десак, муболаға бўлмайди.

Негаки бу масала инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Бирлашган Миллатлар Ташкилти томонидан жиддий эътиборга олинган масаладир. Дин тарихига назар соладиган бўлсак, бизга барча даврларда дунёдаги мавжуд динлар ўзаро қарама-қаршиликларга, низоларга, тафовутларга борганлигини гувоҳи бўламиз. Шундай бўлишига қарамасдан ана шу даврларда бошқа дин вакиллари ўзга динларга, анъана ва қадриятларга ҳурмат назари билан қараганлар. Бугунги кунда ҳам ана шу тамойилга асосланиб, барча давлатлар ўз динлари қаторида бошқа дин, миллат анъана ва қадриятларига ҳурмат назари билан қарамоқдадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ диний ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатди ва ана шу мақсадда 1992 йил 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилинди. Диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат сиёсатида ифода этиш ушбу қўмитанинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган 140 га яқин миллат ва элатларнинг диний ҳис-туйғулари, эътиқодлари ҳурмат қилинади. Мустақиллик йилларида ислом динига ва бошқа динлар, мазҳаблар ривожи ҳамда тараққиётига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Республикамизда ислом дини билан бирга православлар, католиклар, баптистлар, буддистлар, лютеранлар каби бир қанча дин ва мазҳаблар ҳам мавжуд. Дастлаб республикада 15 та диний конфессия фаолият олиб борган бўлса, ҳозирда улар сони 17 тани ташкил қилади. Бундан ташқари, республикада виждон эркинлигини жорий этилиши, аҳолининг диний маросим ва урф-одатларни адо этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ушбу мақсадда янги масжид ва мадрасалар қурилди, эскилари эса таъмирланди. Истиқлол шарофати билан "Ислом нури" ҳафтаномаси нашрдан чиқа бошлади. Чунки ислом ҳамиша инсонларни инсофга ва диёнатга етаклаб, уларни ғализ ишларга қўл уришига тўсқинлик қилиб келган.

Ўзбек халқи истиқлолга эришганидан сўнг бу маърифий масканлар фаолиятига эркинлик берилиб, уларнинг ривожи учун янгидан янги имкониятлар яратилди. Мазкур маънавий-маърифий муассасалар ёш ва баркамол авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш ва вояга етказишга яқиндан кўмак бериб келмоқда. 1993 йилнинг 23-24 октябрь кунлари Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан улуғ ватандошимиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1220 йиллигига ва унинг ҳаёти, илмий меросини кенг тарғиб этишга бағишланган "Имом Бухорий ҳаёти ва даври" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тошкент Ислом олий мактаби ҳозирда Имом ал-Бухорий номи билан аталади. 1998 йилдан бошлаб Тошкентда Ислом университети фаолият кўрсата бошлади. Айни пайтда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида биттадан диний мадрасалар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда республикамизда Халқаро Ислом тадқиқотлар маркази, Имом Бухорий номидаги Ислом маъҳади, Эшон Бобохон номидаги аёллар мадрасаси, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари ишлаб турибди. Мадрасалардаги ўқиш муддати беш йил бўлиб, уларда ёш авлодга ҳам замонавий ҳам диний таълим сирлари биргаликда бериб борилади. Мадрасаларга кириш имтиҳонларида эса хорижий тил (инглиз тили), тарих, маънавият асосларидан тест синовларининг ўтказилиши уларнинг замонавий усулда фаолият олиб бораётганлигидан ҳам далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг фармони асосида ислом дини омилидан, унинг маънавий имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилди. Унинг тасарруфида Халқаро ислом - тадқиқот институти ва 10 та мадраса фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1000 дан ортиқ талаба - ёшлар таълим олмоқда. Ислом таълимоти ва фалсафасини кенг ўрганиш, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш, юқори малакали диншунос, ҳуқуқшунос ва иқтисодчиларни тайёрлаш мақсадида 1999 йил 7 апрелда Тошкент ислом университети ташкил этилди.

2007 йил - Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муасассаси - ISESCO (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳри Триполи (Ливия), Фес (Марокаш), Дакар (Сенегал) шаҳарлари қаторида Ислом маданиятининг 2007 йилдаги пойтахти деб эълон қилинди.

2007 йил 14-15 август - Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Тошкент шаҳрининг 2007 йилдаги Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишига бағишланган

"Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуида халқаро конференция ўтказилиб, унда 30 дан ортиқ давлатлардан келган олимлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2016 йили Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифи билан чиққан эди. Кейинчалик президент ушбу марказ лойиҳаси ва қурилиши билан бир неча бор танишди. Унинг мазмун-моҳияти, ҳатто, рангининг қандай бўлишигача белгилаб берди. Марказ Имом Бухорий ва бошқа мутафаккир алломаларимизнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакат ва хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш билан шуғулланади. Бу ерда аждодларимизнинг бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш, етук мутахассислар тайёрлаш учун барча керакли шароитлар яратилган. Марказнинг биринчи қаватида музей ташкил этилган. Унда Имом Бухорийнинг ҳаёти, илмий сафарлари акс этган. Музей марказига "Саҳиҳи Бухорий" китобининг қадимий қўлёзма нусхаси қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ушбу мажмуа яратилгандан кейин ташриф буюрди ва музей билан танишар экан, президент бу жой зиёратчиларга Имом Бухорий ҳақида тасаввур, билим беришини таъкидлади. Дунё харитасида яна бир илмий марказ пайдо бўлди. Бу марказ мамлакатимизга илм, барака олиб келади. Ёшларимизга билим, куч беради. Бу ерда ўқиганлар, зиёратган келганлар катта маънавият, маърифат олади [5], деди Шавкат Мирзиёев. Марказ томонидан 2018 йилнинг ўтган даврида буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, кенг тарғиб этиш, нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол йиллари Ўзбекистонда ислом дини анъаналари қайта тикланди. Шу билан бирга, бугунги кунда республикада 170 дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди ва уларда Ўзбекистонда яшовчи 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзларининг диний эҳтиёжларини қондирмоқдалар. Шу билан бирга, 1,7 мингдан ортиқ масжидлар, христиан ибодатхоналари ва бошқа диний марказлар таъмирланди ва янгидан қурилди. Мамлакатда истиқомат қилаётган миллат ва элатларнинг диний ҳис-туйғулари, анъаналари, урф-одатлари ҳурмат қилинади ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишига барча имкониятлар яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2019 (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: Uzbekistan, 2019).

2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008 (Karimov I.A. High spirituality is an invincible power. -Tashkent: Ma'naviyat, 2008).

3. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрир). Ўзбекистоннинг Янги Қонунлари. -Тошкент: Адолат, 1998 (Freedom of Conscience and Religious Organizations (New edition). New laws of Uzbekistan. - Tashkent: Adolat, 1998).

4. Омонова О., Тўйчиева Н. Давлат ва ҳуқуқ асослари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1998 (Omonova O., Tuychieva N. Bases of State and Law.-Tashkent: Uzbekistan, 1998).
5. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 28 март (Khalk suzi, 28 March, 2018).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Эшмуҳаматов Аҳрор Шарипович,
Мажидов Акбар Файзуллаевич,
Жиззах давлат педагогика институти
Тарих факультети ўқитувчилари

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ЧОРВАЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ХУСУСИДА

For citation: *Ahror Sh.Eshmuhamatov, Akbar F.Majidov. On the stages of formation of livestock culture in Uzbekistan. 2019, vol. 25, issue 2, pp. 54-58*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-08

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тадқиқотчининг Ўзбекистон ҳудудида чорвачилик маданиятининг шаклланиш босқичлари хусусидаги илмий фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Калит сўзлар: Авесто, чорвачилик, дин, зиёратгоҳ, воҳа, яйлов, чўпон, пода, от, туя, қўй, эчки, қорамол, култ, этнолокал хусусиятлар.

Эшмухаматов Ахрор Шарипович,
Маджидов Акбар Файзуллаевич,
Джизакский государственный педагогический институт
преподаватели исторического факультета

ОБ ЭТАПАХ ФОРМИРОВАНИЯ КУЛЬТУРЫ СКОТОВОДСТВА НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследователя с научной точки зрений нашло отражение этапы формирования культуры скотоводства на территории Узбекистана.

Ключевые слова: "Авеста", скотоводство, религия, святыни, оазис, пастбиила, пастух, стадо, лошадь, верблюд, баран, коза, рогатая скота, култ, этнолокальные особенности.

Ahror Sh.Eshmuhamatov,
Akbar F.Majidov,
Jizzakh State Pedagogical Institute
Teachers of History Faculty

ON THE STAGES OF FORMATION OF LIVESTOCK CULTURE IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article presents the researcher's views on the historical and religious roots of livestock culture in Uzbekistan.

Key words: Avesto, livestock, religion, pilgrimage, oasis, pasture, shepherd, herd, horse, camel, sheep, goat, cattle, cult, oasis, Ethnolocal peculiarities.

Археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, чорвачилик анъанавий хўжалик юритишнинг энг қадимий кўринишлари ва тирикчилик манбаини белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири бўлган. Чорвадорларнинг турмуш тарзи ва ушбу машғулот билан боғлиқ қарашлар, урф-одатлар этнографик материаллар асосида маълум даражада ўрганилган. Зеро, жониворларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш жараёни бошлангандан эътиборан чорвачилик билан боғлиқ маросим ва урф-одатларда элнинг ҳайвонот оламига бўлган муносабати акс этган.

Маълумки, аждодларимиз қадим-қадимдан ўтроқ деҳқончилик билан биргаликда чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келишган. Чорвачилик билан шуғулланиш эса овчиликдан келиб чиққан. Инсон ўзининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш учун дастлаб дарахт мевалари ва илдизлар билан озиқланган. Қурол-яроғларнинг такомиллашиб бориши билан одамлар аввало майда ҳайвонларни, кейинчалик йирикларини овлашни ўзлаштирган.

Чорвачилик жуда қадимий машғулот тури бўлиб, инсоният тарихининг илк даврларидан бошлаб чорва билан боғлиқ культлар, эътиқодлар халқлар турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да чорвага, айниқса, от, қорамол ҳамда майда туёқли уй ҳайвонларига эътиқодий муносабат изоҳланган [1,Б. 45].

Жумладан, "Авесто" матнларида майда молларга ҳомийлик қилувчи илоҳ Фродат-Фшова номи билан зикр этилган [2,Б.343]. Зардушт Ахурамаздадан "ҳаммадан кўра бахтиёрроқ бўлган дунёдаги тўртинчи жой қаер?" деб сўраганида, Ахурамазда: "Бундай жой қўйлар суруви ва тевалар уюри энг кўп парвариш қилинадиган заминдир", деб жавоб берган [2,Б.113].

Чорвачиликда от, қўй, туя, қорамол сингари ҳайвонлар яйловлар ва тоғ ёнбағирларида боқилган. Шаҳар аҳолиси молларини ўз ҳовлиларида боққанлар.

Чорвачиликнинг шаклланиши қадимги Ўрта Осиёнинг барча ҳудудлари ва жумладан Хоразмдаги археологик ёдгорликларда айниқса яхши намоён бўлади. С.П.Толстов раҳбарлигида фаолият кўрсатган Хоразм археология-этнография экспедицияси Хоразм воҳасида қарийб 50 йил давомида олиб борган қазишмалар натижасида ноёб тарихий ашёлар билан бир қаторда уй ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг суякларини ўрганган. Бу топилган суяклар, шубҳасиз, милоддан аввалги минг йилликлар даврида яшаган ва "Авесто"да тилга олинган чорва молларининг турларига таълуқлидир. Суяк қолдиқлари орасида йирик шохли

қорамол, қўй, эчки, от, туя, эшак ва ит каби уй ҳамда қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг суяклари мавжудлиги текширилиб аниқланган [3,Б.6].

Хоразм воҳасида, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари сингари, турли хил ҳайвонлар, қушлар ва балиқлар ғайритабиий хусусиятларга эга деган қарашлар узоқ ўтмишдан сақланиб келган. Уй ҳайвонлари ҳўкиз, қўчқор,туя ва ит бу қарашларда алоҳида ўрин эгаллаган.

Хоразмликларнинг тасаввурларида қўчқор "ёмон кўз"дан сақловчи жонивор ҳисобланган. Қўчқор шоҳи тинчлик, бардамлик ва тинчлик рамзини ифодалаган. Қўчқорларнинг ҳовли, боғ, узумзорлар соясида дарахтга боғлаб боқиш хусусан, шу одат маъносидан келиб чиққан. "Ёмон кўз" қўчқорнинг шоҳларига тушиб, ўз кучини йўқотади деб қаралган [4,Б.117].

Фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг ёзишича, ўзбеклар ўз меҳнат фаолиятида икки хил тақвимларидан фойдаланган. Бу тақвимлар кишиларнинг чорвачилик ҳамда деҳқончилик фаолиятининг амалга кириши ва тугалланиши билан бошқарилган. Демак, ўзбекларда икки хил йил ҳисоби бўлиб, улар қуйидагича белгиланган: деҳқон йили 22 мартдан бошланса, чўпон йили 16 мартдан бошланган. Дарҳақиқат, 22 мартдан кейин Ўрта Осиё шароитида ер илиб, ўсимликларга амал киради. Чўпон йилининг 16 мартдан бошланиши ҳам ерга амал кириши ва ўт-ўланларнинг ўсиб чиқа бошлаши билан боғлиқ. Ана шу кундан бошлаб чорвадорлар ёзги яйловга кўчиш ишларини бошлаб юборганлар.

Бундан ташқари, маҳаллий чўпонлар ёзги яйловга кўчишда ҳафта кунларига ҳам алоҳида эътибор берганлар. Чунончи улар чорвани яйловга олиб чиқишда ҳафтанинг ҳосиятли кунлари деб эътироф этилган чоршанба ва шанба кунларини танлаганлар. Чорвадорлар наздида ҳафтанинг бошқа кунлари, айниқса, жумада кўчиш хосиятсиз ҳисобланган. Чунки халқона қарашга кўра, ушбу кун барча мусулмонлар каби ҳамма жонзодлар учун дам олиш куни сифатида белгилаб қўйилган. Шу боис агар ушбу кун йўлга чиқадиган бўлинса Аллоҳнинг иродасига қарши борилади ва бирор бир фалокатга йўлиқиш мумкин, деб ҳисобланган [5,Б.138].

Шу ўринда масаланинг биз учун муҳим жиҳатларидан бирига ўз эътиборимизни қаратсак. Ўлкамиздаги зиёратгоҳлар ва уларда ўтказиладиган турли маросимлар умумий ва хусусий жиҳатлари билан ажралиб туради. Республикамизнинг барча зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимлар ва иштирокчилар қарийб ўхшаш ҳолатда ташкил этилади. Лекин, айрим хусусий ҳолатлар ҳам мавжудки, бу жараён аҳолининг турмуш-тарзи, кундалик машғулоти, орзу-истаклари ва маҳаллий анъаналар билан боғлиқ қарашлардаги ўзига хослик асосида юзага келади. Чунки, анъана, урф-одат ва маросимларнинг юзага келиши ва халқ ижтимоий ва диний ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши мураккаб жараён бўлиб, унга бир қанча омиллар таъсир ўтказади. Яъни, миллий ўзига хосликлар узоқ тарихий даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий-географик ўрнашув, аҳолининг машғулотлари, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳий-психологик қарашлари негизида қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади [6,Б.189].

Хусусан, Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида ташкил этиладиган маросимларда ҳам умумўзбекка хос жиҳатлар билан бир қаторда хусусий кўринишлар ҳам мавжуд. Қуйида фақат Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларнинг бирига ва уни ўтказилиш жараёнига тўхталиб ўтамиз.

Пода қўшиш маросими. Бу маросим асосан воҳанинг Зомин, Бахмал ва

Ш.Рашидов туманининг тоғли ҳудудларига хос бўлиб, ҳар йили март ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида ўтказилади. Маросимда қишлоқда истиқомат қилувчи уруғлар навбати билан (қариндош-уруғлар жамоасига бир неча йилда бир марта навбат келади) қўй сўйиб қурбонлик қилишади. Бунда қишлоқнинг ҳар бир хонадонидан бир нафардан ёши улуғ вакили иштирок этади. Ушбу маросимда кимлар бу йил чўпонлик қилиши, чўпонга ҳар бир бош чорва моллари (от, қора мол, қўй ва эчки учун алоҳида табақалаштирилган) учун тўланадиган пул ёки уни ўрнини босувчи натурал маҳсулот (буғдой, арпа ёки чорва моллари) миқдори, чўпонларга қўйиладиган талаблар келишиб олинади.

Ушбу маросимни зиёратгоҳларда ўтказилиш сабаби қуйидагича: биринчидан, зиёратгоҳларнинг жамиятдаги мавқеи ҳам инобатга олинган бўлиб, чорва молларнинг баракаси, уларни касалликдан сақлашда қадамжодаги авлиё муҳофаза вазифасини ўташига ишониш бўлса, иккинчи томондан муқаддас жойда берилган ваъда ёки келишилган битим оғзаки бўлиб, унинг ишончлилиги ва амал қилиш томонларнинг виждонига боғлиқ бўлади. Шу сабабли, аҳоли орасида зиёратгоҳларнинг магик ҳусусиятларидан чўчиш, у ерда ёлғон гапирмаслик каби диний қоидалар томонларни маънавий бурчини эслатишга ишониш ҳисси мавжуд. Қолаверса, айнан зиёратгоҳлар на давлатга на маълум бир шахсга тегишли бўлган ўзига хос муқаддас маскан бўлиб, халқ эътиқодларига кўра айнан бу худудда амалга оширилган ҳар қандай келишув ва табир муққаслик аҳамиятга эга бўлади. Шу боис бу ерда тузилган оғзаки шартнома муқаддас келишув бўлганлиги боис уни бузиш оғир гуноҳ билан тенглаштирилади. Айнан бу ҳолатдан зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг ўзига хос сакрал хусусиятлари билан бирга уларнинг келишув обьекти тарзидаги бошқа муҳим функцияси ҳам намаён бўлади. Умуман олганда кўплаб Марказиё Осиё халқлари ҳаётида зиёратгоҳлар маҳаллий одамлар учун энг муқаддас маскан ҳисобланган ва бу ерда бажарилган ҳар қандай амал ва маросимга ўзгача тус бериш ва инсонлар руҳияти учун ижобий аҳамият касб этиш кенг тарқалган [7,Б.10].

Хулоса қилиб айтганда чорвачилик билан боғлиқ анъанавий урф-одат ва маросимлар узоқ ўтмиш тарихига эга бўлиши билан бирга диний афсунгарлик ва магик характердаги турли-туман маросимларга бойлиги билан ажралиб туради. Чорвачилик билан боғлиқ анъаналар ва маросимлар ўзинининг мазмун-моҳиятига кўра қадимий тотемизм, магия, фетишизм, аждодлар ва ҳайвонларни эъзозлаш билан боғлиқ культлари, бир сўз билан айтганда, макон ва замон билан боғлиқ илк диний эътиқодий қарашлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Кейинчалик ислом мафкураси ҳукмронлиги даврида уларнинг аксарияти исломий анъаналар билан уйғунлашган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Исҳоқов М. "Авесто"да чорва ва чорвадорлар. Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. -Т., 2006. (Ishakov M. Livestock and stockmen in Avesto. Historical roots and modern processes of farming culture in Uzbekistan. -T., 2006).

2. "Авесто". Тарихий адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. -Т., 2001. (Avesto. Historical literary monument. Translated by Askar Mahkam. -T., 2001).

3. Абдолниёзов. Б, Исҳоқов М. Авесто ва қадимги чорвачилик. -Т., 2008. (Abdolniyazov. B, Ishakov M. Avesto and the ancient livestock. -T., 2008).

4. Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. -Урганч: УрДУ 2018. (Snesarev G.P. Pre-Muslim rituals and customs of Khorezm. -Urgench: UrSU 2018).

5. Саримсоқов А.А. Шимолий Фарғона қипчоқларининг чорвачилик билан боғлиқ маросим ва урф-одатлари. 2010. (Sarimsakov A.A. Animal rituals and traditions of Northern Fergana Kipchaks.2010).

6. Аширов А. Этнология: Ўқув қўлланма. -Тошкент: Янги нашр, 2014. (Ashirov A. Ethnology: A Handbook. -Тошкент: Yangi nashr, 2014).

7. Дала ёзувлари. Зомин тумани Хўжаи Сероб ота, Бахмал тумани Новқа ота ва Теракли ота ҳамда Ш.Рашидов тумани Парпи ота зиёратгоҳлари. 2015-2017й. (Field writing records. Khojai Serob-ota Zamin district, Novqa-ota and Terakli-Bakhmal district and Parpi-ota shrines of Sh.Rashidov district. 2015-2017 years.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Эшмуҳаматов Аҳрор Шарипович,
Мусинов Нажмиддин Фахриддинович,
Жиззах давлат педагогика институти
Тарих факулътети ўқитувчилари

XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ (йилқичилик мисолида)

For citation: *Ahror Sh.Eshmuhamatov, Najmiddin F.Musinov. The second half of the 19th century and the beginning of the 20th century (as on example of a horse). 2019, vol. 25, issue 2, pp. 59-63*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-09

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистондаги чорвачиликнинг аҳволи тадқиқ этилган. Соҳанинг хонликлар ва амирликдаги аҳволининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: чорвачилик, деҳқончилик, қўйчилик, эчки, йилқичилик, туячилик, паррандачилик, қорамолчилик.

Эшмухаматов Ахрор Шарипович,
Мусинов Нажмиддин Фахриддинович,
Джизакский государственный педагогический институт
преподаватели исторического факультета

В ДАННОЙ СТАТЬЕ ИССЛЕДОВАН ПОЛОЖЕНИЕ СКОТОВОДСТВО В ТУРКЕСТАНЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX И В НАЧАЛЕ XX ВЕКА (на примере коневодства)

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследован развитие скотоводство в Туркестане во второй половине XIX и в начале XX века. На основе сравнительного метода анализирован этих отраслей в ханствах и эмиратах.

Ключевые слова: скотовояство, земледелие, овцеводство, коза, коневодство,

верблюдоводство, птицеводство, крупнорогатого.

Ahror Sh.Eshmuhamatov,
Najmiddin F.Musinov,
Jizzakh State Pedagogical Institute
Teachers of History Faculty

THE SECOND HALF OF THE 19TH CENTURY AND THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY (as on example of a horse)

ANNOTATION

This article deals with the livestock breeding condition in Turkistan region at the second port of the 19th century and the beginning of the 20th century. The field is analyses by comparing methods of cattle raising in emirates and khanates of that time.

Key words: livestock breeding, farming, poultry, goats, sheep breeding, quail, poultry, cattle.

Инсоният тарихий тараққиётида чорвачилик хўжалиги беқиёс ҳисобланади. Ҳайвонларни қўлга ўргатиш, улардан хўжалик ишлари ва улов сифатида фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг тезлик билан тараққий этишига сабаб бўлган.

Археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, чорвачилик анъанавий хўжалик юритишнинг энг қадимий кўринишлари ва тирикчилик манбаини белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири бўлган.

Асрлар давомида шаклланиб, ривож топиб келган чорвачилик ўрта асрлар, жумладан хонликлар даврида ҳам ривожланишдан тўхтаб қолмади. Бухорога қарашли Ўрта Осиё тоғли жойларнинг кўплиги қулай об-ҳаво ва кенг яйловларнинг мавжудлиги чорвачиликнинг ривожига сабаб бўлган. Чорвачилик нафақат озиқ-овқат маҳсулоти сифатида муҳим аҳамият касб этган, балки минтақа ички ва ташқи савдосида ҳам муҳим ўрин тутган. XIX аср охирларида Ўрта Осиёнинг Бухоро амирлигига қарашли ҳудудларда 6 000 000 бош қўй ва эчкиси бўлганлиги минтақа хўжалигида чорвачиликнинг қандай нуфузга эга бўлганлигини кўрсатади [1,Б.177].

Бухоро амирлигида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик ривожланганлиги сабабли чорва маҳсулотларининг нархи унчалик юқори бўлмаган. Бухоро амирлигининг чорва моллари сотиладиган энг катта бозори Миршоди бўлган.

Миршоди бозорига ўхшаш чорва сотиладиган бозорларни Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам кўплаб учратиш мумкин бўлган. Хонликлар даврида чорвачилик анъанавий хўжалик тусида ўз хусусиятини сақлаб қолган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўзбек хонликлари Россия империясининг мустамлакасига айланганидан кейин ҳам аҳолининг катта қисми чорвачилик билан шуғулланиб, ярим ўтроқ тарзда хўжалик юритган. Фақат ярим кўчманчи аҳоли эмас, балки қишлоқда ўтироқ аҳоли ҳам чорвачилик билан шуғулланган. Чўл ва тоғ ён бағриларида жойлашган аҳоли ўлканинг бошқа қисмларида яшовчиларга қараганда кўпроқ чорвачилик билан шуғулланар эди. Улар деҳқончиликда: ер ҳайдашда, ғалла янчиш ва бошқа кўпгина ишларни бажаришда ҳайвонлар кучидан фойдаланишган. Умуман олганда, турмуш,

тирикчилик учун зарурий маҳсулотлар чорва молларидан олинган. [2,Б.53] Шу сабабли чорвачиликнинг мавқеи юқорилигича қолаверган.

XIX аср охири - XX аср бошларида Зарафшон водийсининг тоғ ва тоғ ёнбағирлари, чўл ва саҳроларида яшаган қишлоқ аҳолиси чорвачиликни ривожлантиришга қанчалик ҳаракат қилмасин, бу водийда чорвачилик бошқа жойларга нисбатан паст даражада эди.[2,Б.54] Фақат қўйчилик, айниқса қоракўл қўйларини урчитиш, уларнинг зотини яхшилаш ва маҳсулот бирлигини ошириш соҳасида катта тажрибалар орттирилган эди.

Зарафшон водийси аҳолиси ўз хўжаликларида чорвачиликнинг қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик, туячилик ва қисман паррандачилик тармоқлари билан шуғулланганлиги манбаларда келтириб ўтилган. Чорвачиликнинг ривожланиш даражаси Ўрта Осиёнинг бошқа жойларига қараганда Зарафшон водийсида пастроқ эди. Умуман, Зарафшон воҳасида етиштирилган чорва моллари маҳсулоти аҳолининг талабини тўла қондиролмас эди. Масалан, Бухоро шаҳрида ўрта ҳисобда, ҳар куни 6 000 қўй сўйиб сотилган. Шу туфайли аҳоли ўз эҳтиёжини қондириш учун чорва молларининг маълум қисмини четдан келтиришга мажбур бўлган. Бу иш билан чорвадор саноатчилар, мол жаллоблари шуғулланган, улар Шимолий Афғонистондан йилига деярли 100 минг бош қўй келтирганлар. Шундан озроғи Тошкентда, катта қисми Зарафшон воҳасида сотилган.

Зарафшон водийси аҳолисининг суғорма деҳқончилик билан шуғулланган аҳолиси деҳқончилик ва чорвачиликни бирга қўшиб олиб борган. Улар кўпроқ қорамолчилик, йилқичилик ва паррандачилик билан шуғулланганлар. Тоғ ёнбағри ва чўл қисмида жойлашган қишлоқ аҳолиси асосан қоракўл қўйлари, қисман йилқи, туя, қорамол боқишган.

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси аҳолиси, юқорида кўриб ўтганимиздек чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Баъзан улар бу машғулотларни қўшиб олиб боришган. Лекин, умуман воҳа аҳолисининг биринчи галдаги машғулоти деҳқончилик, чорвачилик, хусусан унинг асосий тармоғи ҳисобланган қоракўлчиликдан иборат эди. Чорвачиликнинг яна бир тармоғи ҳисобланган йилқичиликни олиб қарасак, мазкур давр учун Зарафшон водийси чорвадор аҳолисининг ижтимоий аҳволи илмий таҳлил қилинганда аҳолининг отларни боқиш ва уларни кўпайтириш усуллари, уларнинг европача усулларга ўхшаш жиҳатлари, йилқичиликда маҳаллий аҳолида қадимдан шаклланган ва етарли билимлар мавжуд бўлганлиги ойдинлашади.[3,Б.78]

Йилқичилик қадимдан аҳолининг асосий машғулот бўлиб, бу соҳага оид ёзма ва археологик манбаларда Ўрта Осиё халқларининг моҳир чорвадор бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ҳақида Хитой манбаларида қуйидагича маълумотлар келтирилган: "Дайюанда асл отлар кўп, - деб ёзади Хитой сайёҳи Чжан Сян ўз ҳисоботида. Уларнинг ҳаммаси тулпор экан. Баданидан қизил тер томчилари ялтираб турар экан". Дайюан отлари жуда ҳам гўзал ва учқур эканини эшитган У - Ди бу отларни қўлга киритиш учун неча бор Фарғонага юриш қилади. Бу Фарғона арғумоқларини бир кунда минг ли, яъни тахминан беш юз километр йўл босган [4,Б.42]. Бундан кўриниб турибдики ўлкамиздаги отларнинг қадимдан донғи кетган ва соҳа мутахассислари бундай арғумоқларни етиштириш учун асдойдил заҳмат чекканлар.

Дарҳақиқат, Фарғона яйловлари бутун Осиёда маълум ва машҳурдир, бу яйловларда ўтлаб юрган чорванинг барча турлари, ҳатто энг тиррақи от ҳам икки ҳафта ичида таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетади [5,Б.4]. Фарғона қишлоқ

хўжалигининг катта қисмини чорвачилик ташкил қилганлигини, шундан йилқичилик жудаям катта аҳамият касб этиб, фақат Фарғона водийсига тегишли соҳа бўлиб қолмасдан, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам маълум ва машҳур бўлиб келганлиги ҳаммамизга маълум [3,Б.78].

Кўчманчи чорвачилик тарзидаги хўжалик шакли ҳам инсоннинг энг яқин кўмакдоши бўлган отларни биринчи даражага чиқарган. Бу аввало, отлар барча хусусиятлари билан кўчманчи чорвадорлар яшаши ва хўжалик юритишига тўлиқ мос келиши билан боғлиқ. Отлар инсоннинг бепоён чўлда узоқ масофани босиб ўтиши, кўчиб юриши ҳамда турли хил низоли тўқнашувларда энг яқин кўмакдоши бўлган [6,Б.23]. Қишнинг қаҳратонли кунлари чўзилиб чорва учун озуқа муаммоси пайдо бўлганида, йилқи қор тагидан ўзи учун етарли емиш топа олган. Бу эса хўжалик юритишда кўп муаммо туғдирмаган.

Йилқичилик соҳасига оид матбуот материалларида Туркистонда йилқичилик тарихи, йилқи турлари, уларнинг сони ва сифат жиҳатидан ўзгаришга учраганлиги ҳамда унинг сабаблари, шунингдек ўлкадаги йилқи сифатини яхшилаш тадбирлари ва уни Россия империяси ҳарбий қўшинларига жалб этиш масалалари кўтарилган эди. Маҳаллий отларнинг, хусусан, "қозоқ" отлари, қорабайир, туркман отларининг таснифи берилиб, уларга хорижий давлатлардан келган тадбиркорларнинг қизиқиши таъкидланган. 1913 йилда Германияга битта "Текин" оти сотилгани, 1914 йилда Киевда ўтказилган кўргазмада бундай отларни яна германияликлар сотиб олишга ҳаракат қилганлиги қайд этилган. Туркистонда йилқичилик, қолаверса чорвачилик кенг ривожланган бўлиб, умуман чорвачилик ҳақида оммавий ахборот воситаларида доимий равишда маълумотлар бериб борилган.

1903 йилда "Туркистон вилоятининг газети"да пахта майдонларининг кенгайиб бориши туфайли, Фарғона вилоятида молларга озуқа етиштириб бериш мураккаб муаммога айланиб қолганлигини кунлик саҳифаларида ёритиб борган. Пахтачилик соҳасининг устунликка эришиб бориши натижасида чорвачилик инқирозга учраб, чорва молларининг сони йилдан йилга камайиб борган. Деҳқонлар қорамолларга озуқа етишмаслигидан қишга яқин вақтда уларни сотишга ҳамда баҳорнинг бошларида чорва молларини сотиб олишга мажбур бўлганлар. Худди шундай фикрлар "Туркестанские ведомости" газетасидаги қатор мақолаларда бериб борилган. Умуман олганда, матбуот материалларида ем-хашак экинларининг нархи 100 фоизга ҳамда чорва молларининг нархи 50 фоизга ошиб кетган эди.

XX аср иккинчи ўн йиллигининг ўрталарига келиб Россиядаги барча миллат ва элатларнинг бошига кўпдан-кўп азоб-уқубатларни ва ташвишларни солган Биринчи жаҳон урушининг бошланиши, халқ хўжалигини издан чиқиб кетиши, мамлакатда очарчиликни ва қашшоқликни тобора кучайтириб юборди. Бу ҳолат, айниқса, Туркистон ўлкасида кўзга ташланади. Подшо ҳукумати ва капиталистлар уруш кетаётганлигини рўкач қилиб, ўлка аҳолисини янада қаттиқроқ талади ва зулм остига олди. Улар беш панжаларини оғзига тиқиб иш юритдилар. Оғир иқтисодий вазиятга қарамай, Подшо ҳукумати Бухоро (Когон - Қарши-Термиз), Фарғона (Қўқон-Наманган-Андижон), Еттисув (Аргс-Бурнас) темир йўлини қурди. 1916 йилда Фарғона темир йўли қуриб битказилди ва ишга туширилди. Бундан мақсад ўлканинг деҳқончилик маҳсулотларини ва табиий бойликларини Россияга олиб кетиш эди. 1914-1916 йилларда 41 миллион пуд пахта, 3 миллион пуддан ортиқ пахта ёғи, 200 минг пуд совун, 300 минг пуд гўшт, 16 минг пуд балиқ, 70 минг от, 12797 туя, 270 арава, 1344 ўтов, кўп миқдорда қуруқ мевалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари Россияга жўнатилган эди. Шунингдек, 1914 йилда Еттисув

вилоятидан 34 миллион сўмлик, йирик ва майда қорамол, 1915 йилда Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан бир миллион қўй олиб кетилганлиги маълум [7,Б.159].

Ўлкадан катта миқдордаги дон ва чорва маҳсулотларининг олиб кетилиши натижасида ғаллачилик ва чорвачиликка путур етади. Россиядан ғалла келтириш эса анча камаяди. Натижада рус ғалласига умид боғлаб пахта экаверган ўзбек деҳқони жуда қийин аҳволга тушиб қолади. Айрим маълумотларга кўра, 1916 йилда Фарғона вилоятининг одатда оладиган ғалласи 12-14 миллион пудга камайган. Бутун ўлкада эса бундай етишмовчилик 22 миллион пудни ташкил этган.

Фарғона водийсида илгари 50 сўм турадиган отнинг нархи 100-200 сўмга, 5-9 сўмлик қўйнинг нархи 30-35 сўмга кўтарилади. Булар камдек подшо ҳукуматининг солиқ ва мажбуриятларни кўпайтириб бориши чорвачиликка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди [8,Б. 49].

Шундай қилиб, Туркистон ўлкасида чорвачилик соҳаси анъанавий хўжалик турларидан бири бўлиб, XIX асрнинг охири - XX асрининг бошларида ҳам ўз ривожидан бир зум бўлса-да тўхтаб қолмаган. Россия таркибидаги ҳудудларда эса ихтисослашувнинг кучая бориши чорвачиликнинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пидаев Т. Сурхондарё тарихи. -Тошкент: Шарқ, 2004. -Б. 177. (Tursunov S., Kobilov E., Murtozoyev B., Pidayev T. History of Surkhandarya. Editorial office of oriental publishing and Printing Company. 2004. -P. 177).

2. Тошев Х. XIX аср охири-XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. -Тошкент: Фан, 1987. -Б. 53-54 (Toshev H. The economy and social life of Zarafshan`s Uzbeks in the late 19th and early 20th centuries. -Tashkent: Fan, 1987. -P.53-54).

3. Шодмонова С. Туркистон тарихи - матбуот кўзгусида. (1870-1917 йй.). -Тошкент: Янги нашр, 2011. -Б. 78. (Shodmonova S. History of Turkestan is in the press. (1870-1917) . -Tashkent: Yangi nashr, 2011. -P. 78).

4. Абдолниёзов Б., Исҳоқов М. Авеста ва қадимги чорвачилик. -Тошкент, 2008. -Б. 42. (Abdolniyozov B., Ishakov M. Avesto and ancient livestock. -Tashkent: 2008. -P. 42).

5. "Вокруг света" журнали, 1886 йил 27-сони. -Б.4. ("Magazine" Around the World. 1886. №27)

6. Тошбоев Ф. Отлар билан боғлиқ удумлар ўзбек халқининг қадимий қадрияти сифатида. СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси №6 (52) Самарқанд, 2008. -Б. 23. (Toshboyev F. Horse rituals as ancient values of the Uzbek people. SamDU scientific Research bulletin. № 6 (52) Samarkand, 2008. -P. 23.)

7. Зиёев Ҳ. Истиқлол маънавият негизи. - Тошкент: Маънавият, 1999. - Б. 159.(Ziyaev H. The basis of Independence. -Tashkent: Ma'naviyat,1999. -P. 159).

8. Расулов А., Исоқбев А. Туркистон ва Россия муносабатлари тарихи. (Ўқув қўлланма) I-қисм. - Наманган, 2011. -Б. 49. (Rasulov A., Isakbayev A. History of Turkic and Russian relations. (study Guide). Part I. -Namangan, 2011. -P. 49.)

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Jumaniyozov Fazliddin Bobojonovich,
Toshkent universitetining Urganch filiali
Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Axborot Texnologiyalari
Gumanitar va ijtimoiy fanlar kafedrasi o'qituvchi

XORAZM VOHASIDA BIRINCHI TRANSPORT VOSITALARI, SAVDO ALOQALARI VA KARVON YO'LLARINING SHAKLLANISHI TARIXI

For citation: *Fazliddin B. Jumaniyozov. History of the formation of the first freight vehicles, trade relations and caravan routes in the Khorezm oasis. 2019, vol. 25, issue 2, pp. 64-69*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-10

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Хоразм воҳасида дастлабки юк ташиш воситаларининг пайдо бўлиши, савдо сотиқ муносабатларини вужулга келиши ҳамда қадимги карвон йўллари ҳақида сўз юритилади. Хоразм воҳасига ташиладиган юкларнинг асосий қисми XX асрга қадар савдо карвонлари орқали ташилиши натижасида ушбу минтақада ўзига ҳос карвон йўналишлари вужудга келди.

Калит сўзлар. Карвон, савдо йўли, туя, совдо сотиқ муносабатлари, карвон сарой, транспорт воситалари, божхона, қоп ва кажава.

Джуманиязов Фазлиддин Бобожонович,
преподаватель кафедры гуманитарных и социальных наук
Ургенчского филиала Ташкентского Университета информационных
технологий имени Мухаммеда аль-Хорезми

ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ПЕРВЫХ АВТОМОБИЛЕЙ, ТОРГОВЫХ ОТНОШЕНИЙ И КАРАВАННЫХ МАРШРУТОВ В ХОРЕЗМСКОМ ОАЗИСЕ

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассказывается о происхождении первых грузоперевозчиков в Хорезме, формировании торговых отношений и древних караванных маршрутах.

Большая часть грузов, перевезенных в Хорезмскую область караванами в течение двадцатого века, создала уникальные караванные пути в этом регионе.

Ключевые слова. караван, торговые пути, верблюды, торговые отношения, караваные сараи, транспортные средства, таможня, мешки и кажавы.

Fazliddin B. Jumaniyozov,
Lecturer at the Department of Humanities and Social Sciences
of Urgench branch of Tashkent University
of Information Technologies named
after Muhammad Al-Khwarizmi

HISTORY OF THE FORMATION OF THE FIRST FREIGHT VEHICLES, TRADE RELATIONS AND CARAVAN ROUTES IN THE KHOREZM OASIS

ANNOTATION

This article describes the emergence of the first freight vehicles in the Khorezm oasis, the formation of trade relations, and the ancient caravan routes. Up to the 20th century most of the freight transported to the Khorezm region by caravans, and created unique caravan routes in the region.

Keywords. caravans, trade routes, a camel, trade-commerce deals, caravan sheds, vehicles, Custom House, sacks and kajava.

Like all other countries in the world, Uzbekistan has a history of the emergence, development and prosperity in the system of vehicles. Simple and ordinary tools have become more and more sophisticated over time. Evolutionary progress has evolved through migration and continuous movement of people. People have always been in search of something. They first learned how to collect and consume the bounties of nature, and then they learned how to grow and store it in their farmlands. Especially, after being domasticated such as horses, sheep, goats, and chickens,the chance for life survival were increased. Above all, shepherding and grazing them was necessary as a shepherd. As a result, paths and pathways were formed. The exchange of surplus goods and products caused needs for the market relations. Due to the expansion of these relations, new roads and countries were discovered, the vehicles were created to get to and from them.

Primitive people were mostly travelled on foot, donkeys and horses. Khorezmians, who lived along the river and emigrated to the Aral Sea, invented boats and ships.Many of them were fishermen and built and sheltered near the lake. The tent, which was found at the Jonbaskala Fortress, was home to 100-125 people there.(S.P. Tolstov). The small bones of animals and fish that have been discovered in the area indicate that people dwelt there by hunting. However, in the 4th millennium BC, during the new Neolithic stone, the Khorezmian people entered the primitive community. Living in the community, however, has made people feel more responsibility to adhere to certain rules and responsibilities who were once free and footloose as birds.

The Khorezmian land was uneven and rocky and initially the people used to go by the small paths. People who first loaded and dragged the baggage on their backs and shoulders, gradually have learned to load them on animals. Especially for long distances,

they are loaded on camels, horses, donkeys, and even on cattle.

The discovery of the wheel over time wasa great discovery in human history, it has made transport among locations closer, delivering the freight easier and lighter.

Load the freight on the Camel (Sack and Kajava)

From ancient times until the twentieth century, goods were transported mainly by commercial caravans. The word caravan is derived from the Arabic word Karivan, Persian Kirwan, and French Caravane, meaning travelers, traders, and haj pilgrims traveling to on lodged camels, horses and donkeys. In the water, however, it is said that caravan was the row of several ships sailing together. In some cases, caravans are also regarded as the flock of cranes flying in turn. In many cases special guards have been selected to protect the large caravans from the invaders, plunders and pirates. The guards moved and alternated between a certain distance. The caravans usually walked in the daytime and rested at night. There were caravanserais(a place for caravan stop) approximately 30-35 km. within one day's drive. The freight was transported almost by camels and horses, and as well as by donkeys. The camels with one or two humps were irreplacable as they could carry 350 to 400 kilograms (16 puds) of freight, and they could walk without thirst for a month[1]. According to the caravan records the number of camels sometimes reached up to 5,000[2].

The way in which caravans travel to different countries had different measurement units. For example, the Greeks - Stadiums, Persians - Persians, Parsang (6-7 km.), English - feet (30.4 cm.), Yards (91 cm.), America - miles (1507 m.), Nile (1852m.), Egyptian - wrist (45 cm.), in Central Asia - miles (about 1,006 km.), gas (71 cm), and width (25 cm.). one day (30-35 km), one month (350-400 km), Russian - verst (7.4 km), arshin (71 cm), sajen (3.1 m), vershok 4.5 cm), pad, inches (2.5 cm.), Kilometers (1000 meters), meters (100 cm.)[3].

The weight measures such as pood, batmon, kilograms, tonnes, centners, etc. were used in caravans, mainly for the merchants' goods. Although the units of measurement differ in different languages, the equivalents between them are clear to traders and merchants.

Mirkarim Osim's collection on the Caravan Road, an Uzbek thinker depicting the lives of ancient Central Asian people, was full of adventure. "Caravan of Khiva" by Russian writers Vladimir Burtovoy (Caravan of Khiva - M., 2004). An interesting adventure in the caravan journey of the merchant Daniil Rukavkin, who was sent to the Khiva khanate in 1753, during the emperor Elizabeth Petrovna (daughter of Peter 1), in the works of Russov (Rukavkin's Travel from Orenburg.The merchant from Samara. 1753 - St. Petesburg ,1840)

The Khorezmian people made big and tall carts - probably because of the unevenness of the roads and the stumps and distances, and these were mainly for horses. A small wheelchair is easy to pull on a flat and smooth road, but on rocky, and sandy places, such carts were a heavy burden. The camels and herds of oxen were added, as there were not enough horses and donkeys to attach to the carts.

Khiva wood carts (beginning of the 20th century

Thus, the ancient Khorezmian people began to communicate with the countries of the world by those routes and means of transport lifestock and entered the higher stages of civilization.

The development of trade relations played an important role in the growth of roads. Caravans passing through rocky, steppe and desert areas have moved slightly along smooth roads between cities and villages. The emergence of major roads, such as the "Silk Road", met the needs of peoples living thousands of miles away and strengthened the ties among them. The period requires the use of the ancestors' experience to restore the ancient ways.

The ancient caravan routes of the Khorezm oasis passed through very complex areas. There was in 1000 km to the north the hills of Ustyurt, 600 km to the west in and in the East there were vast deserts such as the Kyzylkum and Karakum. Moving through the waterway in the Aral and the Amu Darya was both difficult and dangerous. For this reason, caravans from the oasis had to walk for months and in extremely dangerous situations.

In the Middle Ages, in Khorezm there were cities such as Gurganj (Kuhna Urgench), Khiva, Kat, Hazorasp, Mizdahqon, Shemakhaqal'a, Zamakhshar, Ardakhushmisan, Puljoy, Bukhrokhon, Janpiqkala, Norinzhon, Shurakhon, Darghonata, Sadvar, Jigarband, Madniniya, Kardarandhos. - handicraft and trade were well developed. The household tools, ceramic and porcelain vessels and coins found in the archaeological research are evidence of this.

In works by the Arabian-Persian traveler, merchant, ambassador and historian of the IX-XIII centuries as Ibn Rusta, Al-Yaqubi, Al-Balazuri, Ibn-Hurdodbex, Ibn-Fadlan, Al-Maqdisi, Al-Istahri, Ibn Khawkal, As-Sa'alibi, Ibn al-Asir, Yakut Hamavi, Gardizi, Abdulfazl Bayhaqi we can find valuable information about the traders from Khorezm who sold their goods in distant countries.

Arab-Persian and European sources including tourist works such as Plano Carpini, Marco Polo, Francesco Balducci Pegoletti, Anthony Jenkinson, and some European maps (Francesco and Dominico Pitsigani, Fra-Mauro map, Catalonian Atlas), Arabian-Persian and Central Asian tourists , historians and scholars: Ibn Arabshah, Hamdullah Qazviniy, al-Baqawi, Nizamuddin Shami, Sharafiddin Ali Yazdi, Abdurazzaq Samarkand, Hafizi Abru, Khondamir are valuable sources that give information on trade routes and caravan routes in Khorezm. to live on.

The scientists, a Russian geographer, ethnographer, historian, painter, military topographer and tourist who had been trying to explore the Khiva khanate for various purposes since the 19th century, as Bulgakov, G. Baziner, G.I. Danilevsky, V.V. Grigorev, A.V. Kaulbars, A.L. Day, M.I. Ivanin, M.N. Galkin, N.W. Khanikov, AI. Levshin, P.I. Nebolsin, V.V. Velyaminov-Zernov, N.S. Nikitin, A.N. and local historians like Samoylovich created a number of rare scientific works[4].

Scientists from the Karakalpak branch of the Academy of Sciences of Uzbekistan also contributed to the consistent study of the history of trade in cities in Khorezm in the X and XV centuries. As a result of the establishment of the Archeology Department in the branch in 1958, the IAEA expanded the scope of the work carried out by members of the IAEE for many years. Karakalpak scientists began regular and extensive archaeological research, slightly independent of the IAEE members, who worked in the spring, summer, and fall.[5]

Academician S.P. Tolstov studied the ruins of the Buloq, Kosbulak, Belovli, Churuk and Uchkuduk caravanserai Tolstov emphasized that they were active in the tenth and eleventh centuries and played a role in their particular malls[6].

Professor of archeology Muhammadsharip Kdirniyozov made agreat contribution to the work of Khorezm on the issues of Euro-Asian trade relations and economic and cultural life of the Golden Horde. As a result of his research, it was scientifically proved that Khorezm played a significant role in trade relations through the Silk Road in the 13th and 14th centuries. In 1975-1978, 1981 Ustyurt caravan routes and monuments were set by the members of the expedition led by Y.P. Manilov tried to find out more[7].

It is known that caravans from Khorezm regularly visited China, India, Mongolia, the Middle East, Syria (Syria), Romania (Turkey), Iran, Iraq, Arabia, etc. The opening of markets in Russia along the Volga and Siberian regions had triggered a move by Central Asian traders. Some of these markets have established permanent locations and even permanent residences in the fast-growing cities as Astrakhan, Orenburg, Orsk and Tobolsk.

In the second half of the nineteenth century, almost all European researchers focused on Central Asia trade relations that was impossible to avoid, which was an important part of the country's life. In particular, an American writer Mac Gahan, who wrote a book about Turkestan occupied by Rusiia, British researchers G.Lansdell, G.L. Strange and the Dutch-orientalist de Guelar, also wrote about Khorezm shopping centers. In 1934 the ruins of Zamahshar, the largest medieval shopping center in Khorezm, were investigated by the archeological expedition headed by MV Vaevodsky[8]. In 1936-1937, a group of scientists led by Ya.G. Gulyamov studied the ruins of Guldursunqala and Norinzhankala[9]. The caravanserai buildings stood out among all ancient castles and fortifications,.

In the 20th century, camel caravans were replaced by the cars, railways, and steamers on the river. Although a large number of overloaded vehicles were rarely used in

Khorezm, there was an increase in the number of freight and people being transported to the region from the central area.

References:

[1] Kurbanova R. Islam's impact on trade, the emergence of intercity caravans, the Great Silk Road, and large caravans // based on the Encyclopedia of Society and Culture in the Medieval World // www.xorazmiy.uz.

[2] Makhmudov M. History of Uzbekistan. Materials for lectures and practical exercises. - Urgench, 2015 .-P.136.

[3]Vaktorskaya N.N. About the medieval cities of Khorezm // MHE, vol. 7. - M., 1963; Vyshnevskaya O.A. Archaeological intelligence in the medieval villages of the left-bank Khorezm // MHE, vol. 7. - M., 1963; Vorobyova M.G., Lapirov-Skoblo M.S., Nerazik E.E. Archaeological work in Khazarasp in 1958-1960 // ICE, vol. 6. - M., 1963.

[4] Kdrniyazov M.Sh. Material culture of Khorezm in the 13-14th centuries. .Nukus, Karakalpakistan., 1989. City Mezdakhan in Golden Ordan ages.Vestnik KKO AN UzR. Nukus 1999. #3 p. 101. About the agricultural nature of craft of the Mezdakhan people. ONU.1999#5-6.p 83. About the role of Kwarezm in the development of European trade in the 13-15th centuries. ONU, 2000. #1 p. 35-41. Kdrniyazov M.Sh. Bagautdinov R. New archeological data about the medieval Mezdakhane. ONU, 2001#3, p52-56

[5] Gudkova A.V., Yagodin V.N. Archaeological research in the right-bank part of the Amu Darya delta in 1958-1959 // MCE, vol. 6. - M., 1963; Yagodin V.N. Route archaeological research in the left-bank part of the Aral delta of the Amu Darya // MCE, vol. 7. - M., 1963 and others.

[6] Tolstov S.P. Khorezm archaeological and ethnographic expedition of the USSR Academy of Sciences in 1946 // IAN, vol. IV. - No. 2. - M., 1947. [5] Kdirniyazov M.Sh. The material culture of the cities of Khorezm in the XIII-XIV centuries. - Nukus: Karakalpakstan, 1989; Mizdakhkan settlement in the Golden Horde time. - Nukus, 1987: Workshops and wineries of the Zolotoordinsky Mizdakhkan // Bulletin of the KCO AN RUz. Nukus, 1999. - No. 3. - S. 101; About the agrarian nature of the industrial activity of the population of Mizdakhkan // ONU, 1999. - No. 5-6. - S. 83; On the role of Khorezm in Eurasian trade of the 13th-20th centuries // ONU, 2000, No. 1. - P. 35-41; Kdirniyazov M.-Sh., Bagauatdinov R. New archaeological data on medieval Mizdakhkan // ONU, 2001. - No. 3. - P. 52-56

[7] Manylov Yu.P. About the path of Ibn Fadlan from Khorezm through the Ustyurt Plateau // "Soviet Archeology" (Moscow), 1979. - No. 2; Him: Archaeological research of the caravanserais of Central Us turt // In collection: Archeology of the Aral Sea region. - Vol. 1. - T .: Fan, 1982.

[8] Voyevodsky M.A Summary Report of a Khwarizm Expedition. BAIIAA, 1938, No. 3

[9] Gulom J. Traces of marriage // "Gulistan", 1937, No. 4.

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Аббасов Беҳзод Бахтиёрович,
Наманган давлат университети
"Архившунослик" кафедраси ўқитувчиси

XX АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЎТКАЗИЛГАН АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ (янги ташкил этилган хўжаликлар мисолида)

For citation: *Behzod B. Abbasov. The policy of emigrating the population in Andijan region in the 50 s of the XX century (In the example of the newy estanlished families). 2019, vol. 25, issue 2, pp. 70-77*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-11

АННОТАЦИЯ

Мақолада Андижон вилоятида 1950-йилларнинг иккинчи ярмида ташкил қилинган колхоз ва ховхозларни ижтимоий-иқтисодий холати ва шу билан боғлиқ аҳолини кўчириш муаммолари ёритилган. Шунингдек Б. Аббасов томонидан янги ташкил қилинган хўжаликларда кўчирилганларни ижтимоий жойлаштириш муаммолари ҳам ўрганилган. Муаллиф томонидан Фарғона водийсида пахтачиликни ривожланишида минтақада аҳолини ички миграцсияси хисобига ривожланиши ўша даврдаги Республика рахбариятини ижтимоий-иқтисодий сиёсатини энг муҳим йўналишларидан бири хисобланганлиги ҳам кенг ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Андижон вилояти, кўчириш, кўчирилган аҳоли, колхоз, совхоз, пахтачилик, ижтимоий муаммолар, уйлар қурилиши, иқтисодий ривожланиш, ҳосилдорлик.

Аббасов Беҳзод Бахтиёрович,
преподаватель кафедры Архивоведения
Наманганского государственного университета

ПОЛИТИКА ПЕРЕСЕЛЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ В 50-ГОДУ XX ВЕКА (на основе новосозданных хозяйств)

АННОТАЦИЯ

В статье изучены проблемы переселения населения Андижанской области и социально-экономическое состояние новых колхозов и совхозов, которые были созданы в первой половине 1950-х годов. Б. Аббасовым также рассмотрены вопросы, которые были связаны с социальным устройством переселенцев и решением социальных проблем созданных новых хозяйств. Автором сделан важный вывод о том, что развитие хлопководства в Ферганской долине за счет внутреннего переселения населения региона стало одним из важных направлений социально-экономической политики руководства республики в указанный период.

Ключевые слова: Андижанская область, переселение, переселенцы, колхоз, совхоз, хлопководство, социальные проблемы, строительство домов, экономическое развитие, урожайность.

Behzod B. Abbasov
Lecturer, Department of Archival Studies,
Namangan State University

THE POLICY OF EMIGRATING THE POPULATION IN ANDIJAN REGION IN THE 50TH OF THE XX CENTURY (in the example of the newy estanlished families)

ANNOTATION

The article studies the problems of resettlement of the population of Andijan oblast and the socio-economic status of the new collective and state farms that were established in the first half of the 1950s. B. Abbasov also has analyzed issues that were related with the social structure of the settlers and the solution of social problems of the new farms. The author made an important conclusion that the development of cotton production in the Ferghana Valley due to the internal resettlement of the region's population has become one of the important directions of socio-economic policy of the republic's government in this period.

Key words. Andijan oblast, resettlement, resettlers, kolkhoz, sovkhoz, cotton growing, social problems, construction of houses, economic development, productivity of land.

XX асрнинг 40- йиллари иккинчи ярми - 50- йиллар бошларидан СССР миқёсида амалга оширилган кўчириш сиёсати совет ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, ушбу сиёсат Ўзбекистон, жумладан, Фарғона водийси вилоятлари қишлоқларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, жумладан, пахта етиштиришни оширишга, шунингдек, аҳолининг ижтимоий мобиллигини фаоллаштиришга сабаб бўлди.

Мазкур даврда кўчириш сиёсати Андижон вилояти аҳолисининг турмушидаги муҳим иқтисодий-ижтимоий тадбир сифатида ўрин эгаллаган. Шу билан бирга, янги ташкил қилинган хўжаликларнинг фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг иқтисодий ривожланиши ва меҳнат самарадорлигини ошириш масалалари муҳим аҳамият касб этган.

Ушбу жараённинг кечишини вилоятдаги айрим бир колхозларнинг иқтисодий кўрсаткичлари мисолида таҳлил қилинганда, вилоятда янги ташкил қилинган колхозларнинг ривожланиши ҳамда аҳоли турмушидаги юз берган айрим

ўзгаришларни яққол кўриш мумкин. Жумладан, Халдиванбек районининг "Косигин" номидаги колхоз фаолиятини ўрганиб чиқадиган бўлсак, ушбу колхоз фақат кўчирилган аҳоли ҳисобига 1949 йилда ташкил қилинган бўлиб, лекин бу ерга аҳолини кўчириш 1950 йилда бошланган. Ушбу йилда 57 та хўжалик кўчирилган бўлиб, уларнинг орасидаги меҳнатга лаёқатли одамлар 118 тани ташкил қилган. Косигин номидаги колхозга аҳолини кўчириш то 1955 йилгача давом этиб, 1951 йилда 22 та, 1952 йилда 15 та, 1953 йилда 33 та, 1954 йилда 29 та, 1955 йилда эса 26 та, ушбу йиллар давомида жами 182 та оила кўчирилган бўлиб, улардан 372 та киши меҳнатга лаёқатли бўлган. Лекин, маълум бир ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги, шунингдек яшаш шароитининг қониқарсиз бўлганлиги натижасида ушбу йиллар давомида кўчиб келган хўжаликлардан 48 та хўжалик ўз қишлоқларига қайтиб кетган [1,Б.168].

Таҳлил қилинаётган йиллар давомида колхозга 1950 йилда 226 га, 1951 йилда 224 га, 1952 йилда 201 га, 1953 йилда 195 га, 1954 йилда 379 га, 1955 йилда эса 275 га, ҳаммаси бўлиб 1500 га ер ажратилган. Экин майдонларида 1950 йилда 104 га экин майдонида фақат шоли экилган бўлган, кейинги йилларда пахта ҳам етиштирилган. Масалан, агар 1950 йилда 104 га жойда шоли экилган бўлиб, 1955 йилда ушбу экин тури учун ажратилган ер майдони тобора камайтирилиб, 74 гани ташкил қилди. Лекин, пахта етиштириш учун ажратилган экин майдони муттасил кўпайиб борди ва буни қуйидаги фактларда кўриш мумкин. 1951 йилда пахта экин майдони 25 га бўлса, 1955 йилда бу кўрсаткич 110 га ташкил қилиб, қарийб 4,5 марта оширилган ва шу йиллар давомида 275 га ер майдонида ушбу техник қишлоқ хўжалик тури етиштирилди [2,Б.166] .

Агар ушбу колхознинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич қониқарсиз эди, чунки пахта ва шоли етиштиришдаги ҳосилдорлик нисбатан паст бўлган. Масалан, пахтадан ҳар гектардан 6,3 центнер, шоли етиштиришдаги кўрсаткич эса 5,03 центнерни ташкил қилди. Шунингдек, колхозчилар томонидан давлатга 1450 центнер гўшт ҳам топширилди. Лекин 1950-1955 йиллар давомида колхоз учун ажратилган капитал маблағ ҳаммаси бўлиб 2 459 205 минг рублни ташкил қилган [2,Б.166].

Кўчирилган колхозчиларнинг ижтимоий муаммоларини ечиш учун республика раҳбарияти томонидан 967 804 минг рубль ажратилган бўлиб, 1950-1954 йиллар давомида 96 та уй қуриб берилган [3,Б.166] . Лекин, юқорида таъкидлаганидек, "Косигин" колхозига кўчиб келтирилган оилаларнинг сони ҳаммаси бўлиб 182 та оилани ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, уй - жой билан таъминлаш муаммосининг тўла ечилмаганлиги (тахминан кўчиб келган оилаларни уй-жой билан таъминлаш плани тахминан 50% дан ҳам кам бажарилган) катта қийинчиликлар туғдирган, натижада уларнинг бир қисми колхозни тарк этган бўлса, уй билан таъминланмаган қисми эса маълум бири муддат ертўлаларда яшашга мажбур бўлган.

Шунингдек 1950-1955 йиллар давомида колхозда 75 та сигирни боқишга мўлжалланган молхона, пахта қуритиш бинолари, клуб, омборхона бинолари шунингдек клуб қурилиб, ишга туширилган [3,Б.167]. Лекин, мактаб, касалхона ёки амбулатория каби жуда муҳим бўлган ижтимоий объектларнинг қурилмаганлиги, албатта ушбу колхозда ижтимоий муммоларнинг ечилмаганлигидан далолат беради.

Андижан вилоятининг бошқа, яъни Ленин районидаги "Комсомол" колхозида олиб борилган аҳолини кўчириш жараёнини таҳлил қиадиган бўлсак, Халдиванбек

районининг "Косигин" колхозидаги каби муаммолар борлигини кўриш мумкин. Мазкур колхоз 1954 йилда Бўз районида ташкил қилинган бўлиб, унга 1954 йилда 578 га, 1955 йилда эса 571 га экин ер майдони ажратилган. 1954 йилда бу колхозга 80 та хўжалик (улардан 165 та одам меҳнатга лаёқатли бўлган), 1955 йилда эса 39 та оила (меҳнатга лаёқатлиси 82 та одамни ташкил қилган), ҳаммаси бўлиб икки йил давомида 119 та оила кўчирилди ва уларнинг 347 таси меҳнатга лаёқатли эди [4, Б.169].

Агар кўчирилган аҳолининг ижтимоий масалаларининг ҳал қилинишини таҳлил қилинса, кўчирлиган аҳоли учун 1954 йилда 29 та, 1955 йилда эса 28 та шифер билан ёпилган типовой уйлар қурилган. Шунингдек, хўжалик усули билан икки йил давомида 40 та уй қурилди. Ушбу колхозда ҳам кўчип келган аҳолининг бир қисми уй-жой билан таъминланмагани учун ертўлаларда яшашга мажбур бўлган. Таъкидлаш жоизки, уй-жой қурилиши билан боғлиқ пул харажатларининг бир қисми, яъни 1120 минг рубль аввал ташкил қилинган, ўзига тўқ колхозлардан олинган [4,Б.169] .

Андижон вилояти Избоскан районида "Сталин йўли" колхозининг ташкил қилиниши ва унга аҳолининг кўчирилиш жараёни, шунингдек, унинг фаолиятини қуйидаги фактлар таҳлили асосида кўриб чиқиш мумкин: Масалан, мазкур колхоз янги суғориладиган ерларнинг "Ўрмонбек" массивида 1953 йилда ташкил қилинган. Шу йилнинг ўзида ушбу колхозга 67 та оила кўчиб келган, улардан 138 таси меҳнатга лаёқатли эди. Кейинги йилда эса кўчириб келтирилган хўжаликларнинг сони анча кам бўлиб, 29 та эди ва меҳнатга лаёқатлилари 61 та одам бўлган. 1955 йилда эса 24 та оила кўчиб келиб, улардан меҳнатга лаёқатлиси 52 та бўлиб, уч йил давомида кўчиб келганларнинг сони 120 тани ташкил қилган эди [5,Б.171].

Колхозга уч йил давомида давлат томонидан 1351 га ер майдони ажратилиб, ундан 871 га ер экин майдонини ташкил қилган. 1954 йилда 50 га ва 1955 йилда эса 200 га, жами икки йилда 250 га экин майдонида пахта етиштирилган бўлиб, пахта ҳосили биринчи йилда 13 центнер, иккинчи йилда эса 10 центнерни ташкил қилди ва икки йил давомида 122 тонна пахта давлатга топширилган.

Кўчиб келган аҳоли учун 1953 йилда 20 та уй хўжалик усули асосида (колхозчиларнинг ўзлари томонидан) қурилган уйлар (ушбу йилда 67та оила кўчиб келган), 1954 ва 1955 йилларда эса 34 та ва 14 та шифер билан ёпилган типовой уйлар ушбу усулда қуриб топширилган. Шунингдек, ушбу икки йил давомида колхозчиларнинг ўзлари томонидан 14 та ва 11 та уй-жой қурилган. Мазкур йилларда кўчиб келганлар оилалар сони эса 29 та ва 24 та бўлган [6,Б.171-172] .

Кўчириш сиёсатининг амалга оширилиши, янги колхозларнинг ташкил топиши ва уларнинг самарадорлиги, шунингдек, у ердаги одамларнинг ижтимоий муаммолари билан боғлиқ масалаларни бошқа бир, яъни "Ўрмонбек" массивида 1950 йилда ташкил қилиган Маленков номидаги колхоз мисолида ҳам кўриб чиқамиз. Мазкур колхозга 1950-1955 йилларда 286 та оила кўчирилган бўлиб, улардан 638 та киши меҳнатга лаёқатли бўлишган. Лекин, ушбу кўчирилган оилалардан 207 таси муқим яшаб қолишган, қолганлари эса ўз қишлоқларига яна қайтиб кетган. Маленков номидаги колхоз ташкил қилинган дастлабки йилда 57 га ер майдонига пахта экилиб, 68 (ҳосилдорлик 11 гадан юқори) тонна ҳосил олинди. Хўжалик томонидан 1950-1955 йиллар давомида давлатга ҳаммаси бўлиб 1152,8 тонна пахта, 6,474 центнер гўшт, 14,693 кг шоли топширилган [7,Б.172] .

1949-1955 йиллар давомида ушбу хўжаликда (у 1950 йилда ташкил қилинганига

қарамай, бу ерда уй-жой қурилиш ишлари 1949 йилда бошланган) ҳаммаси бўлиб 218 та уй қурилди, лекин кўчиб келган оилаларнинг сони эса 286 тани ташкил қилганлиги, шунингдек, бошқа ижтимоий муаммоларнинг ечилмаганлиги сабабли уларнинг бир қисми янги колхозни тарк этган.

Демак, юқорида зикр қилинган колхозлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларининг таҳлили мисолида ҳам шу нарса аён бўлдики, ижтимоий муаммолар, яъни кўчирилган оилаларнинг уй-жой билан ўз вақтида таъминланмаганлиги, ижтимоий аҳамиятга молик объектлар (мактаб, клуб, амбулатория ва ҳ.к.)нинг йўқлиги умумий ҳодиса бўлиб, кўчириш сиёсати ва янги ерларни ўзлаштириш жараёнидаги энг катта муаммолардан бири эди.

Таъкидлаш жоизки, фақат кўчирилган хўжаликлардан ташкил қилинган колхозларга ҳукумат томонидан имтиёзлар берилган. Бундай имтиёзлардан бири бу - улар давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини уч йил давомида топширишдан озод қилинган. Лекин, колхоз аҳолиси орасида кўчириб келинган оилалар камчиликни ташкил қилган бўлса, бундай хўжаликлар бу каби имтиёзларга эга бўлмаган. Аммо, баъзи ҳолларда республика раҳбарияти томонидан истисно сифатида айрим колхозларга, агар уларда кўчирилган хўжаликлар мавжуд бўлса, яъни асосан, улардан ташкил топмаган бўлса ҳам баъзи имтиёзлар ҳам берилган. Масалан, Сталин районининг Хрущев, Маленков ва Булганин номларидаги колхозларга уч йил давомида сут топширишдан ташқари бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга топширишдан озод қилинган [8,Б.164] .

Умуман олганда, Андижон вилоятининг 1950 йилларнинг биринчи ярмида янги суғориш ерларида ташкил қилинган, яъни юқорида фаолияти таҳлил қилинган колхозларнинг фаолияти юзасидан баъзи бир умумий хулосалар чиқарадиган бўлсак, улар қуйидагидан иборат эди: ушбу колхозларга ҳаммаси бўлиб 695 та оила (ўз қишлоқларига яна қайтиб кетган хўжаликлар бундан мустасно) кўчирилган бўлиб, улардан 1440 таси меҳнатга лаёқатли бўлган. Ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларининг ўсиши 701 гани ташкил қилди, 33254 центнер пахта йиғиб олиниб, давлатга топширилди. 298 та типовой уйлар ҳукумат томонидан, 345 та уй-жой эса колхозчиларнинг ўзлари томонидан қурилди. Шунингдек, 3 та молхона, 1 та клуб, 6 та омборхона бинолари, 3 та магазин ва 6та пахтани қуритиш бинолари қуриб ишга туширилди [9,Б.173] .

Андижон вилояти Андижон райони Отчопар массивида ташкил қилинган "Янги ҳаёт" колхозидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлили қуйидаги фактларда яққол намоён бўлди: 1954 йилда 61 та оила кўчиб келган бўлса, уларнинг 57 таси уй билан таъминланган, 52 тасида сигир бўлган. 1955 йилда эса ушбу колхозга атиги 7 та оила кўчирилди ва уларнинг барчаси уй-жой билан таъминланди. Колхозга 1954 йилда 456 га, 1955 йилда эса 492 га ер майдони ажратилди. 1955 йилда 376 га ерга пахта экилган ва ҳосилдорлик анча юқори яъни ҳар гектар ердан 25,7 центнерни ташкил қилган. Янги ташкил қилинган колхозга кўчирилган оилалар ўзларининг кўчаётган колхозидан ижтимоий ёрдам сифатида 1954 йилда 19 та иш ҳайвони ва 335 485 рубль олган [10,Б.189] .

Мазкур ҳўжалик иқтисодий-ижтимоий ривожланишини Бўз райони "Киров" колхози ҳудудида ташкил қилинган Ленин райони "Комсомол" колхози натижалари билан солиштириб кўрадиган бўлсак, унинг натижалари ҳам ёмон бўлмаган. 1954 йилда ушбу янги ташкил қилинган колхозга 80 та, 1955 йилда эса 39 та оила кўчирилган. 1955 йилда 100 га ерга пахта экилган ва колхозчилар ҳар гадан 13,35 центнердан ҳосил олган. Колхозчилар 1954 йилда ҳар бир иш куни учун 1,7

граммдан дон ва 2,5 рублдан пул олган бўлса, 1955 йилда эса ушбу кўрсаткич қуйидагича бўлган: 2 грамм дон ва 5 рубль пул даромад қилган. Мазкур колхозга кўчирилган оилалар ўзларининг кўчаётган колхозидан ижтимоий ёрдам сифатида 1954 йилда "Янги ҳаёт" колхозига нисбатан анча кўп, яъни 52 та иш ҳайвони ва 1 миллион 71 минг рубль олган [11,Б.191] . Албатта, берилган ушбу ёрдамнинг кўплиги биринчи навбатда, Комсомол колхозининг "Янги ҳаёт" колхозига нисбатан анча бой хўжалик бўлганидан далолат беради.

Андижон вилоятида аҳолини янги ўзлаштирилган ерларга кўчириш жараёнидаги айрим жиҳатларининг таҳлили, шунингдек, уни амалга оширишда объектив ва субъектив тўсиқлар мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин. Бу каби қийинчиликлар биринчи навбатда, иқтисодий ва инсон омили билан боғлиқ бўлган. Масалан, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1955 йил 28 январдаги 75-қарори асосида Андижон вилоятида аҳолини ички кўчириш планига кўра, 700 та оила колхозга ва 165 та хўжалик эса совхозларга кўчирилиши лозим эди [12,Б.192] . Республика ҳукуматининг юқорида қайд қилинган қарори асосида вилоят партия комитети 1955 йил 2 февралда кўчириш планини тасдиқлаб, уни районларга, улар эса ўз навбатида колхоз ва совхозларга жўнатган.

Мазкур йилнинг январида кўчириладиган аҳолини танлаш юзасидан районлар инспекторлари ва янги тузилган колхозларнинг вакиллари билан биргаликда инструктив мажлис чақирилди. Шунингдек, ушбу масала бўйича семинар ҳам ташкил қилиниб, унда вилоят ижроий комитети раисининг ўринбосари Егоров иштирок этди.

Район ва колхозларда аҳоли учун янги ташкил қилинган хўжаликларда бериладиган имтиёзлар ва кўчириладиган оилаларни танлаш масаласи бўйича янги колхозларнинг 34та, шунингдек район ижроий комитетлари, район партия комитетлари ҳамда район ва вилоят комсомол комитетлари вакиллари иштирокида оммавий ташвиқот ишлари олиб борилди. Шунингдек, Бўз райони партия комитетидан 2 та райком инструктори ҳамда ижроий комитетининг маъсул ходимлари ажратилган ҳамда "Имтиёзлар ҳақида" номли плакат тарқатилган [12, Б.192] .

Кўчириш жараёни вилоят ва район газеталарида кенг ёритиб борилган, шунингдек, ушбу мақсадда радиоэшиттиришлардан ҳам фойдаланилган. Шунингдек, кўчиб борган колхозчилар ўз қишлоқларида қолган қариндошларини янги ташкил қилинган колхозларга таклиф қилиб, уларга ўзлари учун яратилган шароит ва имтиёзлар ҳақида гапириб бериш ва уларни кўчишга кўндириш усуллари ҳам қўлланилган.

Аҳолини кўчириш планини бажариш жараёнида айрим колхоз раҳбарлари томонидан тўсиқлар қўйилган. Улар бажарилиши лозим бўлган план бўлишига қарамасдан, кўчадиган аҳолини беришни хоҳламаган ёки кўчиш учун меҳнатга қобилиятли колхозчиларни эмас, балки учраган одамларни танлаб олган.

Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари Олтинкўл райони Тельман номидаги колхоз раиси Юлдашев, Андижон райони "Ярбоши" қишлоқ советига қарашли Сталин номидаги колхоз раҳбари Бакиров ва бошқалар томонидан йўл қўйилган. Ушбу раҳбарлар томонидан йўл қўйилган қаршиликларни бартараф қилиш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси Ш.Р. Рашидов номига хат жўнатилгандан сўнг, шунингдек, вилоят ижрои комитети ва вилоят партия комитети раҳбарларининг аралашуви натижасида бу камчиликлар тузатилган [13,Б.193] .

Шуниндек, аҳолини кўчириш ишларига комсомол ташкилотлари ҳам катта ёрдам кўрсатган. Кўчирилган аҳоли ижтимоий таркибининг сифатини яхшилаш ва янги ташкил қилинган колхозларда партия ҳамда комсомол қатламини кучайтириш мақсадида Андижон вилояти партия комитети томонидан 100 та партия аъзоси ва 225 та комсомол аъзоси бўлган оилаларни кўчириш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Кўчириш жараёни 1955 йил январда бошланган, лекин йўлларнинг мавжуд эмаслиги, февралда сурункали ёмғирларнинг ёғиши натижасида фақат майда тугалланган ва мазкур йилда қуйидаги натижаларга эришилган: План бўйича 700 та оила кўчирилиши лозим эди, лекин 833 та оила кўчирилиб, топшириқ 119% га бажарилган. Кўчирилган оилалар 3706 кишидан иборат, улардан 1882 таси меҳнатга лаёқатли бўлган [13,Б.193] .

Кўчирилган 833 та оиладан 477 та хўжалик районлараро кўчиришга жалб қилинган бўлса, ички кўчириш, яъни районларнинг ўз ҳудудларидаги кўчириш эса 356 та оилани ташкил қилган. Кўчирилганларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллиги қуйидаги омилларда ўз тасдиғини топган: кўчирилган ҳар бир оила ўртача 4,2та аъзодан иборат бўлиб, уларнинг 2,2 таси меҳнатга лаёқатли бўлган. Трактористлар сони 23 та, ўз қорамолларига эга бўлган хўжаликлар эса 84 та эди. 197 та хўжаликка эса кредит берилган. Шунингдек, жами кўчирилган хўжаликлар орасида 23 та партия аъзоси ва 75 та комсомол аъзоларидан иборат оилалар бор эди [14,Б.194] .

1955 йил совхозларга кўчириш режасида 165та оила бўлган, лекин республика Совхозлар Министрлигининг 1955 йил 24 июлдаги қарори асосида ушбу план 30 тага туширилиб, 135та хўжаликнинг кўчирилиши белгилаб берилди ва ушбу топшириқ 100% бажарилган.

Кўчирилган барча 833 та хўжалик уй-жой ва томорқа билан таъминланган, 684 та оилага эса озиқ-овқат ссудаси берилган. Андижон, Балиқчи ва Олтинкўл районларининг айрим колхозлари муҳтож бўлмаганликлари сабабли озиқ-овқат ссудасидан воз кечган. Янги колхозларга кўчирилган 833 та хўжаликларга кўчириш билетлари топширилган. Кўчирилган оилаларга ҳаммаси бўлиб 442,6 минг рубль ёрдам пули берилди. Лекин, 21 та оила эса колхозлар томонидан аҳолининг кўчирилиши планида йўқ районлардан таклиф қилинганликлари сабабли ёрдам пули олмаган эди [14,Б.194] .

Янги ташкил қилинган совхозларда 135та хўжаликка 71,3 минг рубль ёрдам пули ажратилди. Шунингдек, совхозлардаги барча 135 та хўжалик квартира ва томорқа ерлари билан таъминланди ҳамда уларга озиқ-овқат ссудаси берилди.

Шундай қилиб, юқорида таҳлил қилинган фактлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин: Андижон вилоятида 1950 йилларнинг биринчи ярмида ўтказилган аҳолини кўчириш сиёсати нафақат вилоятда, балки Фарғона водийси ва Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бири бўлиб, мазкур жараён вилоятнинг қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачиликни янада ривожлантириш учун йўналтирилган эди. Шу билан бирга ушбу жараён одамларнинг ижтимоий муаммоларини ечиш ва аҳолининг ижтимоий мобиллигини фаоллаштиришга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим қисмларидан бири бўлди.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 168 - варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 168 pages.)
2. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 166 - варақ (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 166 pages.)
3. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 167- варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 167 pages.)
4. Ўз МА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 169- варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 169 pages).
5. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 171- варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 171 pages).
6. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 171-172 вв. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 171-172 pages).
7. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 172- варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 172 pages).
8. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 164- варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 164 pages).
9. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 173- варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 173 pages).
10. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 189- варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 189 pages).
11. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 191- варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 191 pages).
12. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 192- варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 192 pages).
13. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 193- варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 193 pages).
14. ЎзМА. 2347-жамғарма, 1-рўйхат, 30-иш, 194-варақ. (National Archives of Uzbekistan. 2347 Fund, List 1, Works 30, 194 pages).

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Ёрматов Фахриддин Жайловович,
Термиз давлат университети,
Жаҳон тарихи кафедрасикатта ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ

For citation: *Fakhriddin J.Yormatov. Social protection of population in the southern regions of Uzbekistan in the years of independence. 2019, vol. 25, issue 2, pp. 78-84*

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-25-12

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақоладамустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилган ижобий ишлар ҳамда бу борадаэришилган ютуқларҳақида кенг қамровли маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Сурхондарё, Қашқадарё, Ижтимоий ҳимоя, Қарши, Термиз, Шаҳрисабз, Шеробод, Денов, Нуроний, эҳтиёжманд, моддий ёрдам, нафақахўрлар, муҳтожлар, ногиронлар, кўп болали оилалар.

Ярматов Фахриддин Джойлович,
кандидат исторических наук,
старший преподаватель кафедры Мировой истории,
Термезского государственного университета

СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА НАСЕЛЕНИЯ В ЮЖНЫХ РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье представлен всеобъемлющий обзор позитивной работы, проведенной в южных областях Узбекистана за годы независимости, и достижений, достигнутых в этой области.

Ключевые слова: Сурхандарья, Кашкадарья, Социальная защита, Карши, Термез Шахрисабз, Шерабад, Денов, Нурани, Потребности, Материальная помощь, Пенсионеры, Потребности, Инвалиды, Семьи с несколькими.

Fakhriddin J.Yormatov,
candidate of historical sciences,
senior lecturer of the Department of World History,
Termez State University

SOCIAL PROTECTION OF POPULATION IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

ANNOTATION

This article provides a comprehensive overview on the positive work carried out in the southern provinces of Uzbekistan during the years of independence and the achievements made in this area.

Key words: Surkhandarya, Kashkadarya, Social Protection, Karshi, TermezShahrisabz, Sherabad, Denov, Nuroniy, Needs, Material Assistance, Retirees, Needs, Disabled People, Families with Multiple Children.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган энг муҳим тарихий аҳамиятга молик ишлардан бири аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва фаровонлигини таъминлаш борасида қилинган ишлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу масалага алоҳида тўхталиб, "Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳалқимиз томонидан қўллаб қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда [1,Б.2]", - деган эди.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидамустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий аҳвол, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашдаги ҳолати ўта мураккаб эди.

Шунинг учун ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эълон қилинди. Мазкур йўналишнинг мақсади, аввало, инсон манфаати, унинг тўлақонли равишда қондирилишига йўналтирилди. Кучли ижтимоий сиёсат, ижтимоий соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, инсон омилини тўла намоён қилиш, аҳоли учун муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш мамлакат раҳбариятининг стратегик вазифасига айланди.

Аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялаш, ногиронлар, пенсионерлар, ёлғиз қариялар, ёш болали аёлларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шубҳасиз, ўз натижасини кўрсата бошлади.

Республикада мустақилликнинг ўтган даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асосан уч йўналишда амалга оширилди:

Биринчидан, нарх-навонинг эркинлаштирилиши, мулкнинг қадрсизланиши юзага келди. Бундай шароитда аҳоли даромадларининг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам ошириб борилди.

Иккинчидан, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ - овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўйича кўрилган чора-тадбирлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаб турди.

Учинчидан, нафақахўрлар, ногиронлар, муҳтожлар, кўп болали оилалар ва

кам даромадли оилалар, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича чоралар кўрилди.

Бундай ижтимоий сиёсат Ўзбекистон Республикасида ягона концепция, илмий жиҳатдан пухта ишланган режа асосида амалга оширилди. Аммо мамлакатнинг барча ҳудудий бирликлари ўзининг хусусиятлари, фарқли жиҳатларига эга эди. Умуммамлакат миқёсидаги стратегик мақсадга эришишнинг ўзига хос йўллари, усуллари бўлиб, уларни локаль равишда илмий жиҳатдан таҳлил этиш жуда муҳим аҳамият касб этарди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятларида - Сурхондарё ва Қашқадарёда ҳам ўзига хос тарзда амалга оширилди. Умуман, таъкидлаш лозимки, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари 49,7 минг квадрат километр ер майдонига эга бўлиб, бу мамлакат ҳудудининг 11 фоизини ташкил этарди. Ҳар икки вилоят аҳолисининг сони 4 млн кишидан кўпроқ бўлиб, бу Ўзбекистон барча аҳолисининг 15, 2 фоизига тенг эди[2,Б.123-151].Қарияларнинг, ёлғиз, кам таъминланган нафақахўрларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муайян ишлар амалга оширилди[3,Б.120].

1991 йилнинг охирида республика бўйича 30573 нафар ёлғиз қариялар бўлган бўлса, уларнинг 1861 нафари Сурхондарё, 1717 нафари Қашқадарё вилоятида истиқомат қилган[4,Б.120].

1994 йилда Қашқадарё вилоятида уруш фахрийларига, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига, уруш йилларида фронт орқасидаги меҳнатчиларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус ҳисоб-рақами очилди. Моддий ёрдам кўрсатишда асосий шартлар сифатида қатъий равишда тенглик, адолат, кенг ошкораликка амал қилиш белгиланди[5,Б.241].

1998 йилда Сурхондарё вилояти "Нуроний" жамғармаси ходимлари томонидан38 та ногиронлар аравачалари, 35 та эшитиш аппаратлари ҳамда 764 та таянч воситалари ўз эгаларига етказилди. Шу йилнинг ўзида 92 нафар ногирон фахрийлар "Семашко", "Сурхон" каби сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тикладилар.Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги "Саховат" уйида 2006 йилда 158 нафар қариялар, меҳнат ва уруш фахрийлари ва I - II гуруҳ ногиронлари истиқомат қилдилар. Муборак газни қайта ишлаш заводи раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан "Саҳоват" уйи учун 160 кишига мўлжалланган ҳаммом ва янги спорт мажмуасининг қурилиб, ишга туширилиши катта воқеа бўлди [6,Б.12].

Қашқадарё вилоятида 90-йиллар бошларида ун, макарон маҳсулотлари, гуруч, ўсимлик мойи, чой, шакар-қанд, тухум, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, кир совун, ип-газлама матоларни сотишда чекланган нархлар белгиланди ва кучли муҳтож аҳолига уни имтиёзли нархларда сотиш йўллари ишлаб чиқилди [7,Б.43].

1994 йилги маълумотларга кўра Қашқадарё вилоятида жами 13715 нафар пенсионер бўлиб, уларнинг 8615 нафари ёши бўйича, 3275 нафари ногиронлиги туфайли, 1825 нафари эса ўз боқувчисини йўқотганлиги асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож эдилар. Сурхондарё вилоятида эса бу рақам юқоридагига мос равишда 10667; 7416; 1989; 1262 нафарни ташкил этарди[8,Б.2]. Сурхондарё вилоятида касаначиликни ташкил этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, 2006 йилда жами 975 та, шунингдек, аёллар учун 671 та янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилди.

2007-2008 йилларда Сурхондарё вилоятида 644 та ёш оила уй-жой сотиб олиш ва қуришга имтиёзли кредит сўраб мурожаат қилган. Уларнинг хужжатлари ишчи гуруҳлари томонидан ўрганилиб 471 та ёш оилага имтиёзли кредитлар берилди. Шулардан 61 нафарига "Ипотека банк" вилоят бошқаруви томонидан 963 миллион

102 минг сўм миқдорида кредит ажратилди[9,Б. 3].

2009 йилда Сурхондарё вилоятида 220 нафар ёш оилага истеъмол кредитлари ва 1669 та ёш оилага микрокредитлар берилди. Уларнинг умумий миқдори 4,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бундан ташқари вилоят бўйича ҳомийлик кўмаги ҳисобидан камтаъминланган 759 та ёш оилага 979 миллион сўмлик бепул қорамол берилди. Шунингдек, давлат тижорат банклар ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига 1465 нафар ёш оилага қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилди[10, Б.2]. Касаба уюшмалари томонидан тузилган жамоа шартномаларига асосан 58 нафар ёш ногирон ва 127 нафар эҳтиёжмандга 57 млн сўмлик меҳр-мурувват ёрдамлари кўрсатилди[11, Б.2]. Шунингдек, Қашқадарё вилоятида боласини 2 ёшгача парвариш қилаётган оналарга 54 млрд сўм, 18 ёшгача фарзанди бор оилаларга 51 млрд ҳамда кам таъминланган оилаларга 4,3 млрд. сўмлик моддий ёрдам ажратиш белгиланди[12, Б.3].

Қашқадарё вилоятида 2006 йили 75, 1 минг ўқувчи қишки кийим, ҳар бир тумандаги 150 оилага биттадан қорамол берилди, 25 нафар ёлғиз кексалар уйлари таъмирланди, 12219 та кам таъминланган оилалар, шунингдек 2100 нафар ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди [13, Б.3].

Қашқадарёда аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Қарши шаҳрида "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" нинг ўтказилиши мунтазам тус олди. Хусусан, 2008 йилнинг бошида ўтказилган шундай ярмаркада 78 та корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирок этдилар. Талабгорларга 330 та бўш иш ўринлари таклиф қилинди. Ярмарка давомида шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказ ходимлари 142 нафар фуқароларнинг ишга жойлашиш ҳақидаги меҳнат шартномасини рўйхатга олдилар[14, Б.3].

Сурхондарё вилоятида эса 2080 нафар муҳтожларга қўшимча моддий ёрдам кўрсатилди, 14 ёлғиз кекса фуқароларнинг уйлари таъмирлаб берилди[15, Б.7].

2017йилда меҳнатга лаёқати чекланган 972 нафар ногирон аёлга касаначилик билан шуғулланиш учун тикув машиналари олиб берилиб, улар учун доимий даромад манбаи яратилди.

Юртимизда ёшларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, "Фарзандларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда", [16, Б.14] деган эди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ёшларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялашни бундан буён ҳам давом эттириш ҳақида гапириб, " Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз" [17, Б.14].

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади [18, Б.13].

2016 йилда 10 миллионга яқин болалар тиббий кўрикдан ўтиб

соғломлаштирилди. Жумладан республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсони бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди.Бунинг учун 21 миллиард сўм сарфланди[19, Б.13].

Термиз Давлат Университетида ҳам замонавий ўқув бинолари, талабалар турар жойлари, спорт иншоотлари бунёд этилиб,етарли шарт-шароитлар билан тўлиқ таъминланмоқда.2019 йил 8 ноябрь куни 400 ўринли талабалар турар жойи ва замонавий стадионнинг очилиши ҳам ёшларга бўлган юксак эътиборнамунаси бўлди[20, Б.1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб, "Ўтган беш йилда Сурхондарё вилоятида бюджет маблағлари ҳисобидан 1минг 570 километр сув тармоғи ва 210 та қудуқ барпо этилди, 91 та қудуқ реконструкция қилинди. Бунинг натижасида 620 мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланиб, вилоятда бу борадаги кўрсаткич 67 фоизга етказилди,[21, Б.290-291]."деб алоҳида таъкидлади .

Қашқадарё вилоятида эса охирги беш йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 822 километр сув тармоқлари янгитдан қурилди ва реконструкция қилинди. Бунинг натижасида 200 мингдан зиёд аҳолининг марказлашган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминланиши яхшиланди[22, Б.324]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш бўйича бажарилган ижобий ишлар ва унинг аҳамияти хусусида фикр билдириб, "Вилоятда қабул қилинган йиллик иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари асосида кейинги беш йилда 376 мингта янги иш ўрни яратилгани шу муҳим масалани ечиш йўлидаги катта амалий қадамдир. Ана шу чора-тадбирлар туфайли аҳолининг турмуш даражаси ва сифати тобора юксалиб бормоқда," деган эди [23, Б.282].

Кам таъминланган, уй-жойга муҳтож 1200 дан ортиқ ногирон фуқароларга арзон уй-жой ажратиш бўйича шартномалар имзоланиб,бошланғич тўловлар учун 22 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди[24, Б.2]. Бундан ташқари 2017 йилда қишлоқ жойларида янги намунавий лойиҳалар асосида 24 мингта , шаҳарларда187 та замонавий кўп қаватли уй-жойлар барпо этилгани ҳам ҳалқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга бўлган эътибор намунасидир[25, Б.1]. Уй-жойга муҳтож, ногиронлиги бўлган 1207 нафар аёлга арзон уй- жой ажратилди[26, Б.1].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида"Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя моделини реал талаблар асосида умумэътироф этилган халқаро стандартлар даражасига кўтариш зарур"[27, Б.1].деган эди.Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳам амалга оширилаётган ишлар қамрови анча ўсди.2018 йилнинг ўзида 400дан ортиқ хусусий тиббиёт масканлари ташкил этилиши ҳам фуқароларимизнинг сиҳат-саломатлигини таъминлашга қаратилган юксак эътибор намунасидир.

Хулоса шуки, мустақиллик йилларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳолииижтимоий ҳимоялаш ва фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга мурожаатномасидан. Сурхон тонги.2017 йил 27 декабрь. (From the address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev to the Oliy Majlis on December 22, 2017. December 27, 2017 Surkhon morning.)

2. Ўзбекистон Республикаси. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. -Б.123-151. (Republic of Uzbekistan.-Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2002.-B.123-151)

3. Ўз МА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 120-варақ. (National Archives of Uzbekistan. M-15 fund, List 1, Works 91, 120 pages).

4.Ўша жойда. (In that place).

5.Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 3-рўйхат, 2-иш, 241-варақ. (state archive of Kashkadarya region. 142- fund, List 3, Works 2, 241 pages)

5. Саҳоват. -Тошкент, 2006. № 3-4. - Б.12. (Sahovat.-Tashkent, 2006. No. 3-4. - P.12.)

6. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 3-рўйхат, 460-иш, 43-варақ. (State archive of Kashkadarya region. 142funds, list 3, case 460, page 43.)

7. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 3-рўйхат, 471-иш, 2-варақ. (State archive of Kashkadarya region. Fund 142, list 3, case 471, page 2.)

8. Сурхон тонги. 2008 йил 29 март. ("Surkhon Morning" newspaper. March 29, 2008)

9. Халқ сўзи. 2009 йил 25 февраль. (The "People's word" newspaper. February 25, 2009.)

10.Жамият. 2009 йил 17 апрель. ("Society". April 17, 2009.)

11 Ишонч. 2009 йил 3 март. ("Confidence". March 3, 2009)

12 Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви. 2006 йилги маълумотлар папкаси. -Б.3. (Archive of the Main Directorate of Labor and Social Welfare of Kashkadarya Region. Data folder of 2006. -P.3.)

13. Халқ сўзи. 2008 йил 4 январь. (The "People's Word" newspaper. January 4, 2008)

14. Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви. 2006 йилги маълумотлар папкаси. -Б. 7. (Current archive of the Main Department of Labor and Social Welfare of Surkhandarya region. Data folder of 2006. -P. 7.)

15. Мирзиёев Ш.Эркин ва фаровон демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -Б. 14. (Mirziyoev Sh. "Let's build a free and prosperous democratic Uzbekistan." Tashkent: Uzbekistan, 2016. -P. 14.)

16. Ўша жойда. (In that place.)

17. Мирзиёев Ш.Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -Б. 13. (Mirziyoev Sh. "Let's build a free and prosperous democratic Uzbekistan." Tashkent: "Uzbekistan" 2016. -P. 13.)

18.Ўша жойда. (In that place.)

19.Термиз университети 2019йил 18 ноябрь. (Termez University November 18, 2019.)

20.Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -Б. 290-291. (Mirziyoev Sh. "We build our great future together with our brave and noble people." Tashkent: "Uzbekistan" 2017.

-P. 290-291.)

21.Ўша жойда - Б. 324. (In that place - P. 324.)

22.Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -Б. 282. (Mirziyoev Sh. We build a great future with our brave and noble people.-Tashkent: Uzbekistan, 2017. -P.282.

23.Халқ сўзи 2017 йил 8 декабрь. (The "People's Word" newspaper. December 8, 2017)

24 Халқ сўзи 2017 йил 8 декабрь.(The "People's Word" newspaper. December 8, 2017)

25.Аёл ва замон 2018 йил 20 февраль. (Woman and Time. February 20, 2018)

26.Халқ сўзи 2018 йил 8 декабрь (The "People's Word" newspaper. 8, 2018)

27.Халқ сўзи 2018 йил 8 декабрь (The "People's Word" newspaper. 8, 2018)

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№25 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темур пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000